

АБДУЖАББОР ОБИДОВ

ЧЎРТКЕСАР

Ю-46622/2_{д1}

АБДУЖАББОР ОБИДОВ

ЧЎРТКЕСАР

(Қисса ва ҳикоялар)



ТОШКЕНТ
«ISTIQLOL»
2019

УЎК: 821.512.133-31
КБК: 84(5Ў)6
О 14

Ўзб. адабиёти

*Ушбу китобни отам Абдуҳамид ҳожи Обид ҳожи
ўғлига бағишлайман.*

Муаллиф


Тақризчи ва сўзбоши муаллифи:

Иброҳим Ғафуров,
ёзувчи, филология фанлари номзоди.

*Бу тўпلامдан жой олган қисса ва ҳикоялар ўзининг ҳаётийлиги,
уларда баён этилган воқеалар ва кечинмалар одамлар кўз ўнгида юз
бераётганлиги билан ажралиб туради. Уларни мутолаа қилиб
турмушнинг нақадар мураккаблигига дуч келасиз, лекин ҳаётда шундай
илоҳий бир куч борки, унинг олдидан ҳеч бир нарса инсон билган қудратга
эга эмас. Руҳият тенгсиз...*

*Китобни мутолаа қилган муштарий беихтиёр машҳур рус адиби
Василий Шукшиннинг асарларини ёдга олади. Улар ҳам шундай ҳаётий,
ноодатий воқеа-ҳодисаларга бой, баландпарвоз фикрлардан ҳоли
асарлар эди.*

*Ўйлаймизки, тўпلامга киритилган қисса ва ҳикоялар сизга ҳам
маъқул келади.*



ISBN 978-9943-5723-9-3

1046622
291

© Абдужаббор Обидов, 2019.
© «Istiqloq nashriyoti», 2019.



ИНЖЕНЕР ЁЗУВЧИ

АБДУЖАББОР ОБИДОВНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА ИЖОДИГА ҚАЙДЛАР

Абдужаббор Обидовнинг номи ахборот технологиялари ва нафис адабиёт билан яқиндан қизиқиб юрадиган қаламкаш олимлар ҳамда бадиий адабиёт мухлисларига таниш. У ёши олтмишлардан ошиб қолган жуда қизиқ инсон. Илк шеърлар китоби 2001 йилда «Чўлпон» нашриётида чиққан. Бу китобча шеърлар машқ қила бошлагандан бери ўттиз йил ўтиб босилган. Абдужаббор Обидовни қизиқ одам деганимнинг сабаби, у 2019 йилда «Чўлпон» нашриётида ўзбек ва инглиз тилларида чиққан «Нозикой ва Маймоқ» деган эртақ китобини менга олиб келди. Болаларни топқирликка ўргатадиган, табиатни севиш, жонли фикрлаш, олижаноб майлларга қизиқтирадиган бу эртақ асарнинг икки тилда безакли қилиб чиқарилгани мени қувонтирди. У сал олдинроқ рус тилига ҳам таржима қилинган экан.

Абдужаббор Обидов, эртақни ўқиб чиққанимдан сўнг, ўзини менга таништирди.

— Асли математикман. Ахборот технологиялари, тизимлари, дастурлари билан шуғулланаман. Ўнга яқин электрон қўлланма, юзга яқин илмий-услубий ишлар ёзганман. Ҳозир Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида электрон ҳужжат алмашинув тизимлари ва бизнес жараёнларида маълумотларни қайта ишлаш технологиялари бўйича қатор курсларни ёшларга олиб бораман...

Ҳозирги замоннинг энг долзарб илмий техник йўналишларида фаол иш олиб бораётган йирик олим ва амалиётчининг кичкин-тойларимизга айнаи вақтда эртақлар ёзиши, уларни бир неча тилларда нашр қилинишининг ўзи қизиқ эмасми? У бироз вақт ўтгач янги ёзилган яна бир эртақ-қиссаси қўлёзмасини олиб келди. Бу асар кўзимга «Нозикой ва Маймоқ»дан ҳам ажойиброқ бўлиб кўринди.

— Менинг бир қанча шеърый китобларим чиққан. Уларни Шукрулло, Пўлат Мўмин, Баҳром Рўзимуҳаммадлар кўриб

маъқуллаган. Роман ва қиссалар ёзганман. Худойберди Тўхтабоев, Ҳайдар Муҳаммад, Саъдулла Сиевга ўқитганман...

Илмий техник ижод билан бир қаторда бадиий ижодга ҳам жуда қизиқаман. Иброҳим ака, мана охириги ёзганларимни сизга олиб келдим. Умр ўтиб кетяпти. Кўзингиз тушсин дейман...

Шу танишувимиз баҳона бўлиб Абдужаббор Обидовнинг шеърлари, ҳикоялари, қиссаларини ўқидим. Улардан романига ўтдим. Биринчи саҳифасиданоқ унга қизиқиб қолдим. Роман «Бахтини йўқотган гўзал» деб номланган. У 2013 йилдан бери бир неча марта қайта нашр этилган ва тарқаб кетган.

Абдужаббор Обидов соф математик, техника фанлари номзоди, компьютерлар бўйича дарсликлар муаллифи — бадиий асарларида ҳеч кимга тақлид қилмади, ҳеч кимга эргашмади, юраги қандай буюрса шундай ёзди, ҳаётни, одамларни инженер ёзувчи нигоҳи билан кўрди, инженер ёзувчи қалби билан англади. Инженер ёзувчи онги билан тасаввур қилди ва битади. Шунинг учун шеърларини ҳам, роман, қиссаларини ҳам бировга ўхшатиб бўлмайди. Уларнинг ўзига хос бадиий услуби кўзга ташланиб туради. У одамларнинг юрагида олижанобликнинг уйғонишини ва хоҳиш кучга айланишини кузатади ёки олижаноблик нега айрим одамларнинг борлигини тарқатишини синчиклаб текширади, олижаноблик ташлаб кетганда (олижанобликдан маҳрум бўлганда) инсон нимага айланишини бадиий таҳлилдан ўтказди. У жуда табиий ёзади ва қаҳрамонлари ҳам табиий ҳаракат қиладилар, ўз пешоналарини синайдилар. Манави қиз — ҳақиқий маънодаги Лайло, манави олифта йигитча — ҳақиқий маънодаги Юсуф ва улар шу бугунги хонадонларнинг эшикларидан кўчаларга чиқиб келадилар, институтлар, бозорлар, вагонлар, рейслар, спорт майдонларини тўлдирадилар, улар теварак-атрофларимизни бугунги ҳаёт нафаси уфуриб турган инсон маданий маконларига айлантирадилар...

Абдужаббор Обидов таржимаи ҳолининг ажойиботлари шулар билангина чекланмайди. Суриштирсангиз, у сизга ёшлигида ўн йил машҳур кибернетик олим Восил Қобулов билан бирга ишлаганини, Кибернетика бирлашмасида дастурлаш гуруҳини бошқарганини айтади. Бу ажойиб эмасми? У Норберт Винер даражасидаги кибернетик, ҳаёт ва илм программисти бўлиши мумкин эди. Москвада Фанлар Академияси қошидаги Кибернетика илмий кенгаши профессори С.И. Самойленконинг шогирди бўлди (домласи оддий профессор эмасди, чунки уни кейинчалик четга Силикон водийсига ишга таклиф этишди). Таниқли олимларнинг маъ-

рузаларини тинглади. Дунёда номи чиққан машхур фан намояндалари: Мартин, Кнут, Керниган ва Таненбаум китобларини ўқиди, ойлаб кутубхоналардан чиқмай ўрганди. Илмий тадқиқотиға бор кучини, вақтини сарфлаб, бир ишни бошини тутса, албатта охириға етказишини тасдиқлаб номзодлик ёқлади...

Менимча, у ўз касбини ғоятда севади. Янги дунёнинг келажаги шу фанлар қўлида деб билади. Аммо ўша пайтлар шеърлар, ҳикоялар ёзиш ҳам унга тинчлик бермасди. Бадиият, характерлар жозибаси уни ром қиларди, ўз ҳолиға қўймасди. Мен Абдужаббордан Михаил Зошченкони ўқиганмисиз, йўқми, деб сўрамабман. Аммо, манави «Чўрткесар» деган китобиға кирган ҳикояларда ўша содда ва жозиб тирик руҳ намоён бўлади. Унинг насрий асарларининг қаторлари таранг тортилган ёй ипидек жаранглаб туради. Бир зиддиятдан бошқа туганмас зиддиятлар туғилиб, ўз ҳаётий ҳақиқатининг ечими томон боради.

Абдужаббор Обидов Сталин ўлган йили Тошкенти азимнинг кўҳна Лабзакида 1953 йилда туғилган. Таҳдидлар замонлари ўтиб эркин дунёға чиққан. Шон-шараф, қадр-қиммат, эл-юрт ҳурмати қаттиқ тутилган илдизи тоза ва мустаҳкам муҳитда кўзи тўқ бўлиб ўсган.

У энди ажойиб инженер ёзувчи, ёшларнинг фидокор устози. Шу инновацион замон тўлқинларида ўз ижодкорлик, олимлик ўрнини топган. Умри узун бўлсин.

Иброҳим Ғафуров,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Ҳикоялар

ЧЎРТКЕСАР

*Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлғон ёмон.*

Эркин Воҳидов

Усмон ота чўрткесар, қайсар, бир сўзли, юзлари доим ўйчан, бироз қаҳрли, аммо жиддий одам эдилар. Тартибни, одобни хуш кўрар, салом бермаган бола танбеҳ эшитмай қолмас, бунинг устига отасига ҳам бу долатни айтишга Усмон ота эринмасди. Сўконғич, уришқоқ болалар бир қанча метр наридан пусиб ўтардилар. Ухлаб қолиб, ошга кеч чиққан, автобусни куттириб қўйганлар ҳам эшитарди эшитадиганини. Уларнинг гапларидан маҳаллада панд емаган аҳоли қолмаганди ҳисоб. Бироқ аёлларнинг ўртасига тушишни, улар ишига аралашни ўзларига эп кўрмасди. Ҳар ҳолда кўпчилик бунни биларди. Бироқ бир воқеага барибир аралашганларини ўзларидан эшитгач, аёлларни ҳам тартибга чақириб туриш қанчалик зарурлигига иқрор бўлганман. Усмон ота оғзидан бир неча йиллар аввал эшитган воқеа эса қуйидагича бўлган экан.

Усмон отанинг Янгиерга жияни тушган. Яхши, амалдор куёви бор. Пенсияга чиққач, йилига камида уч-тўрт марта бориб, 3—4 кун меҳмон бўлиб келади. Амалдор куёви уни роса сийлайди, ҳар боришига норин, кабоб қилинади. Яхшигина отамлашишлар ҳам бўлади. Камчилик бўлмайди. Қайтишида йўл харажатларидан ортадиган пулни кассасига солиб қўяди.

Усмон отани ҳар гал димоғи чоғ қайтади.

Бир гал қайтишида эса...

Усмон ота Янгиер — Тошкент маршрутидаги автобусга билет олиб, орқароқдаги суянчиққа ўтириб олиб газета ўқиб кета бошлади. Куз палласи, пахта мавсуми. Автобусда одамлар сийрак.

Олдинги чап тарафда бир мўйсафид чол кампири билан, ортида чағир кўзи хунук боқадиган кўсанамо одам, ёнида юмшоқтабиат,

семиз, лекин кичкинагина киши, учинчи ва тўртинчи ўриндиқда эса бир рус оиласи иккита ёши катта қизлари билан кетарди. Ўнг тарафда, биринчи суянчиқда уч яшар мулойим фарзанди ва эмизикли боласи билан ёш жувон, иккинчи қаторда юзини сепкил босган лорсиллаган аёл. Ундан кейинги қаторда иккита талаба қиз секин пичирлашяпти.

Усмон ота булардан кейинда бир ўзи иккита жойни эгаллаб, ёнига газеталарини ёйиб қўйганди. Галма-гал қўлига олиб, кўз югуртириб қўярди. Энг орқадаги ўриндиқларда икки ё уч ўсмир.

Бироз юргач, автобус Гулистондан ўтаётганида бир аёл чиқди. У яхши кийинган, сертақинчоқ, салобатли, лекин анча зуғумлидек... Башарасидан шундоқ кўриниб турибди...

У бўш ўрин излаб, автобустга бир кўз югуртирди. Қизлар ўринларидан туришиб жой беришди. Аввалига улар ўрнига ўтирмоқчи бўлган зуғумли хотин, йўқ, сиз билан ўтира қолай, деб, сепкилли аёл ёнига чўкди. Автобус йўлида давом этияпти. Зуғумли аёл тўлиб турган эканми, сепкилли аёлдан ҳол-аҳвол сўраган бўлади-ю, дардини дoston қила бошлайди.

Зуғумли хотин тўхтамай, овозини бир баландлатиб, бир пастлатиб, бир чўзиб, бир энтикиб, гапида давом этаверади. Унинг: «Яшамагур», «Қўлинг акашак бўлгур», «Етимча — ярим кулча», деган сўзлари пайдар-пай эшитилаверди. Сепкилли аёл эса, дардкашлик билан, «йўғ-эй», «вой, буни қаранг-а», «наҳотки», «ноинсоф-эй», деб ҳамсуҳбатини маъқуллайверди.

Зуғумли хотин сўзининг охирида овозини пастлатиб, яна бир нима деб эди, сепкилли аёл ҳайратидан танг қотиб:

— Ростми гапингиз, энди нима бўлади? — дейди.

Сепкилли аёл бошини сарак-сарак қилиб, бармоғини юзига сурди. Худди уни уят ва андиша ўртаётгандек, зуғумли хотинга росмана ачинди. Нима дейишини билмай қолди.

Унинг аҳволидан зуғумли хотин аллатовур ижирганди:

— Эй, менга нима, ўлмайдами, шундай қиз ўстиргандан кейин! — деди овозини шанғиллатиб.

Сепкилли аёл унинг важоҳатидан қўрқиб:

— Ҳа, албатта, — деб қўя қолди.

Шунда ён томонда ўтирган кўсанамо одам: — «Нима гап?» — деб сўради.

Зуғумли хотин сенга нима, дегандек унга терс қаради. Олдинги қатордаги мўйсафид чол ҳам унга тикилиб тургани учун унга гап нимадалигини уқтирди:

- Яқинда ўғлимни уйлантирган эдим. Чув тушдим!..
- Қиз юриб қўйган эканми? — деб сўради кўсанамо киши.
- Йўғ-эй!..
- Энди юряптими?
- Нималар деяпсиз. Чотини йириб ташлайман-ку!..
- Гап нимада бўлмаса?

Зуғумли хотин кўсанамо киши саволларидан зериккандек, қўлини бир силкиб қўйди. Аммо ҳамон кўпчилик унга қараб турганини, гап очиб қўйдингми, охиригача гапир-да, деётгандек қарашларига дош беролмай, давом этди:

— Гап фақат ўшандами. Калондимог... Айтганимдек иш қилмайди. Харақтери тўғри келмайди. Ўғлимнинг бошини айлантириб олган. Уйига тез-тез кетиб қолади. Ўғлим ичиб олиб, келинникига боргани-борган. Тўйга қанча пулимиз кетди — сарпо-суриқ, иккита қўй, икки қоп гуруч, шунча ун, қалин пулини ўзи қанча!.. Ресторандаги никоҳ базмини ўзига қанча минг доллар... Келин Тошкентда ўқийди, кийими ораста бўлсин, деб, Отчопардан сотиб олган этик, пальтолари ҳам қимматидан, никоҳида Гулистонга бориб айланиб келишга тўртта машина овора, ўзи бўлмади бу тўйни. Олти ой бўлди-я, иш қилмай қўйди ҳисоб, нимамиш положениядамиш. Бизлар туғмабмизми, шундай пайтларда сигир соғиб, керак бўлса, таппи ёпиб ёшлигимиз ўтди-ку?!

Зуғумли аёл чор-атрофга бир қараб:

— Ўғлимга қўйиб юбор десам кўнмаяпти, — дейди. — Ўғилмас, бўш латта!.. Она нима деса, «хўп», дейдиган шунқорлар қани?

— Эй, шунча пул кетибди, бошқаси яхши бўлармиди? Ажратиб нима қиласиз? Улар Тоҳир-Зухра бўлса, сиз Қора ботирлик қилманг, — деб ҳингиллади кўсанамо киши.

— Сиз нимани биласиз. Энди орқага қайтиш йўқ. У қариндошлар ўртасидаги риштани узди. Кўнглимни музлатди.

Бирдан зуғумли аёл ёлғондакам кўзёш қилади-ю, шаллаққилиги янада ортди:

— Бир ёғи келин — онамдан қолган ёлғиз синглимнинг қизи. Бегона бўлмасин, отаси йўқ, етимни бошини силайман, қариндошчилиқни жипслантираман, деб хаёл қилгандим. Бу тирмизак қиз менинг ва синглим орамизга совуқчилик туширди. Юзкўрмаслик даражасида синглимни қарғаб келаяпман. Башараси курсин бундай итялоқ қариндошларни. Уйларимга келиб, боламни бошидан авраб, қизи ҳам тегиб олди. Ичимда илонни сақлаган эканман.

— Вой, сиз ҳали синглингиз билан қуда бўлган эдингизми? — дейди кўсанамо киши иршайиб.

— Нега иршаясиз?! Ҳа, синглим билан. Нима бўпти. Яшамагурлар, хонавайрон қилишди-ку!

Озгина вақт ўтади.

Усмон ота шу вақтгача захрини ичига ютиб турган экан. Қани бошқалар бирор сўз айтадими деса, ҳеч ким индамасмиш.

Кўсанамо киши, мазаҳлабми: «Тўй қилсангиз, қўшнимнинг Гулистонда ўқийдиган қизи бор, манзилини берайми?» дебди.

Зуғумли хотин эшитмагандек, қойил қилибманми деганча, қилган ишининг хумори тутиб, карахт ўтирганмиш.

— Бўлмаса келинни қайтаринг, ҳали ёш, ақли кириб қолар, — деб кўсанамо киши ҳамон гап қўшармиш.

— Ҳимм...

— Синглим?..

Усмон отанинг овози ўқдек ўзгир, қиличдек кескир эди.

— Ҳўй! — деди Усмон ота, ногаҳон кескин оҳангда.

Ҳамма, шу жумладан, зуғумли хотиннинг ўзи ҳам орқага ўтирилди.

— Сен кўчада бетайин тентирайдиган, шарманда хотинлардан ҳам баттар экансан.

Зуғумли хотин, бирдан жаҳли қўзиб, нимадир демоқчи бўлди.

Усмон ота сўради:

— Келинни аввал кўрганмидинг, билармидинг?

— Нимага кўрмай, синглимни қизи-ку! Ёшлигида ойлаб уйимга келиб меҳмон бўлиб кетарди.

— Ўша вақтда яхшимиди?

— Яхши эди, — деди беихтиёр зуғумли хотин.

— У ҳолда, сенинг қўлингга тушиб ёмон бўлибди-да! Ўзинг ёмонсанки, ёмонлигинг унга ўтган.

Зуғумли хотин анг-танг бўп қолди.

Усмон ота давом этди:

— Синглинг билан қуда бўлдингми?

— Ҳа.

— Туғишган синглингми?

— Туғишган.

— Бир қориндан тушган, бир она туққанми?

— Бир қориндан тушганмиз... — деб зуғумли хотинни овози эшитилмайдиган даражада пасайди.

— Мен кимман?

Хотин индамас эмиш.

Усмон ота сўзида давом этди:

— Бегона деб ўйлабман, — дея Усмон ота ўтирганларга ишора қилди. — Энди улар ким. Улар ҳам бегона — на жигар, на биродар.

Усмон ота жаҳли чиқса, кўзлари чақчайиб кетар, астойдил бақириб гапирар эди.

— Отангнинг, онангнинг арвоҳини чирқиратиб, синглингни бегонага: менга, уларга ёмонлайдиган — сен яхши бўлдингми? Сингил — жигаринг ёмон бўлдимми? Сендайлар туфайли ажралишлар кўп, етимлар кўп...

Усмон ота бир йўталиб, овозини янаям баландлатди:

— Жигари учун одамлар қалқон бўлади, бало-қазодан асрасин учун жонини фидо қилади. Уларнинг номини осмонларга кўтаради. Сен нима деяпсан ўзинг. Тирик қариндошингни, яқинингни шаънини ерга булғаяпсан. Кўзинг кўр бўлади сенинг. Сингил ёмон бўлибдимми, унинг тирноғи раъйингга юрмабмиди? Дийдиё қилгунча, йўлга солсанг бўлмасмиди?!.. Ҳайф сенга қайноналик шарофати, Ҳайф сенга оналик! Ўглингни бахтини ўйламасанг — Ҳайф сенга қариндош-уруғчилик. Жигарингга билиб туриб жабр қилсанг, юз бор, минг бор Ҳайф сенга.

Усмон ота баттар тутаққан қўйи:

— Эй, сен — ақли калта, патакка ярамайдиган маҳлуқ!..

Нихоят, Усмон отанинг ғазаби босилди, лекин қўлидаги газета гижимланиб кетганидан афсусланди.

Йўловчиларнинг ҳаммаси жим. Пашша учса эшитилгудай сукунат.

Бир маҳал мўйсафид чол:

— Баракалла, ҳақ гапни айтдинг! — деди.

Зуғумли хотин шартта қўллари билан юзини ёпди.

Кўсанамо киши ёнидаги кичкина одамга нималарнидир шивирлади. Сепкилли аёл, биров эмас, худди ўзи танбеҳ егандек, қизариб кетди. Ёшгина жувон она товукдек болаларини бағрига босиб, орқага бирров ҳам ўгирилмади. Бошқалар ҳам мум тишлагандай жим бўлишди.

Қўққисдан зуғумли хотин ўрнидан турди. Гандираклаб бориб, Усмон отанинг ёнига ўтирди:

— Мен аҳмоқ эканман. Онамнинг руҳини безовта бўлишини ўйламабман. Фисқу фасодларга қул бўлиб, дардимни ҳар кимга иншо этибман. На эрим, на қўшним, на бирор бир кимса мени тўхтатмабди. Ҳеч одам мени бу қилмишларим учун, хипчинда гап-сўзлар билан савалаб-савалаб кўзимни мошдек очмаган эди. Ақлим

кирди, — дея қўлларини кўксига босди. — Жон оға, сиз менга тутинган ака бўлинг?!

Усмон ота у аёлнинг тавбасига ё ишонмаган, ёки жигарига, ўғлига шунча дилхираликлар солган хотинга раҳм қилгиси келмаганми, ёхуд иймони битта тавба билан бут бўлолмаслигини савқи табиийси билан сезганми:

— Бор, жойингга ўтир! — деб ёнидан қувди. — Мен сенга ҳеч қачон ака бўлмайман ва бўлмаганимга минг бор шукр, — деди.

Бирдан зуғумли хотин ув тортиб йиғлаб юборди. Бошини кўтаролмай тўлиб-тўлиб йиғлайверди.

Автобусдагилар унга энди астойдил ачина бошладилар. У адашган аёлга бировлар, ҳатто, кўнглини кўтаришга, таскин беришга чоғлана бошладилар.

Лекин у, ногоҳ, қаттиқ изза қилинган талабадек ўрнидан ирғиб турибди-ю, ҳайдовчи ёнига борди. Бир нималар деди. Ҳайдовчи автобусни тўхтатиб, эшикни очди. Ҳайдовчи хотин узатган пулга қайтим санагунча, зуғумли хотин тушиб, ортига ҳам қарамай, автобусдан тезда узоқлаша бошлади.

Ҳаял ўтмай, автобус яна йўлга тушади.

Йўловчилар, негадир Усмон отага қараб-қараб қўйишарди. Усмон ота эса автобус ойнасидан йироқ-йироқларга ўйчан тикилиб қолганди.

Биламан, унақа қараш — фақат ва фақат ҳаётнинг пасту баландини, меҳру оқибатини, инсон қадр қимматини биладиган нуронийларгагина насиб қилади.

ИМОН ШИФОСИ

Бу воқеага кўп йиллар бўлди, икки мингинчи йилларнинг энг боши эди. У замонларда уй-жой бозори Радиоэшиттиришлар Давлат қўмитаси рўпарасидаги автобуслар бекати туташган кенг майдонда эди. Маклерлар, сотувчи ҳам, олувчи ҳам ўша ерда. Бозор ҳамиша маклерлар, сотувчилар ва уй олувчилар билан гавжум. Одамлар бир неча қатор тик турганча, сотадиган уй манзили, хоналар сони ва нархи катта ҳарфларда ёзилган эълон қоғозини кўксига қистирганча харидор кутишарди. Маклерлар қадрини билар, стол-стул қилиб олган, баъзилари ҳеч бўлмаса йиғма ўриндиққа жойлашиб олган.

Уй-бозорда айланиш менга ёқарди. Одамлар нимага сотяпти, нима сабаб? Қаерда бу уйлар? Нарх-наво қандай?.. Лекин ўшанда ҳовли сотиб олиш ниятим ҳам йўқ эмас эди.

Бир-икки ҳафта бориб турдим, шекилли. Вақтим кўп, иш жойимни алмаштириш учун бўшаган пайтларим. Аввал уй муаммосини ҳал қилиб олиш ниятида ҳар куни бозорга борардим. Аммо, пулимга мос келадиган ҳовли топилмас, таклиф этилаётганларнинг нархлари чақмаса-да, мўлжаллаган ҳудудимдан бўлмай, кўнглимга ўтирмасди. Аммо, айланишдан зерикмасдим.

Бир куни эътиборимни битта эълон ўзига тортди. Чилонзор 11 мавзедаги икки хонали уй. Нархи тўрт минг икки юз шартли пул бирлигида. Биринчи қават, офис қилса бўлади. Уй эгаси баланд бўйли, бақувватгина киши, миллати корейсга ўхшаб-ўхшамасди. Бир-икки оғиз гаплашгач, онаси рус, отаси корейслигини ўзи айтди. «Хотиним ҳам шунақа — метис», деб қўшиб қўйди.

Мен унинг танаси тик ва ҳеч бир ёғ босмаганини, мушаклари таранг спортчига хослигини, қандай машқ тури билан шуғулланишини сўрасам, турнирга осилиб туришини айтди.

— Ўзингизни яхши сақлабсиз! Икки чақирим наридан ҳам турқингиздан соғлом одам нусхи келиб турибди, дедим.

— Ташаккур!.. — деб кулди. — Лекин ўн йил олдин қирқ ёшимда мени шифокорлар ўлдига чиқаришганини билмайсиз-да.

— Ия, нега энди?

— Жигар церрози!

— Ростданми?

— Ҳа, — деди-ю, у ўзи ҳақида тўлиқ сўзлаб берди.

— Асли ёшлигимдан бақувват эдим. Курувчиман. Хотиним билан ҳам қурилиш майдончасида танишганман. У идорада бухгалтер. Ёшмиз, шўхмиз, умримиз қувноқ ўтарди. Ичкиликка унча ружу қўймагандим. Аввал ўғил туғилди. Суюнчисига ҳокимлик қурилишда ишлашимни инобатга олиб, мана шу сотмоқчи бўлаётган уйимизни бизга ажратганди. Хурсандчилик устига хурсандчилик. Кейин бир-икки йил ўтмай қизим туғилди. Хотиним уйда ўтириб қолди. Бошида қийин эмасди. Аммо, шўронинг бошида тожи бор биринчи раҳбари реформалари туфайли, дўконлар қуриб, пул қадрсизлана бошлаган пайт келди. Кейин, қурилишлар тўхтади ҳисоб. Ҳамма ўзини бизнесга урди. Четдан мол-товар олиб келиб сотиш ягона касбга айланди. Эсингиздами?

— Унчаликмас.

— Нега энди? Кунда эмас, соатига купонлар нархининг осмонга сапчигани-чи... — Хуллас, тижорат қўлимдан келмас экан. Ипподром бозорида тижоратчиларнинг молини қўриқлашга ёлландим. У вақтда очиқ-сочиқ жойларга товар тушириларди.

— Ҳа, тўғри.

— Аммо тушум кўп эмасди. Хотиним тўполон чиқара бошлади. Мени танбалликда айблар, эркакка ўхшаб пул топишни ҳам қойиллата олмайсан, деб иззат-нафсимга тегарди. Жаҳл қилиб ичкиликка ружу қўйдим. Қўлингдан келса ўзинг болаларни боқиб ол деб дўқ урибман. Онасини бошлаб келди. Қайнонам бизникида қолиб икки болага қараган. Хотин Туркияга қатнайдиغان бўлди.

— Яхши бўлди ми тижорат сафарлари?

— Ўхшади, шекилли. Лекин, мени олам ўрнида кўрмай қўйишди. Ҳар бориб келганда, тезда молларини кўтарасига сотиб, яна бир ҳафта ўтмай, сафарга жўнардди. Онаси билан пичирлашгани-пичирлашган. Менга қанча пул топгани — фойда-зарари ҳақида гапирмайди. Сўрасам силтаб ташлайди. Сўкаман. Уям сўқади. Устига-устак, оз-оз ича бошлаб, оғзидан сигарет тушмайдиغان бўлиб қолган.

— Хотин киши чекса, яхшимас.

— Чекса нима?.. Мен чекишни ўн тўрт ёшдан бошлаганман. Аммо-лекин сўкишни ўргангани, болалар олдида беҳурмат қилиб ташлашлари, жонимдан ўтиб кетарди. Ичкиликка ўтиб олдим. Бу ёқда пала-партиш турмуш ўз ишини қилиб, озиб, заифлашиб бордим.

У бирпас жимиб қолди-да, сўнг давом этди.

— Қайнонамни Худо бизга кўп кўрдию, хотиним беш-олти йил қатнаб ўрганган тижоратига нуқга қўйди. Ачиндим. Кўзёш тўқдим. Қайнонам яхши аёл эди. Менга бирор марта қаттиқ гапирмади. Қайтанга улар қазо этиб, хотиним билан бақирёқ-чақирёқлар авжи ошди. У энди чет элга чиқолмаслиги аламини худди мендан олаётгандек эди. Тўполонига болаларимиз безор бўлиб, жимиб қолишар ёки кўчага қочишарди. Яхшиямки, бозордан жой олган экан, битта дугонаси бераётган ижара пули кунимизга яраб турарди. Менинг қоровулчилик пулим кўп эмас, топганим ичкиликдан ортмасди. Бир куни қаттиқ тортибманми ўзимдан кетиб қолибман. Яхшиямки, хотиним яхши, вақтида касалхонага ётқизибди.

Эртаси кун бўйи таҳлил қилишди. Ўнг тарафим қаттиқ оғрирди. Шифокор охири секингина: «Жигар церрози», деб ёмон гап айтди. Ўшанда ҳам оқибатини ўйламай, худди эртага тузалиб кетадигандек, менсимабман.

Хотиним мени севаркан. Дўхтир айтган бор дориларни топиб келаверди. Бир ой даволандим. Заррача фойда бермади. Мана ичкиликнинг оқибати!.. Ахийри, бир култур сувни ҳам ичолмайдиган бўлиб қолдим, нуқул қайт қилардим. Бир куни шифокорнинг

хотиним билан гаплашаётиб, қайта-қайта бош чайқаганлигини кўриб қолдим-у, нариги дунёга тараддуд кўришим кераклигини англадим. Энг қизиғи, тақдирга шунчалик тез тан бердимки, на бир хафалик, на бир катта қайғу, на бир кимдандир алам сезмасдим.

Ҳа-я, қанча умрим қолганини шифокор айтмабди. Болаларим ўшанда еттинчи ва бешинчи синфларда ўқирди чамамда. Бир-икки кун ўтди. Бир пиёла қайнаган сув ичаман ёки ундан ҳам камроқ. Ортиқчаси кетмайди. Қусилади!.. Хотин эрталаб ишига болаларни етаклаб кетади. Йўл-йўлакай мактабда болалар қолади. Тушдан кейин бирин-кетин кириб келишади. Озиб-тўзиб кетганман. Менинг аҳволимни кўрқа-писа сўрашади. Зўрға жилмайиб кўяман. Ўлимни кутиб ётиш оғир бўларкан. Хаёлингдан турли воқеалар, бошингдан ўтган ҳолатлар ўтар. Баъзиларига тавба қилишим керакмиди ёки йўқми — билолмайман. Кун бўйи, уй одам тўлгунча эзилиб ётаман. Ўрнимдан бир амаллаб туриб, бироз юриб, ойнадан ташқарида ўтаётган одамларни томоша қиларканман, наҳот бу дунёни шунақа қирчиллама ёшда тарк этсам, деган ўй қийнай бошлайди. Зерикаман. Ғам-ғусса мени ниҳоят эза бошлайди, шунда марҳум онамнинг гаплари бот-бот қулоғимда жаранглайди: андуҳларим тарқасин десанг, Эгам нозил қилган китобларни ўқигин! Кунларнинг бирида миямда бир нима ярқ этди. Эртаси эрталаб хотиним ишга кетишидан аввал онамдан қолган Илоҳий китобни топиб беришини сўрадим. Китоб жавонининг энг юқори қаторига қўйган экан. Артиб-суртиб қўлимга тутди:

— Яхшимисан? — деди. — Термосга қайнаган сув дамлаб қўйдим, — деб хайрлашди. — Кечгача!..

Бироз ўқисам толиқиб қолсам керак деб ўйлагандим. Қаёқда!.. Тушгача бир-икки дам олганимни айтмаса, берилиб ўқибман. Кирилда битилган. Тили оддий ва равон. Одамни худпарастлик, худбинликдан чиқариб, худопарастликка (худопарстлик — оммани, жамиятни ўйлаш, ён-атроф билан ҳисоблашиб яшаш демакдир) солгувчи китоб экан. Ёшим қирққа кирибдию, шуни билмаганим учун ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Аввал болалар, кейин хотиним кайфиятимни кўриб, киши билмас суюндилар, шекилли. Биринчи кундаёқ!.. Эртаси, индинига яна бир неча кунда тамом ўқиб бўлиб, қайта бошдан яна ўқишга киришдим. Якшанба куни эди. Хотинимга:

— Илтимос... Картошка бўтқа егим келаяпти, — дедим.

Хотинимнинг қўлидан тарелка полга тушиб чил-чил синди. У менга узоқ вақт ҳайрон қараб турди-да:

— Хўп, албатта, — деди.

Эзилган картошкани чўчиб татидим. Яна кўнглим айниса-чи, деган ҳаёл мени қийнади. Бир соат-икки соат ўтди. Йўқ, ҳеч нима қилмади. Эртаси сули, кейин гурунч. Бошқа куни гречка. Тўртинчи куни тефтели-гилминди, қайнатилган гўшт...

— Сиз мана мусулмонсиз? Тўғрими? — деб сўради у.

— Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман, — дедим мен.

— «Қуръон»ни ўқиганмисиз?

— Биласизми?.. — деб чайналдим мен. — Араб тилини билмасам... — Ҳали у пайтларда Қуръони каримнинг бизда муборак ўзбекчаси таржима қилинмаган эди...

Замонавий фанлар ва мутахассислигим бўйича зарур илмий адабиётларни ўқиш-ўрганишга аранг вақт топаётганлигимни айтишим шартмасдир, бу ваз, баҳона ўтмайди, деб ўйладим.

— Илоҳий китобда ҳаммаси оддий ва тушунарли насиҳат ва маслаҳатлар: яқинингни дилини оғритма, марҳаматли, саховатли бўл. Одамларга яхшилик қил. Савобдан бошинг чиқмасин. Тўрт мучанг омонатга берилганини билгин-у, ўзингни ортиқча синовларга солиб, ичкиликка ружу қўйма, меъдангни қийнама дейилган. Ҳамма-ҳаммаси ёзилган-а! Қаранг! Мен аҳмоқ, ўзимни ўзим тамом қилибман. Худойим ўзинг кечир! Шавқат қил, деб, илтижоларга ҳам ўтдим. Бироз соғлиғим тузалганини ҳис қилгач, ўқиганларимни хотиним, болаларимга айтиб бера бошладим. Улар ҳам жон қулоқлари билан эшитардилар. Чунки доимо кўпол, бемаза, шалоқ гаплар чиқадиган оталарининг бундай бамаъни, оқил гапларига лаб жуфтлаши уларга ниҳоятда ажабланарли, сеҳрли туюлган бўлса, ажаб эмас.

Энг қизиғи, ўзимда рўй бераётган ўзгаришлар эди.

Масалан, авваллари таом олдида ўзимни жуда нотўғри тутганим маълум бўлиб қолди. Мен уйнинг бошиман. Демак, энг катта бўлак гўштни мен ейишим керак деб, товоқни остин-устун қилиб танлаб олиш ҳуқуқим, деб, шундай қилардим. Қанчалик беодоблик ва манманлик ботқоғига ботган эканман-а!

— Нега энди? Кўпчилик оилаларда оталар ўзларини шунақа тутишади. Бундай тартибга фарзандлар, рафиқалар кўниб, шундай ҳолни табиий билишади.

— Балки шундоқдир. Мен эса бошқача, ўша илоҳий китобда ёзилган насиҳатга амал қилишга ўтдим.

— Яъни?

— Овқат келтирилса, энг чиройли гўшт бўлагини хотинимга тутдим. У ҳайрон: ўзинг еявер, деди. Йўқ, сен егин, илтимос, дедим.

Болаларим ҳайрон қараб қолишди. Хотинимнинг кўзларида ёш айланди. Йиглаб гапирди:

— Ўн олти йил турмуш қурган бўлсак, биринчи марта ҳайратга солдинг. Раҳмат!

Кейин баъзи ишларига кўмаклашадиган бўлдим. Хотиним менга жилмайиб-жилмайиб қарайдиган бўлди. Полизга кўк пиёз, укроп, кашнич экдим. Енгил кийимлар, пайпоғимни ўзим чайиб қўяман. Ҳаш-паш деганча, бир ойдан ортиқ вақт ўтди. Шифокор ҳузурига бордик. Юрагим така-пука. Нима деркин?

Шифокор анча текширди. Чунки қон таҳлили икки турда ўтказилди. Натижаларини айтишга шошмаган дўхтир УЗИда ўнг кўкрак қисмини узоқ кўрди ва ниҳоят, аввал хотинимга бир қарагач, менга тикилиб:

— Қандай даволадингизлар? Асорати ҳам, аломати ҳам қолмабди, деди. — Табриклайман!..

Хотиним қийқириб юборди.

Мен эса ҳайратда лол ва гунг эдим.

Уйимиздан бу дард чекиниб, солган азоблари барҳам топгани, хурсандчилигига шарбат ичдик. Хотиним ўзи ёпган олча шарбати. Шунчалик ширин ва тотли туюлар эдики, минбад ичкиликни оғзимга олмасликка қасам ичдим. Оиламиздаги соғлом муҳит: эр-хотин жанжаллари ўрнига, хотиржамлик ва аллақандай сирли муҳит! Хотиним менга қўшилиб, илоҳий китобни ўқиб чиқди. У ҳам ҳикматга яқинлашди, деб ўйладим. У юмшоқ аёлга айланиб қолган, икки гапни бирида қадрдоним, азизим деб менга мурожаат қилса, ўғлимизни менинг ақллим, қизимизни чиройлигим деб қақиради. Мақтайди. Юзидан нур ёғилади. Шундек хотинни севмай бўладими?! Аёлимни қайта севиб қолдим. Ўн беш йилдан кейин муҳаббат менга қайтди. Чин муҳаббат!

— Ҳа, тўғри. Аввал шариат, кейин маърифат, ҳикмат ва тариқатга етилади, деб бекорга таъкидланмайди.

— Шунақа. Оилада соғлом, тинч ҳолат болаларга ҳам яхши таъсир этди. Илгари, бақариб-чақариб йўлга сола олмаётган фарзандларим нукул бешга ўқий бошлади. Ишонасизми?

Унинг кўзларига ёш қуйилди.

Индамай, ҳамсуҳбатим сўзини давом эттиришини кутдим.

— Мана ҳозир фарзандлар Москвада. Ўғлим институтни битказиб, бир француз фирмасида катта лавозимда ишляпти. Учта тилни: русчадан ташқари француз, инглиз, испан тилини билади. Маоши

катта. Тўрт хонали квартира олди. У ердан, яъни дунё пойтахтидан жой қилиш осонмас, ўзингиз биласиз.

— Демак, ошиги олчи. Омадини берсин, — дедим мен самимий.

— Оилам билан маслаҳатлашиб, Москвага унинг олдида кўчишга қарор қилдик. Хотиним ва қизим кетиб бўлишди. Уйни сотиб мен ҳам ҳадемай етиб бораман.

— Табриклайман. Шунча ўзгаришлар... Айтинг-чи, сиҳатингизни бу даражага етишига қандай эришдингиз?

— Турникка осиламан. Кейин қўлда кунига элликтагача отжимания!.. Ўн йилдан бери... Ҳар куни. Ичкилик йўқ, чекиш ҳам. Хотиним ҳам шундай. Юзлари тиниқлашиб гўзал, оқила аёлга айланган.

— Яна бир бора менинг қутловларим. Болаларингизнинг бахтини берсин!

— Раҳмат! Интеллегент одам кўринасиз! Менинг уйимни сотиб ола қолинг. Нарҳини тушуриб бераман.

— Нима, зараригами?

— Қўйинг бу ҳақида гапирманг. Уйимни яхши қўлларга топширсам бўлгани.

У индамай қолди. Сўнг қўшиб қўйди: — Заррача ҳам афсус чекмайман. Ҳаётда пул муҳим эмас экан. Зарури, ичингизга кирган нур, зиё ва билим саодати — имон. У бўлса бойлик, ҳашам ва давлат ўзи келаркан. Ҳатто соғлиқ ҳам!..

Мени кўярда-қўймай уйига судради. Бежиримгина квартира. Хоналарни айланаман. Гул қоғозлар эскирибди. Лекин хоналари озода, саришта. Китоб жавонларига беҳос кўзим тушди. У менинг бу тарафга қараганимни англаб, энг юқори қаватда якка турган илоҳий китобга ишора қилди: мени ҳаётга шу манба қайтарди. Тупроқ рангидаги, униққан муқовасида ҳатто бирорта ҳарфини илғаш мушкул, босилиб чиққанига эллик-юз йил бўлган китобга кўз ташлаб анча вақт жим қолдим.

Уйининг нарҳини анча тушириб айтса-да, сотиб олиш менга насиб қилмади: йўл юзи, доим шовқин. Бунақаси ижодкор одамга унча маъқулмас, ўзингиз биласиз.

Орадан шунча вақт ўтди. Ўзини Виктор деб таништирган бу одамнинг ҳозирги ҳаёти қанақа, билмайман. Лекин, биламанки, қай ерда бўлса ҳам имонини топган одам қоқилмаслигига ишончим комил.

..а 17 в..

2020/6/ А 275	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
------------------	--

ҲАЗРАТИ УККОША БУЛОҒИ

Ўрдадан Навоий кўчаси билан Кўкалдош мадрасасигача борсангиз, рўпарангизда йигирма қаватли, учбурчак шаклига қиёс қурилган меҳмонхонага кўзингиз тушади. Салобатли, ҳайбатли кўринишидан бу бино узоқдан ўзига тортади. Жуда жойига тушибди, деб ҳам ўйлашга асос бордек туюлади. Аммо қанча муддатдан бери фойдаланилмай ётгани сабаби собиқ Иттифоқнинг машҳур архитекторлари лойиҳалаган иншоот бир тарафга чўкиб қолиши кишини ўйлантириб қўяди. Сабаби нима? Нега қийшаяди? Ёки ернинг таги бўшмиди? Наҳот шуни ҳисобга олиш мумкин эмасди? Шу каби бошқа саволлар ҳар кимни қийнаши турган гап. Лекин ҳикоя аслида бу ҳақдамас...

1992 йилда Қомуслар бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Тошкент энциклопедияси»да Уккоша булоғи ҳақида қуйидагилар айтилган: Уккоша булоғи Тошкент булоқларидан энг машҳури. Бадалмат ҳаммомининг ўрнига қурилган «Чорсу» меҳмонхонаси ёнидаги Чорсу жарининг ён бағрида жойлашган эди. Суви шифобахш ҳисобланган. Тепасида шийпон бўлган. Булоқдан сув олиш учун заранг коса қўйилган. Мешкобчилар Уккоша булоғидан сув олиб, бозорда сотишган. 1980 йиллар «Москва» деб ўша вақтда номланган меҳмонхона қурилиши муносабати билан булоқ беркитиб ташланган.

Ҳўш, Ҳазрат Хожа Уккоша ким? Нега унинг номидаги гўзал булоқ беркитиб ташланади.

Тарихчи Муҳаммад Солиқхўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» китобига асосланилса¹, Ҳазрат Хожа Уккоша (р.а.) халифа Умар буйруғи билан Мадинадан дин даъвати учун келган саҳоба мужоҳидлардан бўлган. Ривоятларга кўра, жанг пайтида жума намози таҳорати учун муборак асолари билан пастлик ерга ишора қилганларида, қадамлари остидан чашма пайдо бўлиб, сув фавворадек отилиб чиққан экан. Ким қичима касалига мубтало бўлган бўлса, ихлос ва эътиқод билан шу сувда гусл қилиб, икки ракат намозни адо этса ва савобини Ҳазрати Уккоша руҳи покларига бағишлаб, Каломи раббонийни тиловат қилса, ўша касалидан шифо топан.

¹ Ў.А. Султонов. Муҳаммад Солиқхўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари. Т.: - Ўзбекистон, 2009 й. - 270 б.

Мазкур баёнга ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Мен эса тасдиғига бир бора шохид бўлган амални келтирсам...

Бу воқеага ўттиз беш йиллар бўлдиёв. Қурвақаободдаги ҳовлимизда (кейинроқ маҳалла «Қори ёғди» деб номланди) отамиз олдиға акам Абдужалил келганлари эсимда. Отамиз ўзларини ёшларига мослаб қурдирган икки зина билан чиқиладиган пастаккина меҳмонхонада эдилар. Чой дамлаб хонтахта устиға қўйилди. Қанд-қурс, нон дегандек. Дуолар ўқилди. Ҳол-аҳвол сўралди. Акамизнинг чехраси очилмади. Юзлари хавотирли. Аммо акам сўз очмай сукут сақлардилар. Балки менинг билишим зарурмас гапдир, деб индамай ташқарига чиқмоқчи эдим, отамиз кетма дегандек имо қилдилар-да, «нима бўлди?» деб акамдан оҳиста сўрадилар. Акам шуни кутиб тургандек, бир нарсаларни тез-тез айтиб берарканлар, мен нимадир юмуш билан нарироқда эдим, отамиз индамай эшитиб ўтирардилар. Охири «Эскича амалларни қилдингми?», деб сўраганлари қулоғимга кирди.

Акам бош чайқади.

У Авиасозлар заводида каттагина цех партия ячейкасининг раҳбари, коммунист бўлса, албатта «йўқ» дейди-да.

Отам унақасига айтдилар, бунақасига кўндирмоқчи бўлдилар, акамдан садо чиқмасди. Не қилишини билмас, «қўйинг, дада» деб отамизга қарши чиқолмас, лекин жияним Шухратнинг, ўртанча ўғилларининг, шундоқ машҳур заводнинг камида юз кишидан ортиқ шифокорлари бор касалхонасининг манаман деган профессорлари тузата олмай, чорасизлиғига сиқиларди.

— Бўлмаса сенга жавоб. Дўхтирингдан қолма. Жамилга айт, эрталаб келсин, — деб отам чуқур ўйга толдилар.

Отам нима деса, гап қайтармай бажарадигани Жамил акам Жалил акамдан икки ёшга ҳам бормайдиган кичиги, анча маъқули, бироз юморни яхши кўрадиган инсон эди. Сарикқа менгзаш рангдаги автоулови бор. Иттифоқо, бир куни ДАН ходими тўхтатиб, обдон ҳужжатларни текшириб, автоулов паспортига банан рангда деб ёзилган, сиз сарикқа бўяб олибсиз, деса, «бизники пишиб кетган банан-да», деб ҳазил қилган эканлар. Ходим топиб гапирганни ҳурмат қиларканми, пишган банан денг, деб кулганча ҳужжатларни қайтариб берибди.

Эртаси мен ўқишимга боришим керак, хайрни насия қилиб кўчага чопдим. Жияним билан кейинги воқеаларни шу акам менга айтиб берди...

Эрталаб келишим билан отамиз Қумлоққа ҳайда деб «Москвич»нинг олди ўриндиғига ўтириб олдилар. Йўлга тушдик.

Курвақаобод, генерал Узоқов, Қорасарой чорраҳаси ва ниҳоят, Хастимом томонга ўнгга қайилиб, мактабни кесиб ўтдим. Чапга Кумлоққа кирдик. Ҳовузли чойхона бор. Дам олиш кунлари доим одам тўла. Аммо бугун оддий иш кунлигидан нисбатан кам: бирикки бекорчилар пашша қўриб, хомуза тортган. Бировлари кўрпачага чўзилиб хурракда. Шахмат устида бош қотирган яна уч-тўрт кимсани айтмаса, одам сийрак.

Отамиз: «Шу ерда тўхта. Самоварчидан Мирваррак домлани кўрдингизми? деб сўраб чиқ», — дедилар.

Мен отамизга ҳайрон қараганча: ичимла Мирваррак домла десам хафа бўлмасмикан? Нега энди Мирваррак? деб ўйлаб борардим.

Чойхонанинг узун хонаси. Бир четида, қопғоғи устидан сариқ брезент ташлаб қўйилган катта самовар патиллаб қайнаб турибди. Мўйлов қўйган, бошида ранги униққан чуст дўппили дўмбоқ самоварчи мудраб ўтирган экан. Саломимга алик олгач, саволимга астойдил кулиб, ташқарига қаради-да.

— Абдуҳамид ака келдиларми? Кимлари бўласиз?

— Ўғиллари.

— Домлани кўрмаганмисиз?

— Йўқ!

— Ўзи ҳақиқий домла эмаслар. Қўлида Совет берган бирорта дипломи ҳам йўқ. Битта-яримтага бекитиғ дам уриб қўйишларини айтмасангиз, оддий қоровул бу одам. Лекин дами ўткир. Бугун улар ишдалар. Бошқа вақт доим уйларида топасиз! Ҳовлилари чойхонадан кейинги икки уй нарида, деб чап тарафга кўрсатди.

— Яхши!

— Ҳа, асли исмлари Воҳидхўжа. Варрак учираман деб, томдан тушиб кетгач, теккан лақаб Мирваррак. Лақабда чақирсангиз жилмайиб қўядилар. Хафа бўлиш йўқ.

Воҳидхўжа ака Паркент бозоридан ўтганда ўнг тарафидаги «8-автопарк»да чиндан қоровул бўлиб ишлаб эканлар. Қоровуллар учун ажратилган будкада бизни қабул қилдилар. Беллари чиққани билиниб, бир тарафга қийшайиб қолганларидан, чиндан томдан тушиб кетган, шекилли, деб ўйлаб қолдим.

Бу пайт отам ҳол-аҳвол сўрашишни қисқароқ қилиб, бор гапни айтишга киришгандилар.

— Неварамиз тоғда, пионер лагерда дам олаётган эди. Мазаси қочиб қолибди.

— Ёши нечада? Ўғил болами?

— Ўн ёшда. Исми Шухрат, — деб мен гап қўшдим.

— Нима касал? Дўхтир кўрмадими?

— Кўрган. Қанчаси оворамиш, — деб отамиз, бу ёғига ўзинг савол-жавоб қил, дегандек менга қарадилар.

— Иситмаси йўқ бўлгач, дўхтирлар ёш болага ташҳис қўя олмаяпти, — дедим дадил.

— Бирор аломати бордир? Жин чалса, уйқуси бузилади. Восвоси қўзғайди...

Мен шошиб домлани сўзини бўлдим:

— Кисловодск кўчасидаги завод касалхонасига жойлаганмиз. Кечалари Бўзсувга кетиб қолаётган экан. Навбатда турган ҳамширалар ухлаб қолиб, чиқиб кетганини сезмай қолармиш.

— Шунақами? Сув парилари чақиряпти денг?

Домла ўзича ташҳис қўя бошлаганди, мен давом этдим.

— Эшикни ташқаридан қулфлаб қўйишса, деразадан осилиб тушармиш.

— Неча кун бўлди!

— Пионер лагердан кўнғироқ қилишганига бир ҳафтадан ошди. Икки кун лагерь врачлари қараб, тузатмоқчи бўлган. Фойдасиз.

— Уйқуси ўша жойда ҳам бузилганми?

— Ҳа, кечаси, тунда бассейндан топишган.

— Ўша тоғларда улуг одамларнинг қабрлари бордир. Ёки покиза жойлар, сувлар мисол учун. Шуларга билмай чоптиргандир.

Домла бизларга қараб, ўз тахминларини тасдиғини: «Бу ҳолатни ой билан ҳам боғлиқлиги бор», — деб отамизга қараган эди, улар шартга сўрадилар:

— Нима қиласан, Воҳидхўжа? Уддалайсанми?

— Болани ўзини олиб келмабсизлар-да?!

— Касалхонада ётибди. Йўқолиб қолса бошлари билан жавоб беришдан қўрқиб, тепасида алоҳида дўхтир, ҳамшира. Қимирлашга қўймай пойлаб ётишибди, — дедим мен шошилиб. — Ҳар доим назоратда.

— Яхши, ўзисиз ҳам даволаб кўрамиз. Ҳозир.

Бир муддат домла нима қиларкин деб мен ва отамиз жимиб қолдик.

— Давоси, Худо хоҳласа Куръон тиловат, дуо, — деб домла бизга қаради.

— Наҳотки? Шифоси борми? — Шундай деб домлага қарадим. Воҳидхўжа ака индамай тараддудлана бошлади.

Отамиз ногоҳ гап қўшдилар:

— Бирор чойгами, сувгами дам солинмайдими?

— Абдуҳамид ака, жула хушёрсиз-да!

Шундай деб домла жилмайиб қўйди ва менга Ҳазрати Уккоша булоғидан иккита катта балонда сув олиб келишни топширди.

Домланинг ўткир нафаси билан ўқиган тиловатлари, дуолари, дам солишлари теккан сувни жиянимиз Шухрат ичиб, ўша куниёқ уйқуси тинч бўлди. Касалга чалингандан бери бир пиёла тугул бир қошиқ суюқ овқат, на қултум сув ичолмайдиган ҳолатга келганди. Одам боласи шунчалик озиб, тўзиб кетганини биринчи марта кўришим, териси суякларига ёпишиб қорайиб кетганичи?! Эссиз давлат пули, ўша ношуд дўхтирлар, деб ожизликдан акамнинг, кенойимнинг кўзларига келган ночорлик, қўли қисқалик ёшларини кўрдим, ўша кунлари уларнинг дардларига шерик бўлиб, кўп қайғули кунларни ўтказгандим. Худога шукр, бу дамлар ортда қолди. Воҳидхўжа ака дам солган сувни Шухрат ўша куниёқ ичсами, оғзига қултум сув кирмаётган бола, ярим косача сув ичди. Ишонасизми? Кўзим олдида бўлди бу воқеа. Ана ундан кейинги хурсандчиликни айтмайсизми? Кеннойим додлаб йиглаб юборди. Акамиз Абдужалил: «раҳмат укам» деб мени кучоқлаган, кўзларидан ёшлар шашқатор оққан... Эртаси ўша дам солинган сувдан кўпроқ ичди. Учинчи кун эса овқат сўради, ана сизга сеҳр. Ана сизга ҳақиқий шифо калити. Хўш, нимаси эскилик сарқити? Дам солиш, ўқиб қўйиш эскилик сарқитимиш. Бир неча кун ичида эса Шухрат бутунлай тузалиб кетганини ҳаммамиз кўрдик ва мансаб, мартабали, номи чиққан Николай Кузкин, Арам Геворкян, Ева Цинклер деган шифокорларнинг қурби етмаган ишни автопарк қоровули, олий маълумотсиз, лекин Оллоҳ юқтирган ўткир дам эгаси эплагани барчамизни лол қолдирганди.

Халқ табобатини анчадан бери шифобахш гиёҳлар билан амалга оширилишига расмий рухсат бор эди, яқинда руҳий даъволаш усулларини тан олиниши қанчалик тўғри деб ўйлаб қоларканман, акам таърифлаган қомати хунуклигидан ўзини четга олиб юрадиган, камтарин, мажруҳ Воҳидхўжа акага ўхшаган домлалар шифоси нега у вақтларда таъқиб остига олинган, деб афсус чекаман.

Ҳазрати Уккоша булоғи шифокаш экан, нега унинг кўзини қайта очиш мумкинмас? Атрофи шийпонли бир гўша қилсачи? Ҳам Ҳазрат Хожа Уккошани зиёрати, ҳам Оллоҳ бир вақтлар инъом этиб, фавворадек сув отган булоқни хосияти керакмасми? Халқ қандоқ қабул қиларкин? Нима деркин, деган ўйга, хаёлларга бораман...

МАРДИКОР БОЛАНИНГ КЕЧМИШЛАРИ

Уммат ака бомдод номозини ўқиб, масжиддаги шерикларига хайр-хўшни насия қилди-да, Чорсу бозорига тушди. Икки кило кўй гўшти олиб, сўнг мардикор бозорига ўтди. Мардикорлар ниҳоят тирбандлигидан шошиб қолди. Атрофини ўраб олганларнинг бири олиб, бири кўйиб: «Нима иш? Қанча ҳақ берасиз?» — дея сўрайвериб чарчатиб юборишди. Сал четроқда турган икки йигит унинг эътиборини тортди. Тахминан тенгдош бўлган бу йигитлар «Қўлимдан ҳамма иш келади. Нима иш бўлса, қойиллатаман», деяётганлардан ажралиб турарди.

Уммат ака уларга яқинлашиб, секин гапга солди. Бири леҳқончиликдан камроқ хабардор эканми, унча хушламайроқ турди. Иккинчиси билиб-билиб гапирарди. Бирининг исми Арслон, иккинчиси Ўрол экан. Уммат ака томорқада иш кўп бўлмагани сабаб, Ўролни олиб кетди.

Ўрол дуруст, камгап, ўз ишини билиб қиладиган йигит экан. Узумларнинг ишқомларини кесиб, пастга туширишда Уммат акага ёрдам берди. Катта томорқадаги гулларни кесди, ерларни чопди. Кечгача Уммат ака айтган барча юмушларни бажарди. Уммат ака ундан рози бўлиб, айтган пулини берди.

Тез орада совуқ тушиб қолди. Ҳарорат кескин совиганидан Уммат ака ҳовлисидаги совуқ сув қувури ёрилиб, ҳаммомни сув босди. Янги ҳаммом қуриш учун жой ҳозирлаб, анча-мунча тайёргарлик кўриб қўйилганди ҳисоб. Қувур ёрилгани баҳона бўлиб: «Янги ҳаммомни битирамиз», деб ўғли бир «КаМАЗ» пишиқ гишт туширди. Уммат ака ўғлининг ҳаракатидан хурсанд бўлди. Эртаси саҳарлаб яна Чорсудаги мардикор бозорига тушди. Унинг мўлжали ўша кунги йигитларни олиб келиш эди. Қараса, Ўрол кўринмади. Унинг шериги Арслонни кўпчилик орасидан ҳам ажратиб олиш қийин кечди. Ниҳоят, Арслон айтилган ишга дарров рози бўлди.

Уммат ака қўшнилardan замбилгалтак топиб чиқди. Арслон шошилмасдан, қийналмай ҳаракат қиларди. Тўрт мингдан ортиқ гиштни уйга олиб кириб, одам бўйи барабар текис қилиб тахлаб ҳам берди. Ишни битирганида соат тўртдан ошганди. Уммат аканинг ўғли телефон қилиб, яна икки «КаМАЗ»да гишт келаётганини айтди. Арслон эртага ҳам келиб, қолган гиштларни ташишга рози бўлди.

Яна икки кун давомида Арслон Уммат аканикида ишлади.

Арслон кетадиган куни Уммат ака: «Қўлингда бошқа ҳунаринг йўқми? Илгари нима иш билан шуғуллангансан?» — дея йигитни гапга солди.

— Эҳ, амаки, сиз сўраманг, мен гапирмай бошимдан ўтганларни... Бир пайтлар энг кучли боксчи бўлганман. Ўсмирлар ўртасида вилоят чемпионлигини қўлга киритганман. Сўнг «Чарчоғинг тез чиқади», деб ғаламислар қорадорига ўргатишди. Спорт қолиб кетди. Йўқ, доридан амаллаб қутулдим... Кейин пул топиш керак бўлиб қолди. Боксчилигимни билиб, баъзи бировлар тансоқчиликни таклиф қилишди. Сўнг янада бошқачароқ ишлар — вақтида қарзини, улушини бермаганларни дўппослай бошладим. Қўлимга мўмай пул беришарди. «Ур», деганларини уриб ағдарардим, юз-кўзини қонга бўярдим. Қовурғаларини синдирганларим ҳам бўлди. Шу йўл билан топган пулларимга уйландим. Лекин ҳаловатим йўқ эди. Кўпинча, кечки пайт чақириб кетишар, яна ўша хизматлар, зўравонлик... Муштлашиш, калтаклашлар... Одамлар йиғлаб, зорланганда ҳам урибман. Тепибман. Худого шукрки, яхшиям одам ўлдириб қўймадим. Ўйлаб қарасам, ўшанда қип-қизил жанларм бўлиб қолибман. Бировга азоб беришнинг жавоби бўларкан. Амаки мен ўзимда кўрдим...

Арслон бир пиёла чойни симириб ича бошлади. Умматака уни шоширмади. Йигит ниманидир эслашга уринди:

— ...Ўшанда ўғлим туғилди. Хотиним туғруқхонада ётибди. Хурсандчиликдан ўртоқларим билан ичибмиз. Босс ҳам табриклаб қўшимча юз доллар берди. Уйга келиб, ухлаб қолибман. Туш кўрдим. Тушимда бир мўйсафид нуроний чол таёқ ушлаб, мени қувлаб юрибди. Ҳайрон бўлдим. Лекин эътибор бермай, ўз ишимни, хурсандчилигимни давом эттира бердим. Хотинимни олиб келгач, бир-икки кун ичида яна тазйиқли ишлар чиқиб қолди. Ишни охирига етказиб, бир қарздорни уриб, пул қарзи гаровига тиллаларини олиб, хўжайинга келтириб бердим. Хўжайин уч юз доллар берди. «Бирор нима сотиб оласан, сенга суяунчи», деб, хотинимга бердим. Роса хурсанд бўлди.

— Адаси, пулларни қай ердан оласиз? — деб сўради.

— Нима, сезиб қолдингми? — дедим ҳовлиқиб.

Энди хотиним кўрқиб: «Нима, ўғирланган пулларми?» деди кўзлари катта-катта очилиб.

— Нималар деяпсан? Ҳалол... — дедим биринчи марта топаётган пулларим ҳалол-ҳаромлигини ўйлаб қолиб.

У менинг иккиланиб турганимни кўриб: «Фарзандимизни ҳалолга боққайлик. Мана, пулингиз ўзингизга сийлов!...», деб қайтариб берди.

Бир тарсаки тортиб юборибман. Роса йиғлади, роса йиғлади. Лекин пулни олмади. Онам югуриб келиб, хотинимни олиб чиқиб кетди. Менинг авзойимни кўриб, аввалига индамадилар. Бироз ўтгач, қайта кириб: «Сени шу мақсадда боққанмидим? Шундоқ келинимни урасанми? Қўни-қўшни эшитса нима дейди?», — дея қойиб берди.

Менинг дардим ичимда эди. Чунки, кечалари уйқум бузилган, ҳалиги нуроний чол тушларимда нукул саваларди. Бир неча марта такрорланди бу ҳол. Сал нарсага асабийлашадиган бўлиб қолгандим. Эртасига ҳўжайин дам олиш кuni берган эди, Зангиотага йўл олдим. Ўзимни нафаси ўткир муллага икки марта ўқитдим. Лекин дардимни кимгадир айтишим кераклигини билардим. Мени ўқиган ёши каттароқ домла, кўзларимга қараб туриб, аҳволимни сездими, «Ичиндагини айтиб кет, зора бирор маслаҳат чиқиб қолар», деди. Шуни кутиб тургандек, кўрган тушларимни айтиб бердим.

— Қилган ишларинг Худога маъқул келмаяпти. Нима иш қиласан? Тирикчилигинг нима?... — деб сўраб қолди.

Мен борини айтдим.

— Мазмунан, бор сабаб шунда. Сенинг вазифанг, миришабликдек қозилик қилиш бандасига қийин вазифа. Баъзи ҳолларда ноҳақ бўлсанг ундан-да мушкул, оғирлиги ўзингга тушади. Сенинг зўравонлигинг, ноҳақ муштлашларинг Оллоҳга мақбул эмас.

— Нима қилай бўлмаса? — дедим.

— Бор ўғлим, Оллоҳ ўзи йўл кўрсатувчидир, — деди.

Хўжайинга эртасига бор гапларни айтгани кирувдим, шошиб турган экан, «Кейин келарсан, вақтим йўқ, ишингни қилиб тур», деди.

— Бошқа бундай иш қилолмайман. Менга жавоб беринг!.. — деб юбордим важоҳат билан.

Хўжайин энсаси қотди. Ёрдамчисини чақириб: «Бу билан гаплашиб қўй, бир гапи борга ўхшайди», деганча чиқиб кетди.

Ёрдамчи ақлли, фаросатли одам экан. Роса суҳбат қилди. Бор гапни эшитди. Мени тушунди.

— Энди нима қиласан? Биздан кетсанг, ёлғиз қоласан. Пайтдан фойдаланиб, калтак еганлар аламини олса-чи?..

— Бир гап бўлар, — дедим ўйламай.

— Ҳа, ўзинг биласан.

У хўжайинга ётиғи билан тушунтирган шекилли, менга тезда рухсат тегди.

Бу орада тирикчилик учун кирмаган тешигим қолмади. Ўзимизда иш топишим қийин бўлди. Бор пулларни еб тугатдик ҳисоб. Фалвадан нарироқ билиб, Тошкентга йўл олдим. Илож қанча?... Мана, мардикорчилик қилаяпман. Устачиликка ўқувим йўқ. Бироқ, одамларни рози қилиб, ҳалол меҳнатимга пул топаяпман. Энг асосийси, уйқум тинч. Хотиржамман. Зўравонлик билан топганим татимас эди. Баъзи одамлар бутун умр шунинг эвазига қандай яшаркан, ҳайронман.

— Ҳа, Оллоҳ сени тўғри йўлга солибди. Пулинг борида муҳтождан кулма, мансабли пайтингда яқинингдан кечма, кучли вақтингда кучсизга зуғум ўтказма, деганлари шу бўлса керак, — деди Уммат ака сўзни мухтасар қилиб.

ФИРИБГАР ТУЗОФИГА ТУШГАН БАЁВ

Раҳматли отамнинг айтишича, уруш тутаган йиллари очарчилик туфайли эски Лабзакда ўғри ва фирибгарлар жуда кўпайиб кетган. Ўшанда нон анча тақчил бўлиб, бу неъматнинг нархи фалон пулга чиққан дамлар экан...

Кўча юзидаги туника томли нон дўконида варақ шаклидаги забойга нон сотиларди. Давлат ишида ишлайдиганларнинг ҳар кунги нон оладиган жойи шу дўкон бўлиб, унда Анормат баёв деган киши сотувчилик қиларди.

Анормат жуда ҳалол одам. Табиатан бўш-баёвлиги учунми, шу лақабни олган. У ҳар куни тонг саҳардан дўконини очади-да, турнақатор тизилган одамларнинг «забой»ларини синчиклаб кўздан кечиради. Сўнг бир бўлагини қирқиб, бўз халтачага ташлайди. Пулини эса пештахта остидаги қоғоз қутига йиғади. Савдо тугагач, пулни ҳисоблаб, саралайди. Бўз халтачадаги «забой» қирқимларининг сонини ёзади. Энг охирида пул билан ҳисоботни чарм портфелига солади-да, трамвайга ўтириб, ҳозирги Хадича Сулаймонова кўчасидаги банкка олиб бориб топширади.

У чиндан-да содда, лаққи одам. Ҳар кунги сотиладиган нон ва ундан тушадиган пулларнинг қанчалигини дуч келган одамга лақиллаб қўйиши мумкин. Яхши-ёмонни ажратишни билмаганлиги боис ҳаммани ўзидек тўғри ва ҳалол деб билади. Кўнглида кири йўқ киши. Шу боис маҳаллада яшайдиган Мутал соп лақабли пихини

ёрган кимса бир неча кундан бери ис олган тулкидек, унинг дўкони атрофида айланиб қолган.

Унинг лақаби нега соп эканлигини кўпчилик билмайди. Аммо маҳаллагаилар Мутал сопнинг бир неча жойда ишга кирганлигини, ишёқмаслиги боис бирор жойда қўним топмаганлигини яхши билишади. У вақтларда ишсиз юрганга дарров чора кўриларди. Шунинг учун маҳалла-куй бирлашиб, сопни босмахонага ишга жойлаштириб қўйишди. Мутал соп у ерда қурилмалар устасига ёрдам бериб юрди. Аммо мудом ишга кеч борарди. Тартиб-интизомга чақиришлар қор қилмагач, ахйри сопни босмахонадан бўшатиб юборишди. Бирор вақт ўтиб, у қурилишга жойлашди. Аммо у ерда ҳаммолликка ҳам ярамади. Ўзини панага олиб, мизгийверганлиги учун у ердан ҳам ҳайдалди. Уруш вақтида 84-заводга бир амаллаб кириб олди, чунки бу ҳарбий завод бўлиб, унда ишлаганлар фронтга жўнатилмасди. Мутал соп урушга бормаслик учун нимаики қора иш бўлса, тўрт йил чидаб ишлади. Уруш тугаши билан, прогуччи айблови қўйилиб, яна ишдан четлатилди. Чунки у заводда ҳам «Энди жон қуйдириб нима қиламан?» дея боқибегамликка берилганди.

Сўнг ҳар хил қинғир ишларга аралашиб юрди. Унинг бу ишини маҳаллагаилар билишмасди. Шундай овлардан бирида катта ишни қойиллатгани учун ўғрибоши: «Сен тешага соп бўлишга яраркан-сан», деб мақтайди-ю, шу-шу Муталнинг лақаби соп бўлиб кетади. Бора-бора унга ҳурмат юзасидан «Соп» деб мурожаат қиладиган бўлишади...

Ана шу Мутал соп харидорлар суст пайтида, дўкон ёнига келиб, қўлларини пештахтага тираб олади-да, ҳомуза тортганча бекорчиликдан ўтган-кетганни кузатиб ўтиради. Анормат баёв «Нарироққа бор» дегиси келади-ю, қўнгилчанлиги тутиб индамасди. Мутал соп шу ерда пайдо бўлгандан бери негадир ҳар хил такасалтанглар ҳам дўкон ёнида йиғиладиган бўлиб қолишди. Аслида хизматчидан кўра бекорчининг ўртоғи қўп бўлади дейилгани рост экан. Кунига йўқ деганда беш-олти одам Мутал сопни сўраб келарди.

Маҳаллагаилар уни бирор ишга ярамай, пул топишининг мазаси йўқлиги боис соф бўлган, тамом бўлган ва лақабни ҳам шундан орттирган деб ўйлашади.

Анормат баёв ҳам маҳалладошлари сингари унинг бечораҳол аҳволига ачиниб, «Болаларини қандай боқаркан?» дея ўйлаб қоларди баъзида.

Бир куни дўкони ёнида яна Муталнинг бўзрайган башарасига кўзи тушди-ю, «Кел, шунгагина бир яхшилик қилай» дея ёнига чақирди:

— Мутал бу ёққа қара.

— Нима дейсан? — деди Мутал соп Анормат баёвга эриниб кўз ташларкан.

— Ҳозир ишсизмисан?

— Нега энди, ишсиз бўларканман? Ишлайман.

— Кўриб турибманку, бекор юрибсан. Сенга ёрдам берай деяпман.

— Хўш... — бироз жонланди Мутал соп.

— Менга кўмаклашсанг, кунига биттадан буханка нон бераман. Сен эрталабдан, майли, саккиздан учгача қарашсанг бўлди. Шу вақт оралиғи айни савдо қизийдиган палла.

Мутал соп бироз ўйланиб қолди. Аввалига ичида: «Куним бир буханка нонга қолдими?» дея аччиғи келди. Сал энсаси қотиб сўради:

— Иш ростданам икки-учгачами?

— Ҳа, гоҳида нон тез тамом бўлса, дўконни вақтлроқ ҳам ёпаман. Бироқ жуда кам ҳолларда иш бир-икки соат чўзилиб кетиши мумкин. Чунки тушган пулни банкка топширмасам бўлмайди. Шунинг учун беш-ўнта нон қолса, ўраб қўяман, эртасига сотилади... Нима дейсан? Хаёл сураверма, — деди баёв унинг қинғир хаёлидан беҳабар. — Уйингга қуруқ кириб боргандан кўра, қўлингда битта бўлса ҳам нон кўтариб борсанг, болаларинг хурсанд бўлади.

Мутал индамади...

Вақт тушдан ошганди, харидорлар камайиб, нон ҳам тугади. Анормат баёв дўконни ичидан танбаллаб, «забой» кесимлари ва пулни саранжомлаб, портфелига жойлади-да, ташқарига чиқди. Дўконга қулф осиб, кўчанинг нариги тарафига ўтди. Унинг трамвайга ўтирганини кўриб, Мутал соп «ҳимм» деб қўйди ичида.

Эртасига Анормат баёв дўконни очди, ён атрофга сув сепиб, супуришга тушганди ҳам-ки, ҳар кундагидек Мутал соп пайдо бўлди. У пештахта раҳига тирсагини тираб, ниманингдир хаёлини сура бошлади.

Анормат баёв уни ёрдамчи бўлиб ишлашга ор қилаяпти чоғи, деб ўйлади.

— Хўш, Мутал, нима розимассан? — сўради.

— Ҳимм...

Анормат энди ялинишга тушди:

— Қийналиб кетдим. Чарчаб қоляпман. Ёрдамчим хотиним эди. Аммо у ўғлимга қараяпти. Чунки болам касал. Жуда бўлмаса, бир-икки кун кўмаклашсанг дегандим. Ўғлим тузалгач, хотинимнинг ўзи эплайди.

— Ҳимм...

Шу пайт усти ёпиқ кичкинагина юк машинасида нон келди. Сал нарида тўдаланишиб турган одамлар гурр этиб, дўкон томонга юришди.

— Мутал кел, энди... — ялинчоқлик билан чақирди Анормат баёв.

Одамларнинг баъзилари Мутал сопга ғалати қараб қўйишди. Чунки улар сопнинг қандай одам эканлигини яхши билишарди-да. Соп истар-истамас ён томондаги эшикдан дўконга кириб, Анорматга нонни узата бошлади.

Анорматнинг кўзлари ёниб, қувончда:

— Бу бошқа гап, — деди хурсанд бўлиб.

Харидор узатган «забой» билан пулни Анормат олар, Мутал соп эса пештахтадан харидорга нон узатиб турарди, холос.

Тушликкача ноннинг асосий қисми сотиб бўлинди. Баёв билан соп тушликка нон билан чой ичишди. Тушдан кейин бир соат ичида қолган нонлар ҳам сотилди. Иш тугади. Ваъда қилинган бир буханка нон Мутал сопга тегди.

— Болаларинг қийқириб юборса керак, — деди Анормат у билан хайрлашаётиб.

Мутал соп эса мийиғида кулиб қўйди-да, уйига йўл олди.

Анормат пулни ҳисоб-китоб қилишга тушди. Қайта-қайта санади.

Пули тўғри чиқди. «Мутал соп кўзимни шамғалат қилиб, бир қисмини ўмарган бўлса-чи?» деб қўрққанди. Ҳарқалай тегмабди. Тийин-тийинигача турибди. Ўзи ҳам эҳтиёт чорасини қилиб, қутини оёқ остига қўйиб олганди-да.

Иккинчи кун ҳам рисоладагидек ўтди. Анормат ўз ишини охирига етказиб, пулларни банкка олиб бориб топширгач, уйига йўл олди.

Учинчи кун эрталабдан келибоқ, Мутал соп Анорматга: «Бугун вақтлроқ кетаман, ишим бор», деб айтиб қўйди. Унинг нияти бузилганди. Чунки тезроқ пул топмаса бўлмайди. Қимордан ютқазган қарзини кеча ҳам қистаб келишди. Қаттиқ-қаттиқ гаплар айтиб кетишди. Илож қанча? Анорматнинг бошига тош билан бир уриб, ҳушидан кетказди-ю, пулни олиб қочади. Сўнг қарзини тўлайди, ўзига ҳам бироз пул қолади.

Мутал соп Анормат баёвни узоқ кутмади. Соат учларга яқин у трамвайдан тушди-ю, куюқ дарахтзор оралаб, катта портфелини кўтарганча банк томон юра бошлади. Баёв ҳар доимгидек, бир томонга қийшайиб секин юриб борарди. Банкка етишга ўттиз қадамча қолганда, кимдир бошига тош билан урди. Аммо Анормат ҳушини йўқотмади.. Чунки Мутал соп чўқир тош топа олмай, шошиличда япалоқ тош билан урганди. Анормат баёв ялт этиб ортига ўгирилди. Мутал соп ҳовлиққанидан «Бўлар иш бўлди» дея портфелни унинг қўлидан торта бошлади. Анорматнинг бошидан шариллаб қон оқса-да, портфелни маҳкам чангаллаб олганди.

— Қўйвор, галварс! — деди Мутал соп ҳайқириб.

— Ҳеч қачон! — дея баттар портфелга ёпишди баёв.

Мутал сопни кўрқув босди. «Ҳозир одамлар ўтиб қолса, ҳаммаси барбод бўлади» деди-ю, шартта ёнидан пичоқ чиқариб Анорматнинг биқинига санчди. Пичоқ қовурғага тегиб, қайтди. Оғриқдан Анормат баёв инграб юборди.

— Ёрдам беринглар, ўғри! — деди баёв аранг инқиллаб.

Шу пайт банк эшиги очилиб, бир ёнига тўппонча осган назоратчи пайдо бўлди-ю, югурганча уларнинг ёнига етиб келди. Қочиш бефойда эди. Мутал соп ноилож таслим бўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, суд бўлди. Судни Сидоркин Александир Петрович деган кимса бошқарди. Ёнида Гайдулин исмли тилмочи. Сидоркин сўради:

— Жинойтчи, сиз Анормат Раҳматовни танирмидингиз?

— Ҳа, бир маҳалладанмиз.

— Нима учун пулни ўғирламоқчи бўлдингиз?

— Анормат айтганди.

— Нима деганди?

— У аввалига «Менга ёрдам берасан» деб қўймади. «Кунига бир буханкадан нон бераман» деди.

— Қанақа нон. «Забой»га бериладиган нонми? — сўради судьянинг қоши чимирилиб.

— Ҳа, «забой»га бериладиган нон. Ўзи ҳам оларди, — деди Мутал соп ўзини гўлликка солиб.

— Хўш, кейин-чи?

— У менга банкка пул топширишини, трамвайда боришини айтди. Учинчи кун «Вақтлроқ бориб тур» деб жавоб бериб юборди.

— Қаерга «Бориб тур» деди?

— Банк олдига.

— Нима учун?

— Мендан пулни ўғирлайсан, кейин бўлишиб оламиз, — деди.

Судья Анормат баёвга юзланди:

— У билан келишиб, жиноятчи гуруҳ тузганинг ростми?

— Қанақа гуруҳ? У нима? — деди Анормат баёв, гап қайси томонга кетаётганини фаҳмламай.

— Ёнингга ишга олганинг ростми?

— Рост.

— Бир буханкадан нон берганинг-чи?

— Буям рост.

— Савдодан қанча пул тушиши, банкка трамвайда боришингни ҳам айтдингми?

— Тўғри фикрда айтгандим.

— Ўша куни уни вақтли қўйиб юборганмидинг?

— Ҳа.

— Яхши, сен ўтириб тур.

Судья яна Мутал сопга қаради:

— Давом эт. Сенга яна Раҳматов нималарни деди?

Мутал соп кўзларини лўқ қилиб:

— Банк олдида дарахтлар бор, шулар орқасида кутиб тур. Бошимга тош билан урасан, қовурғамга ҳам номига пичоқ текизиб қўясан-у, сўнг портфелимни олиб қочасан. Кейин босди-босди бўлганда, ярмини бераман, — деди.

Анормат баёв бу гапларга ҳанг-манг бўлиб қолди:

— Эй, имонсиз, нималар деяпсан? Тепала худо бор-а! — деди қичқариб.

Судья тилмочдан сўради:

— У нима деди?

Тилмочдан «Бойся бога» деган таржимани эшитган судья:

— Эҳҳе, бу ҳали художўй ҳамми? — дея Анорматга бор айбни қўйиб, узоқ йилга қаматиб юборди.

Чунки у даврларда худони ҳам тилга олиб бўлмасди.

Хуллас, шунча қилғиликни қилган Мутал соп қолиб, Анормат баёв қамалиб кетди.

Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади, деб шуни айтсалар керак-да.

МУРОСАЮ МАДОРА

Оиламиз олти ўғил ва беш қиз эдик. Отам раҳматли ҳаммамизни ўқитиб, уйли-жойли қилгунча жуда кўп машаққат чеккан. Айниқса, кенжа опамни узатаётганимизда ўртанча опамнинг қайнонаси билан боғлиқ кўпгина дилхираликлар бўлганди. Хуллас, ўшанда тўй, чаллари дегандек барча расм-русумлар рисоладек ўтказилди. Тўйга ҳамма қариндош-уруғлар ва қуда-андалар келишди. Аммо негадир ўртанча опамнинг на эри, на қайнонаси ва на қайнотаси тўйда кўринди. Иккита бўй етган қайинсинглисини-ку, айтмаса ҳам бўлади.

Дилбар опамнинг ўша оилага келин бўлиб тушганига ҳам ўн тўрт йил бўлганди.

Отам билан онам унинг қайнотаси ва қайнонасини эски қудаларим, дея жуда эъзозлашарди. Энг кичик маросимларимиз ҳам уларсиз ўтмасди. Шунинг учун тўйда уларнинг кўринмаганлиги биз учун жуда ажабланарли ҳол эди. Тўй ўтар-ўтмас онам бунинг сабабини суриштиришга тушди.

— Нима гап экан, онаси? — деди отам тўйнинг эртаси куни кечки дастурхон атрофида йиғилишиб ўтирганимизда.

— Тинчликми, ишқилиб? — хавотирланди отам.

— Аёл қудамиз... — дея бироз чайналди онам.

— Касал бўлиб қолибдими?.

— Йўғ-эй... — кулди онам. — Биздан бироз ранжибди.

— Нега ранжийди? Қизинг бирон нарса дебдими, ё?

— Йўқ, қизингиздан эмас, биздан.

— Хўш-хўш, биздан нима гуноҳ ўтибди?

— Тўйга аёл қудамиз айтмади, деб қизингизнинг қайнонаси адоват қилиб ётганмиш.

— Ахир ўзим бориб, бирма-бир ҳаммасига айтиб келдим-ку?

— Мен ҳам бориб айтишим керак экан.

— Оббо, — тиззасига шапатилади отам. — Сенинг мазанг йўқлигини қайта-қайта гапирдим-ку қудаларингга?!

— Билмасам, дадаси. Аёл қудангизни биласиз-ку, майдагап, иззатталаб.

— Иззатталаблик бундай бўлмайди-да, энди?!

— Мен ҳам бир амаллаб тўйга айтгани борсам бўлар экан. Қайтан шунча гап-сўз йўқ эди, — деди онам афсус чекиб.

— Хўп, аёл қуда шуни баҳона қилиб келмаган экан, эркак қуда билан куёвингга нима бўлибди? Улар ниманинг аразини қилишибди?

— Энди уйда аёл ҳоким бўлгандан кейин... — онам шундай деди-ю, болаларининг ёнида нотўғри гап қилиб қўйганини тушуниб, ялт этиб бизга қаради. Сўнг бирдан гапни бошқа ёққа чалгитди. — Қўйинг дадаси, хафа бўлманг. Бир-икки кундан зиёфат қиламиз-да, аёл қуданинг кўнглидан аразларини тарқатиб юборамиз.

Шу билан бу мавзуга нуқта қўйилди. Отам билан онам тўйдан кейинги расм-русумлар билан чалғишдими, Дилбар опамнинг уйдагилари билан бўладиган зиёфатни бироз кечиктириб юборишди. Шу вақт оралиғида опам иккита боласини етаклаб, кўзи кўкарган ҳолда уйимизга йиғлаб келди. Сабаби яна ўша — тўйга онамнинг айтмаганлиги машмашаси. Онам анча-мунча жиғибийрон бўлди. Аммо отам бир оғиз ҳам сўз демади. Отам жуда оғир-вазмин, узоқни ўйлаб иш қиладиган одам бўлиб, ҳар нарсага тажанг бўлавермасди.

Орадан бир кун ўтди, икки кун, ҳатто ҳафта ўтди ҳамки, опамнинг уйдагиларидан дарак йўқ.

Мендан икки ёш катта акам жуда тажанг, жаҳли тез йигит эди. Опамни кўкариб келганига чидолмай ўзига ўхшаган Рустам деган жўрасини олибди-да «Бир гаплашиб қўяй», деб поччамнинг ёнига борибди. Аммо поччам ўша куни ишхонасида навбатчиликда экан. У киши аэропортда механик бўлиб ишларди. Бу гапдан хабар топган отам акамга танбеҳ ўрнида норози қараб қўйди.

Отамнинг одати шунақа. Бирор кишидан ранжиса унга кўз остидан норози қараб қўярди, холос. Аммо биз фарзандлари учун шунинг ўзи етарли бўларди.

— Катталарни ишига аралашма, эсинг қурмагур, — деди отамнинг норози нигоҳини дарров иллаган онам.

Сўнг икковлари бизга эшиттирмай нималарнидир узоқ гаплашишди.

Шу суҳбат асносида отамнинг:

— Сен хавотир олма. Мен бир йўлини ўйлаб қўйганман, ҳали ўзлари бош эгиб келишади, — деганлари қулоғимга чалинди.

Ҳақиқатдан ҳам, орадан бир кун-ярим кундан ўтиб, опамнинг қайнота-қайнонаси, поччам ва у кишининг тоғалари шом пайти майда-чуйда ва бир тоғора сомса кўтариб, уйимизга кириб келишди. Бизникилар ҳеч нарса бўлмагандек уларни очиқ чехра билан кутиб олиб, меҳмонхонага жой қилишди.

Бошқа пайт отам мени ёки акамни: «Чой қуйиб ўтиради, меҳмонга мулозамат қилишни ўргансин», деб олиб кирган бўлардилар. Аммо ўша куни бу одат тарк этилди. Меҳмонларга

дастурхон ёзилиб, қанд-қурс билан бирга ўзлари олиб келган сомсалан қўйишди.

— Энди битта ош қил онаси, — деди отам онамни шошириб.

Ош пишгунча поччам йўллакка чиқиб, мендан Дилбар опамни чақириб беришимни сўради. Опам аввалига бормайман, дея бироз тихирлик қилди-ю, аммо онамнинг қисташидан сўнг ийманиб унинг ёнига борди. Меҳмонларга чой олиб кираётганимда поччамнинг паст овозда опамга мулоийм гапириб турганини эшитиб, негадир мен ҳам ич-ичимдан хурсанд бўлиб кетдим.

Ўшанда дастурхон атрофида қандай гурунглар бўлгани, қудаларнинг нима деб ваъда бергани-ю, поччамнинг тавбаси ҳақида ҳеч қандай гап-сўз эшитмадик. Чунки отам бундай гапларни бизга эшиттирмасди. Фақат шуниси аёнки, қудалар узр сўраб опамни уйларига олиб кетишди. Меҳмонларни дарвозагача кузатиб чиққан онам уйга киргач:

— Қудалар бекорга бу қадар мулоийм тортиб келишмаган, бир иш қилгансиз-ов, — деди кулиб, нима иш қилдингиз, дегандек отамга қараркан.

— Бориб гаплашиб келдим-да, қўявермайсанми, — деди отам гапиргиси келмай.

Онам «Улар бекорга келмаган, доданг бир иш қилдиёв», деб кулиб қўйган эдилар.

Шундан сўнг Дилбар опамизнинг турмуши изига тушиб кетди. Иккита фарзанд бешта бўлди ҳамки, поччам билан ҳам, қайнона-қайнота билан ҳам зиддиятга бормади. Орадан йиллар ўтиб, ўша қудаларимиз, кейин ота-онам ҳам бу оламдан кўз юмишди.

Поччам билан опамиз бир-бириларига суяниб, жуда аҳил яшашди. Ҳамма фарзандларини тўй қилиб, уйли-жойли қилишди. Аммо энди фарзандларининг роҳатини кўрамиз, дейишганда поччамиз навбатчилик пайти, 59 ёшида вафот этди. Қариндош-уруғлар тобутини қўлма-қил қилиб, у кишини мангу маконига қўйиб келдик.

Вақт гилдираги тез айланади деганлари рост экан. Ҳаял ўтмай поччамнинг маърака оyi келди. Поччамизнинг ҳурмати учун тўн кийиб, белбоғ ўраб эшик ёнида турдик. Шу маҳаллада яшайдиган Собир ака деган амаки келди-кетди камайгач, бизнинг ёнимизда анча суҳбатлашиб ўтирди.

Мен билан яқиндан танишгач, қаерда ишлашимни сўради.

— Отанг билан жуда қадрдон эдик, — сўнг ўтган кунларни эслаб. — Уруш пайтлари заводда бирга ишлагандик. Отанг менга

кўп яхшиликлар қилган, — дея Собир ака отам билан бўлиб ўтган бир воқеани гапирга кетди.

— Бир куни нон оладиган «забой»имни трамвайда ўғирлатиб қўйгандим, — деди Собир ака оғир хўрсиниб. — Бу ёқда хотиним яқиндагина чақалоқли бўлган. Агар нон емаса, сути қочади. «Забой»имни йўқотиб қўйдим, дея минг тавалло қилсам ҳам бошлиқлар ҳеч гапимга ишонишмайди. Ўшанда отанг бизга бригадир эди. Бошлиқларга кириб, оёғини қаттиқ тираб, «забой»ни қайтадан ёздириб берганди. Шунақаям хурсанд бўлганманки, қувонганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Ҳа, отанг одамлар дардига дармон бўла оладиган асл инсон эди. Ўзимни у кишининг олдида ҳамаша қарздор деб билардим.

Бир куни тонг саҳарлаб отанг эшигимни қоқиб келди. Сездимки, жуда муҳим иши бор.

— Уйга кирайлик, — дедим қистаб.

— Майли, уйингизга бир куни алоҳида келарман. Ҳозир мен билан юринг, жуда муҳим гапим бор, — дея мени эски шаҳардаги дўконига олиб кетди.

У ерга боргач, стол устига дастурхон ёзиб, чой, қанд-қурс қўйди. Сўнг узоқ ҳол-аҳвол сўради.

— Раҳмат, ҳаммаси жойида, — дедим у кишининг нима демоқчи эканлигини тушунмай.

— Уруш вақтида туғилган қизинг ҳам яхшими? — ҳамон муддаосига ўтмасди у киши.

Отангни эсида шулар ҳам бор экан. Таъсирланиб кетдим. Кўзимга ёш келди. Мен аҳмоқ, ўзим билан бўлиб, отангдан ҳол-аҳвол ҳам сўрамабман.

Отанг узоқ ўйланиб ўтирди. Сўнг дона-дона қилиб шундай деди:

— Сизга бир юмушим бор. Фақат буни сизу мен билайлик, майлими? Чунки буни учинчи одам эшитса, ортиқча гап-сўз кўпаяди. Маъқулми?

Қарасам, отангни қандайдир ташвиш эзаётгандек.

— Беҳижолат айтаверинг. Ўзаро гап, шу ерда қолади, — дедим астойдил.

— Бўлмаса, эшитинг. Бу гап сизнинг кўчангизга тушган қизим ва унинг оиласи тўғрисида. Куёвимга бориб шундай денг: «Қайнотангиз ва хотинингизни ишчилар шаҳарчасида, милиция бўлимида кўрдим. Хотинингизнинг кўзи кўкарган. «Нима бўлди?» десам, қайнотангиз жавоб бермай бошлиқнинг ёнига кириб кетди. Қовоғи солиқ», денг. Гапнинг охирида, «Уйингизда жанжал-панжал

бўлмаганмиди мабодо, яхши жойда ишлайсиз, эҳтиёт бўлганингиз маъқул», деб қўйинг.

— Нима, куёвингиз қизингизни урибдими? — дедим ҳовлиқиб. — Кўзи кўкариб кетганми?

— Ҳа, энди оилада бўлади-да, — деди отанг куёвини ёмонлагиси келмай. — Аммо куёвимга таъна қила кўрманг.

— Майли, майли сиз айтгандек қиламан.

Шундан сўнг отанг билан яна у ёқ-бу ёқдан анча суҳбатлашдик. Уйга қайтаётганимда у киши кўлимга битта яхши пишган қовун тутқазиб: — Хотинингиз сўраса, бозорга тушувдим дерсиз, — деди.

Ўшанда отангнинг зукколигига яна бир бор қойил қолгандим. Ҳатто бу томонларни ҳам ўйлаб қўйганини қара-я, у кишининг.

Уйга қовунни қўйиб, тўғри поччангникага йўл олдим. Омонат гапни, худди отанг ўргатгандек қилиб поччангга етказдим. У бошини эгиб, чуқур ўйланиб қолди. Менимча, бироз кўрқиб ҳам кетди. У вақтда хотин урганни аэропортдек жойда совет ҳукумати ишлатмасди.

Эртаси куни опангнинг уйига қайтганини эшитиб, отангнинг топқирлигига яна бир бор қойил қолганман. Куёвга бир оғиз қаттиқ гапирмай, маломат қилмай, аҳмоқ иш қилган, такаббур бошини эгиб, тавбасига таянтириб қўйишнинг ўзи бўладими, ахир. Оиладаги икир-чикирларни деб куёвига қаттиқ гапириб, орани бузиб қўйганлар озми? Бунда, барибир, таёқ қизининг бошига тушадик-ку, тўғрими? Шундай ҳолларда куёв томоннинг қутуришини кўринг. Олдин секинроқ урган бўлса, бу сафар аямай тепади. Отанг каби ҳам сихни, ҳам кабобни куйдирмай йўл тутадиганлар кам ҳозир.

Собир амаки билан бўлган суҳбатдан кейин, Мирзакарим қутидор айтганидек, неча йиллик сир очилди. Мен отамнинг нақадар ақлли инсон бўлганлигига яна бир бор амин бўлдим.

МУОМАЛА

Куз ойлари эди ўшанда. Мирободдан сотиб олган икки хонали уйимнинг олди-сотди шартномасини топшириш учун шу тумандаги уй-жойларни техник инвентаризациялаш бўлимига йўл олдим. Бироз навбат кутиб қолганимни ҳисобга олмаганда ишим тез битди. Хурсанд бўлиб машинамга ўтирдим.

Хорижда юрган ўғлимга вақтида уй олиб қўйганимдан ўзимда йўқ шод эдим. Шундай кўтаринки кайфиятда калитни бурагандим, машинам бир-икки гир этди-ю, ўчди қолди. Қайта-қайта калитни

бурайман, қани энди ўт олса. Бирпасда кайфиятим тушиб кетди. Бўлмаса, машина эски эмас, олганимга тўрт йил бўлди. Доим юриб турган машина бирдан ишламай қолса одамга алам қилар экан. Ёнгинамда турган машина эгаларидан сабабини сўрасам, ҳаммаси елка қисади.

— Ана, анави ердаги «заправка»нинг ичида сервис бор, — деди улардан бири қўли билан рўпарадаги ёнилғи қуйиш шаҳобчасини кўрсатиб. — Ўша ерда Марат деган электрик бола машинани яхши тушунади...

Марат деганлари ўттиз ёшлар атрофидаги баланд бўйли, жуда кибрилли йигит экан. «Марат борми?» деган саволимга: «Мен», — деб қўйди ҳафсаласизлик билан. Аксарият усталар ёши кичик бўлса ҳам, салом-аликни билмайдиган, кўрсроқ бўлишади. Шу боис мен ҳам унинг нописандлигига аҳамият бермай машинамнинг «касали» ҳақида гапира кетдим. У:

— Машина қани? — деди эснаганча.

— Кўчанинг нарига бетида. Анови оқ «Нексия». Юра қол, бир кўриб қўй, — дедим.

— Ишим кўп. Керак бўлса машинани ўзингиз олиб келинг.

У дедим, бу дедим, қани энди кўнса.

— Пулингни бераман, барака топкур, — десам ҳам фойдаси бўлмади.

— Йўқ, бормаيمان, — дейди совуққонлик билан.

Шундай алам қилдики, бирор ножўя сўз айтишдан зўрға ўзимни тийиб қолдим. Ўғлим тенги келади-ю, дуо олиш ўрнига қилаётган муомаласини қаранг. Машинам ҳам кўзимга ёмон кўриниб кетди. Нима қилишимни билмаيمان. Машинани тузатиш кўлимдан келмаса, кўча ўртасида томошақовоқдек бўлиб турганим билан тузалиб қолармиди. Кўлидан иш келадиган устанинг аҳволи бу бўлса. Ҳеч бўлмаса «Амаки, кутиб туринг», деса, бир-икки соат кутиб турардим. Аммо...

Шу пайт миямга ажойиб бир фикр келди. «Хўжайинига учрасамчи?» дедим кўнглимда умид уйғониб. Аммо нима дейман. Устанинг устидан арз-дод қиламанми ёки инсофга чақириб қўйларинг, деб дўқ ураманми? «Бизда тартиб-қоида шунақа. Машинани олиб келинг», десачи?

Минг хаёл билан, ёнилғи сотувчи оператордан бошлигини сўрадим.

— У кишида нима ишингиз бор? — деди оператор эзмаланиб.

— Зарур, керак эди...

У ўрнидан туриб бошлиғини чақиришга кетди. Хиёл ўтмай чап тарафдаги эшикдан қирқ беш ёшлардаги ўрта бўйли бир киши чиқиб келди.

— Бу жойни яқинда очдингларми? — дедим салом-аликдан сўнг.

— Ҳа.

— Муборак бўлсин. Жудаям яхши иш қилибсизлар. Шундоққина кўча юзида, бир ёғи бозорга яқин, бу ёғи истироҳат боғи. Бу томонларда машиналар кўп... Сизларда мана, ҳам ёнилғи қуйиш, ҳам автотаъмирлаш хизмати... Барака топинглар, элнинг дуосини олишда ҳикмат кўп, — дедим гапни узоқдан бошлаб.

— Раҳмат. Қани ичкарига кириш. Бир пиёла чой ичинг, — мулозимат қилди бошлиқ.

— Йўқ, мен шошиб тургандим. Чойни келаси сафар ичармиз. Сизга бир ишим тушиб турибди. Айбга буюрмайсиз энди.

— Э, шунақами? Эшитаман, бемалол айтаверинг.

— Машинам, ҳув кўча юзида тўхтаб қолди. Ҳали янги машина, нега бундай бўлди, билмайман. Шуни Марат деган электригингиз бир кўриб берса... Машинанинг тилини тушунмаса киши жуда хит бўлар экан, — дедим арз қилаётганимни сездирмай.

Чунки кўпинча арз қилаётганлар, бир нарсани унутиб қўйишади, яъни хотиржамликни. Бундай пайтда ҳеч қачон овоз кўтариб ёки шикоят оҳангида гапирмаслик керак.

Бошлиқ муддаомни тушуниб, Марат тарафга юра бошлади.

Унинг менга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилгач, бирдан бояги аламин қўзғалди. Қўли остидаги устасига бир оғиз танбех бериб қўйсин:

— Боя Маратга учрагандим, у ерга боргиси келмади, — дедим.

Бошлиқ «ҳм», дея ичкарига кириб кетди.

Маратга танбех бердими, уришдими, билмайман, аммо қаттиқ гапиргани эшитилмади. Электрик бошқа ишларини қўйиб, зипиллаб олдимга тушди. Бошлиққа раҳмат айтдим-да, устанинг ортидан юрдим.

Марат машинани текшириб кўргач, айбини икки дақиқада топиб берди. Хурсанд бўлиб пул узатдим. Марат рад этди. Менимча, бироз изза бўлди, шекилли.

— Раҳмат, барака топ, — астойдил дуо қилдим.

Маратни изза қилганим ўзимга бироз ноқулай бўлса-да, муомала қилиб ишимни битказганимдан хурсанд эдим. Бунақа амал-тадбирларни қўллашга отам раҳматли уста эдилар. Балки, менга ҳам қондан ўтгандир. Ҳар ҳолда муаммоларни босиқлик ва яхши гап билан ҳал қилиш кимга хуш ёқмайди, дейсиз. Ахир муомалада гап кўп, деб бежизга айтишмаган.

ҚИРЧИЛЛАМА САКСОН ЁШ

1990 йилларнинг бир кунида Фатҳилла акани оталари Хожимурод амакимиз йўқладилар.

Бу амакимиз камгап, кенг мушоҳадали, бир сўзли одам. Бутун ёшлиги, умри меҳнатда ўтган. Ижарага ер олиб, полиз маҳсулотлар: сабзи, картошка, мошдан тортиб ловиягача эккан. Беда сепиб йил уч-тўрт марта ҳосил ўрган. Саҳни баркашдек кетмонни ёз иссиғида ҳам қўлдан қўймай, далада ер ағдаргани-ағдарган, терлаб, ҳориганида, қорни таталаганида, каллакланган тут бироз соя солган салқинда, шундоқ живирлаб оқаётган ариққа қўйилган норинга ишлатиладиган мис тоғорадаги муздек мошхўрдадан заранг косада икки-уч косани сипқориб оларканлар. Кечгача неча гектар ернинг чопиғи битаркану, катта мис тоғорадаги ками ўн кишини тўйдирадиган мошхўрда ҳам адо бўларкан...

Фатҳилла уларнинг кенжа ўғилларидан. Қўча кўрган, муомалани биладиган йигит. Шомларга яқин Майскийдаги ота ҳовлига кириб келибди.

Амакимиз бу ердаги ҳовлида кичик ўғиллари Ҳабибулла билан бирга истиқомат қиладилар. У ҳам заҳматкаш. Далада кетмон чопиб, қўли меҳнатда, дили иймонда ўсди, эски илмни кунт билан ўрганиб, кейинчалик маҳалла имомлигига ўтди. Лекин гап ҳозирча бу ҳақидамас...

Ҳожимурод амакимиз Фатҳилланинг саломига бош ирғаб, бошқалар билан ҳам сўрашиб олишига зўрға чидабдилару, кейин ёлғиз қолишларини ҳам кутмай: «сен Шўродаги анаву Қиличга учраб кел, негадир мени чақирибди» деб, дангал гапни шартта айтибдилар.

Қилич ака Шўрода участкавой. Бунини Фатҳилла яхши биларди. У ерда ном чиқарган бошқа Қилич йўқ.

Фатҳилла ҳайрон бўлиб, ада ўзи тинчликми? деб сўрашига ҳам имкон бермай, бор, бора қол, қоронғу тушмасин, деб ўқрайиб қараб қўйганларидан гап тамом деган маънони уққан ўғиллари йўлга тушибди.

Бу ёғини Фатҳилла аканинг ўзи менга айтиб берди.

— Адам Шўро бозорида камида ўттиз йилдан бери мол даллоли. Биласан?

— Нега билмай! Эсимни танибманки, ўша бозордалар. Ҳатто, ўттиз йилдан ҳам кўпроқдир, — дедим мен.

— Мол-ҳолни ҳурмат қилиб қўяр: қорамолни зотли-зотли-маслигидан тортиб, сўйиладиган буқани қанча тош босишигача аниқ айтадилар. Касалланган молни сотиб беринг деганни-ку, етти пушти авлоди қолмай сўкиб ташлашлари ҳам мумкин. Қорамолни ким оғзидаги сўлагини тез-тез артиб турибдими, демак, у касал. Бруцеллёз. Дарров бориб ўзига қўшиб молини ҳайдартирар: иккинчи қадамингни бозорда кўрмай деб шарманда қиладилар. Молингни ветеринар станцияга топшир. Ўзлари куйдириб беради. Нолима. Шукр қил. Ўзингга бу хавфли касаллик ўтмабди, деб чакагини ёпадилар. Бир неча марта бунақа вазиятлар бўлиб, ортларидан Ҳожимурод амаки туфайли савдом бузилди. Қанча пулдан қолиб кетдим деганларни кўп кўрдим. Ҳатто ўзимга зарда қилгандар ҳам бор... Шу сабаб, дарров ҳаёлимга адам бозорда яна бирор ишқал иш қилгандирлар, — деб ўйладим ва у вақтда милиционерлар пулга ўрганмаган, Юнусобод бозоридан яримта, кабоб, помидор, бодрингми, нон дегандек, битта пакет қилиб йўлга тушдим.

Шўрога «Москвич»имда етиб борганимда қоронғу тушиб бўлган, кечки соат еттидан ошганди ҳисоб.

Ҳовлидаги супачасида ўтирдик. Пичоқ, лycopчaларни қизи ошхонадан олиб чиқди. Чой дамлаб келгач, адасини имоси билан ҳовлида на қизи, на хотини ва на бошқалар кўринмади. Куз кирса ҳам, ҳали ёзнинг иссиғи бор оқшом эди. Анча ўтириб қолибмиз. Қилич аканинг Шўрога келганига беш йилча бўлдимиз ё йўқ, кўпчиликни танимайди. Эллиқдан ошган, мен билан бир-икки марта ош-қатиқ бўлганидан, мени яхши билади. Қаерда кўрса, сен сарт, ҳалдингдан ошма, меъёрида ич, кўзингга қараб юр, деб тайинлайди, ҳазиллашади.

Гарчи ҳеч қачон унинг гапига кирмаслигимни билса ҳам, насиҳат қилгани қилган. Фақат менгамас, ҳамма йигиту қизлар, ёш болаларгача тергаб турадиган, қонунни сув қилиб ичиб олган, ҳақгўй миришаблардан эди. Маҳаллада, на маҳалла Уч қаҳрамондан Шўрогача, Шўродан Черняевкага довури уни барча танир, ҳурмат қиларди. Битта айби кўп ичади. Эзмаланган суҳбатни яхши кўради. Бир-икки марта ишим тушган. Тўғри маслаҳатини берган. Судсиз, айбловсиз, кечирим сўраш, ўзаро келишув асосида ишларни ёпиб юбориш тарафдори.

У ёқдан-бу ёқдан анча вақт гаплашиб ўтираман деб ўйлагандим, бир вақт тўсатдан сўровга тутди.

— Хўш, ўзинг бекорга келмагандирсан, шунча нарса кўтариб?

— Йўғ-эй, анчадан бери кўрмагандим, бир отамлашай деган ниятда қадам ранжида қилдим, — деб сир бой бермадим.

— Алдама. Ўзбеклар ўраб гапиришга уста. Ростини айт.

— Менга ишонмайсизми?

У индамади, аммо кўзларига, қарашига чида олмай пастга қарадим.

Қилич ака дардим борлигини сизди ва ўзининг хушёрлигидан завқи келиб, менга дўстона кўз қирини ташлаганча, мени ноқулай вазиятга солгиси келмадими гапни буриб: Сарик яхши юрибдими, деб сўради. Менинг кулиб юборишимга озгина қолди. Сир бой бермай саволни ўзига йўлладим.

— Қайси сарик? Содиқбойваччами?

— Ўша. Эсингдами қандай мушкул ишга аралашиб қолгани?

— Бўлмасамчи?

— Машинани тикка солиб, бутун бошли аравани учуриб юборибди. Хурмачанга сиққанича ич. Номард. Биз ҳам ичамиз. Худога шукр. Ҳеч ким арз қилмайди-ку. Кўтарса ич-да, тўғрими? — деб Қилич ака наъза қилиб иршайди.

— Ҳа, шуни айтинг.

— Элликта қуй.

Мен элликта қуйдим. Қилич ака кўп овқат емасди. Боя, дастурхонда тўртта кабоб қолдириб, қолган олтитасини ичкарига бериб юборгандим. Ароқни гуппа уриб, ўзига тегишли биринчи сихни сўнгги жазини ҳам зўрлаганимдан кейин оғзига солиб узок чайнарган, Содиқни катта ишкалдан қутқариб қолгансан, у шуни биладими, сени унутиб юбормадими, деб сўради.

— Бу сизнинг ҳам хизматларингиз. Мен фақат сизнинг олдингизга Содиқни олиб келдим. Таништириб, маслаҳат сўрадим.

— Бу Содиқ бойвачча, Россияга помидор олиб бориб сотарди. Пули кўпайиб «Жигули» машинали бўлган. Ошна-оғайниси кўпайган, гап-гаштаклар, зиёфатлар, тўй-ҳашамларни ҳеч бирини қўймай борадиган пайтлари, тагида машина. Кайфида ҳам ҳайдавераркан. Ўзи менга иқрор бўлди. Эсингдами бу воқеа?

— Ҳа, албатта. Лекин, Уста Ширин кўчасидаги бу ҳолисда машина тормози чиндан ишламай қолди дегани фирт ёлғон эди.

— Ана. Ўлма. Менга бор воқеани майда тафсилотларига айтиб бергач, ўзим ўргатдим: шунақа баҳона қиласан деб, Қилич ака йўталиб олди. — Йўқса, уларни важоҳатини кўрмайсанми? Қонга қон деб турибди-я.

— Ҳа, нораства, бегуноҳ чақалоқ қўлидан отилиб кетгани, ўлгани чакки бўлган.

— Лўли аёл боласини эмизаётган палла, эшакни узангиси катта ўғлида. Катта кўчанинг бир тарафидан иккинчисига қайрилаётган чоғда, катта тезликда келаётган автомашина урилса нима бўларди. Дард бўлади, ўл бўлади. Бундан катта фожеа борми?

— Ҳа, — деб мен бош чайқадим.

— Чақалоқ ерга отилиб нобуд бўлди. Катталарнинг қўл-юзлари, елкалари, тизза шилинган, арава ҳайдаган ўғилни қўли синган. Эшак ҳам шикастланган.

— Содиқ роса тортган экан-да?!

— Ўшандан кейин ичмай қўйди шекилли?

— Ким билади, ҳозир четга чиқиб кетган.

— Россиядами?

— Шунақа.

— Ичкилик барибир касофат келтиради. Боланинг қўлини гипслатган. Синган арава ҳақини аёлга берган. Лекин қаердандир етиб келган эри ўлган фарзанди учун хун сўраган. Мол-дунёнинг керакмас. Пулингни пишириб егин. Қонга қон, деган.

Мен гапга қўшилдим.

— Рост. Бошидан капалаги учган Содиқ шу гапларни менга айтган. Ўша пайтда кимдан маслаҳат чиқишини билмасдик. Хаёлимга сиз келдингиз.

— Мен нима? Овозни бир кўтариб, бир пасайтириб гапириб кўрдим, нафсиз. Қулоқ солмаган. На менга, на катталарга ҳам. Қўлида пичоқ. Қонга қон деб туриб олган-да бу лўли. Жабр кўрган, бир ёқда дийдаси қаттиқ экан. Кўндириш қийин. Муомалага юрмади. Кейин барон аралашгач иш битганди. Уйига ўзинг боргандингми?

— Ҳа, бароннинг уйи Бектемир билан Сергели чегарасида эди, ўша пайтда. Унга катталардан хат олиб боргандим. Мазмунан хатни ўқиб, ўшалар билан телефонлашдим, эртаси Бодомзордаги «Боксерский»даги чойхонада ош ейилди. Барон, бир-иккита нуфузли лўлилар, ўша чақалоғи ўлган лўли, бизлар кўпчилик эдик. Шулар ичида Содиқбойвачча ҳар эҳтимолга қарши деб, ёллаб қўйган давангир йигитлари ҳам бор экан. Уларни жиянларим деб мени алдаганини сўнг билдим. Ош ейилди. Бироз ичилди. Давра турли мавзуларда, орасида бироз суҳбат ҳам қилинди. Сўнг битим, маслаҳат бошланди.

Ўргани барон олиб борарди.

— Бу фалокат. Ҳеч ким бировнинг қотили бўлиб қолмасин. Тасодиф. Бу йигит шуни хоҳлабдими? Бундай фалокатлар бўлиши ёлғиз Эгамга аён.

— Тўғри, тўғри, — деб бошқалар бош чайқаб ўтирарди.

— Шундоқ экан, йигит танти кўринади. Ҳамма зарарларингни қоплаб берсин.

— Албатта, қоплайди, — деб тасдиқлади каттамир.

Барон жабр кўрган лўлига мурожаат қилди.

— Маъкулми?

У индамасди.

— Сени нима гапинг бор? Талабинг.

— Мен уни хунидан кечмайман, — деди қайсар лўли.

Ҳамма «ваҳ» деб баронга қаради.

Содиқбойвачча ёнидаги давангирларига кўз ташлаб қўйгани заҳоти, улар ҳам ғимирлаб қолишди. Бири чой олиб келайми, деб ўрнидан туриб, жабрдийда лўлига яқин жойга юрди.

Барон сўзи ўтмаганидан жаҳли чиқиб, ўз тилида бақириб ташладики, бошқа нуфузлилар ҳам жабрдийда лўлига ёпишиб кетишди. Бироз даҳанаки бақир-чақирлардан сўнг, сукут тушди.

Барон яна қайтарди.

— Талабинг, шартинг бўлса айт, жабрларингни қопласин. Сўнгги мурожаатим. Бор гапингни айтиб қол.

Нуфузли лўлилар уни қувватладилар.

— Ҳа, айт, кейин кеч бўлади. Бу йигитни даводан барон озод қилса, бор табор уни қувватлайди. Билиб қўй.

Барон унга зардали қарар тураркан, жабр кўрган лўли ниҳоят тилга кирди.

— Арава носоз ҳолатга келган.

— Яхши, харажатини қоплайди.

— Эшагимни оёғи синиб ётибди.

— Энг зўр эшакни олиб беради, — деди каттамир.

Жабр кўрган лўли сўнг индамай қолди.

— Ўлган боланг учун пул-мул берсинми, — деб сўради барон.

Жабр кўрган лўли бош чайқади.

— Бирор минг пул берсин, маросимларни кам-кўстига ишлатарсан.

— Чиқимсиз, ҳовлимга кўмдим болани.

— Ахир...

— Зурёдга келсак, эркак кишиман. Соғман. Аёлим кейинги йил яна туғиб бераверади. Шунга пул сўрайманми?

— Эй, баракалла, — деб юборди барча.

— Чин эркакка хос гап, — деди каттамир.

Барон ва бошқа нуфузлилар даврага виқор билан қараб қўйишди. Шу билан иш хайрли битди. Содиқвой ўша ернинг ўзида арава харажатини ўртага ташлади.

— Яхши. Лекин у жабрдийда лўли — ҳақиқий лўлининг ишини қилибди, — деди Қилич ака.

— Ҳа, лекин бу ҳаммаси эмас.

— Йўғ-эй?!

— Содиқнинг айтишича, бозордан маъқул кўк эшакни топиш маҳол экан. Шўро, Кўктерак, Қўйликдаги ва ниҳоят, Назарбекка бирига чоршанбада, бирига жумада, бошқасига якшанба югурибди. Натижасизмиш. Кейин, бўшашиб Сағбондаги лўли маҳаллага йўл олибди. Таниш лўлининг уйига кириб, сўралган кўк эшакни топа олмаганини айтиб, минг бор узрини билдирган ва охири ялиниб, ёлвориб пулини олишга кўндирибди.

— Майли, — дебди жабрдийда лўли ва бостирмага бошлабди. — Бу ёққа юрингчи.

Содиқ не кўзи билан кўрсинки, ўзи уриб юборган эшак, охурга ташланган хашакни киртиллатиб ер, тиззасидан чўрт узилган орқа икки оёғи остига ёғоч кути қўйилганмиш.

Бунча эшакни жони қаттиқ бўлмаса, деб ҳанг-манг бўлганча, эгасига қараса, у: «бу кўк эшакни урғочиси. Қочириб шундан ҳўтик оларман, унгача берган пулингиз дуч келганини сотиб олишга ярар», — дермиш.

Қилич ака бу гапга ҳоҳолаб кулиб юборди-ю:

— Ўзингдан тўқимаяпсанми, Фатҳилла? — деди.

Роса кулибмиз. Сўнг, бироз ўтгач, лаб-лунжимизни иккимиз йиғиб олдик. Энди муддаога ўтсам бўлар деб, Қилич акани гапга солдим.

— Ҳа, сизда бир гап бор.

— Нима гап? — деб Қилич милиционер ҳамон мийиғида кулги, менга аста қаради.

— Отамни чақиртирган экансиз? Сабабини билгани келдим?

— Отангни чақиртирибманми? Улар ким?! — бепарво сўради Қилич ака супага ярим ёнбошлаганча.

— Ҳожимурод ака!

— Ким, ким?

— Шўро бозорда даллоллик қиладилар. Ҳожимурод ака Обидов-да?!

У менга тикилиб қолди ва бошини чайқатди.

— Эй, ростданми? Бугунги катта жанжал сабабчисими?

— Оббо, — деб четга қарадим. — Чиндан бирорта ишга қўшилиб қолибдилар-да, — деб ўйладим.

— Отанг устидан шикоят тушган. Гувоҳлар бор. Жиноий иш очдим. Эртага эрталаб районга топшираман.

— Шунчаликмасдиров?

Қилич ака шунчалик дегандек астойдил бош чайқаб, ўрнидан туриб, ўтириб олди.

— Ҳазилингизни қўйинг! — дедим мен ҳам жиддий, қўлимни паҳса қилиб.

— Қўлингни тушир. Сен нимани тушунасан, — деб Қилич ака кўзидан пахтаси чиқар даражада бақирди. — Улкэн преступление² бўлган.

Милицонерларнинг осма папкаси доим ёнида бўлади. Ҳозир Қилич ака шу папкасини тита бошлади. Ва тезда битта қоғозни чиқарди: — «Ҳа, мана топдим».

У кўз олдимда бир варақ қоғозни ўйнатарди.

Мен беихтиёр қўлимни узатдим.

У папкани ҳам, қоғозни ҳам орқасига яшириб, дағдаға қилди.

— Қўлингни чўзма! Бу ҳужжат! Ҳукумат бўлсам. Мен кўчада юрган шалай-балаймас. Не сен менга ишонмайсангов!

— Йўғ-эй, шунчаки кўрмоқчи эдим.

— Ароқ қўйдим, энди Қилич менинг наҳмамга ўйнайди, деб келдингми? Бекорларни бештасини ебсан. Шишанга зорим жўқ. Кайф ўз жўлига, хизмат жўли бўлак. Тушундингми? Ўзбак.

Унинг гапи, ўзбак дегани иззат-нафсимга тегди. Жаҳлим босиб кела бошлади. Аммо, ишни битирмай борсам бўлмасди. Босиқ, лекин дадил овозда сўрадим.

— Яхши. Яхши. Ҳеч бўлмаса ўқиб берса бўлар!

Қилич ака бунга ҳам тихирлик қилиб олди.

— Ўқиш жўқ. Истек жўлди.

— Қилич ака!

— Жўқ дедимми, жўқ.

Қарасам бўлмайдиган, аврашга тушдим.

— Сиз ҳукуматми?

— Бўлмасам-чи. Документ кўрсатайми?

Йўқ дейишимга қарамай у чўнтак кавлай бошлади.

— Ҳукуматни адолати бўлади. Марҳамати чегарасиз, чексиз.

² Сен нима деяпсан?! Катта жиноят.

— Чегарасиз. Бўмаган гап. У ҳолда ҳукуматни обрўси қатла қолади. Қонун-қоида бузилдими, чора кўриш зарур. Бу жўлда қатъийлик керак. Билиб қўй.

— Бағри кенглик-чи. Кечиримлилиқ-чи?

— Эй, қандай кечираман. Бир пақирнинг чакагини ёрган, аданг.

— Йўғ-эй, шунақами?

Мен энди индамай қолдим. Жиддий сабабга ўхшайди, деб ўйга толдим.

Қилич ака жаҳлда, оғзидан тупугини сачратиб, гапга тушиб кетди:

— Бизга адолат истиб келади, одамлар. Бир эмас икки марта калла уриб, чакагини осилтириб қўйган бўлса. Қўлида дўхтирдан справкаси бор.

— Ахир...

— Чеккадан келган, деб тазйиқ ўтказилса яхшими. Қулмат ҳам одам. У ҳам тирикчилик қилсин-да. Йўқса, оилани ким боқади? Озгина сўз қочса, бозорга сиедирмай, ҳайдагандек калтаклаш. Издавательства қилиш. Жахшими?

Мен феълида нотайинлик туфайли, тез-тез айнаб турадиган, ўзини ҳукумат биладиган бу кимсадан, жанжал тафсилотларини билиб олмоқ учун унинг гапини маъқуллагандек гапирдим:

— Ҳа, чакки иш бўпти. Лекин бу ишқални бирор сабаби бордир? Бу сўзим Қилич акага ёқиб кетди.

— Ана ўзинг тан олиб мардлик қилдинг. Ишқал, деяпсан. Шундоқ экан, уйингга бемалол кетавер. Мен қонун тарафдори. Бировга жабр қилдингми? Жазоингни ол. Туврими?

— Тўппа-тўғри.

Унинг гапларини маъқуллаётганимдан Қилич ака сал бўйин бериб воқеани айтишга тушди.

— Сигир талашишиб бошланган даҳанаки жангни аданг насилия³га айлантирган. Кутилмаганда ҳужум қилиб, Қулматнинг оғзи-бурнини қонатган. Жағини шўйтиб жуборган. Овулошларига нима дейман. Акам ўша ерда туради. Йилда бир бориб турадиган мескан. Туврими?

— Ҳа, инсон оқибатни унутиш керакмас. Озгина қуяйми?

У менга зардали қараш қилди.

³ Зўрлик.

— Миянг борми? Ичмайман. Бутун бошли овулдошимни савалашибди. Бор, яхшиси кет.

Нега ҳам ичамизми дедим, деб ўйладим. Ўзим нимага келдим? Отамиз ҳақида эшитгиси ҳам келмаяпти? Кет, деб ҳайдаяпти яна. Нима қилсам экан. Дастурхонга беихтиёр қарадим. Ярим шишача ароқ ҳали бор эди. Бироз салқин ҳам тушиб қолибди. Аламига ичиб кетаман. Бу билан иш битмаса, эрта тумандаги акахон олдига ўтарман, деган хаёлим ҳам йўқ эмасди.

Қўлимни ароққа узатдим.

— Ҳа, шишангни олгину, жўна. Уйқум келди. Дам олиш керак. Мендан хафа бўлма, закон мен учун доим биринчи, ўртоқлик, улфатлик в последний очередь⁴, — деб Қилич ака ўрнидан қўзғалди.

Негадир қимирлагим келмас, узоқ вақт кўрпачада чордона қуриб ўтирганим натижасидами оёғим ҳам тур деган буйруғимга қулоқ солмас, увишиб қолганди.

— Шу супада ичиб кетсам бўлмайдими? Ҳайдаяпсизми? — дедим жаҳлда.

Қилич ака: ича қол, деб ҳайрон қаради.

Ароқни унчалик ичгим йўқ, суҳбатни чўзиш учун бу ҳийлани ўйлаб чиққанганимни билдирмасликка ҳаракат қилиб, унинг завқини келтириш мақсадида пиёлага шаробни қултиллайтиб секин қуйдим. Аммо, қуйиб бўлдим ҳам, у супанинг четига ярим қиялаб ўтирганча, бир марта ҳам мен тарафга ўгирилмади.

— Овулдошингизни шохи борми?

У индамади.

— Ичасизми? Қуяйми?

— Жўқ дедим-ку!

— Фойдангиз тегмади.

— Ҳимм.

— Туманга чиқмай дегандим-да.

— Ҳимм.

— Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқча қолсин! Нима керак бўлса сўранг...

Қилич акани орияти яна қўзғаб, қайта бақирришга тушди.

— Бўмайдиган гап. Энди жўна. Иззатинг битдигов.

Қарасам суҳбат ўхшамади.

Жаҳлда фотиҳа тортдим:

— Бу уйда яхши тўйлар бўлсин.

⁴ Кейинга навбатда.

Ўрнимдан туриб бир-икки қадам қўйдим. Қилич ака индамай эргашиб:

— Фатхилла, сўкишмай жет, — деди.

— Хафа бўлган чулчут. Бирор йўли топилар.

У ҳамон миқ этмасди.

— Барибир, саксонга кирган отамни сарсон қилиб қўймайман.

— Нима?

— Эшитганингиз!

У менинг елкамдан тортди.

— Не дединг? Отанг жаши қанчағуй?

— Саксон, бири кам.

Милиционер менга жиддий тикилиб сўради.

— Қўйсангши?

Боя қўлимга паспорт тутишганди, уни Қилич акага узатдим.

Профессионал касбига содиқ равишда, ҳужжатни олиб ўқиди: Обидов Хожимурод, 1905 йилда туғилган.

У қотиб қолганди. Кейин қизиқ воқеа бўлди.

Қилич ака:

— Қайт. Бу ёққа юрши, — деб йўл бошлаб, супачага мени судради ва арофингни қуй, деди.

Мен шишани қўлимга олдим. Пиёлани яримлатгандим, эй, тўлатиб қуй, деди Қилич ака.

Сўнг у қадаҳ сўзи айтди.

— Илоё, саксон ёшда бизга ҳам шунақа жанжаллар қилиб юриш насиб қилсин. Қойил бобойга, — деб бошини чайқатиб кулди.

Индамай қолдим. Сукут тушди. У ҳамон бошини чайқаб, саксонда ҳам куч-қувват мўл, ғайратни қара, жамон шўху дед, Қулмат унча-бунча одамдан калтак жеганмас, деб ҳайратланарди.

Мен секин гап ташладим:

— У ҳолда эртага адам ишга чиқаверсинларми?

— Эртаси, кейин ҳам. Қурби жетгунча бозорни геройи бўп журсин!

У нашға қилиб яна ҳингиллади.

— Иккита калла қўйишда ағдарган чиққарғов? Балки бошқа одам қилгандир бу ишни?!

Мен жавоб ўрнига, гапни айлантириб, ўсмоқчилаб сўрадим.

— Мушטיפар дегандингиз — ожиз, ногиронмасми у жабр кўрган?

— Не деяпсан? Мендан ҳам тик, бақувват. Яна, буқани судрай оладиган нотавон бўладими?

— Бўлмаса эркак кишига арз ёзиш нимага керак?

— Қанақа арз? У энди жўқ.

Шундай деб, у шикоят арзини папкасидан чиқариб кўзим олди-да майда бўлақларга бўлганча йиртаркан, тинмай жаврашга мойил бўлди:

— Ҳе, хотинининг гапига кирган, кўсе. Бўлимдагилар устимдан кулмайдима? Кимни олиб келдинг. Шу ёшга бизлар ҳали етамизми жўқми?! Уларнинг дуосини олиш ўрнига, дело очдингми, деб танбеҳ беришмайдими?! Овулдагилар эшитса, ўзига ҳам дашном-ку. Эшитган кулоқ шу ёшдаги одамдан калтак жеганни, бир умр мазах қилишлари турган гап бўлса...

Шу воқеадан кейин Қилич ака Фатхиллани учратиб қолганда, қачон бобойнинг олдига олиб борасан, деб қўймаган, сўнг, бир кўргач эса, ҳар ҳайитда уларни зиёрат қилишни то қазоларигача унутмаган экан. Қилич ака овулга, акасиникига меҳмонга борганда, бу ҳангомани у ердагиларга билдирмаган бўлса ҳам, Қулматни юзи чидамай, эртасидан бу бозорда бошқа кўринмай, узоқроқ бўлса ҳам бўлақ мол бозорига ўтиб кетибди. Кейин кўрганлар у анча бошқача, кўпчилик юзига оёқ босмай ишлайдиган бўлиб қолганини таъкидладилар.

Мен Фатхилладан бу тушунмовчилик сабаби аслида нимадан бошланган, деб сўраганимда, у қуйидагиларни асослади.

Қулмат янги келган даллоллардан бўлиб, бошқа даллоллар кўз ташлаб, байлашиб қўйган молларни эгаларини айнитаркан. Эвазига сал нархини пасайтириб сотиб оларкан. Худди шу қилиғини амаким билан ҳам қилган. Шу бозорда ўттиз беш йилдан ортиқ юрган, барча сотувчилари, олувчиларни кўпини танийдиган амакимга бу ҳолат эриш туюлибди. Бозор ҳалолликни кўтаради. Бир сўзлик ва мардликни ёқтиради. Шу ҳақда Қулматга айтсалар, «эплаган, учарники бозор, қўлингдан келганини қил», дегандек беписандлик қилган. Яна тартибга чақирсалар, «эй, сен чол менинг ишимга аралашма», деб иззат-нафсларига тегибди экан...



ҒОЙИБДАН МАДАД

Бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йил.

Бухоро вилоятидаги пахта майдонларидан бири.

Эшакларга иккита-учтадан қанора қоп боғланган. Улар кетма-кет кетишяпти. Қанораларга қуриган гўнг солинган.

Олдинда Ойша биби, ўттиз беш ўттиз еттилар атрофидаги аёл. Эшак ипи карвонга боғланган. Карвоннинг икки ёни ва охирида ўн етти, ўн икки ва ўн ёшдаги ўғиллари бормоқда. Ниҳоят, орадан бироз вақт ўтгач, улар манзилга етиб келишди.

Шомга яқинроқ пайтда эса от миниб раис келиб қолди.

— Ойша биби, ишлар яхшими? — деди у.

— Беқусур, жойида.

— Эринг Сталинграддан ногирон бўлиб келди. Сўнгра ўлди қолди.

Бир ўзинг олти болани эплаб келаяпсан. Қийналмаяпсанми?

— Қийналган фақат менми? Бошга тушганини кўз кўради.

— Эр топиб берай десам, эркаклар ҳам сийрак, — деди раис ҳазил аралаш. Борлари ҳам банд.

— Бу гапни бир гапирдингиз, бошқа айтманг. Сиз катта одамсиз.

Ҳурматингизни йўқотманг.

— Ҳа майли, сен арабийлар ҳазилни ҳам билармидинглар.

— Тўғри, биз бор гапни ёқтирамыз? Ўғил-қизларим ҳам шунақа.

Ҳингир-ҳингирдан кўра, ўқиш-ёзишга вақт ажратади. Билимни кетидан қувган.

— Хабарим бор. Катта ўғлинг институтга кирибди, табриклайман.

— Раҳмат, шодиёнасига якшанба куни келинг. Аталган қўй бор, сўямиз.

— Қолхоз ишини ҳам боплайсан, ўғил-қизинг доим далада, меҳнатда. Бир томони мол-ҳол боқасизлар. Шунгами доим уйингда барака бор.

— Эй, меҳнат қилмаса бўларканми?

— Бўш вақтингда табибчилик ҳам қиласан. Одамлар ўзи атаганини ташлаб кетади...

— Оллоҳ юқтиргани. Қўлимдан келибдики, етти авлоддан ўтиб келаётган табиичиликни давом эттириб келаяпман.

— Узоқдан дўхтир келгунча... Хуллас, яхши-да. Асосийси, халқ рози. Ҳақинга дуо қилиб юришади.

— Раҳмат.

— Аввал ўзимни, кейин қизимни тузатдинг. Сариқдан фориқ бўлди. Ҳозир райком котибига келин бўлиб тушди.

— Ҳа, муборак бўлсин. Хўш, келасизми?

— Ҳеч иложи йўқ. Мен зиёфатга борсам балога қоламан. Устимдан Марказкомгача ёзиб юборишади. Сенга ҳам маслаҳатим, қўй сўймай, кичкина чой ташкил қил. Замон ҳали нотинч.

— Маъкул...

Бир минг тўққиз юз етмиш олтинчи йил.

Қоронғу тун.

Ойша бибининг иккинчи ўғиллари Забиҳилланинг катта қизи, Зайнаб уйда якка ўзи ўтирибди. У қоронғуликдан қўрқади.

Ҳозир ҳам ўз-ўзига гапириб, ҳовлига чиқди.

— Зим-зиё хонада ёлғиз қолсам, қўрқамен. Яхшиси боққа чиқай. Дарахтлар ёруғида кўнглим очилади, — деди.

Зайнаб боққа кирди. У севимли дарахтлари ва доривор ўсимликлар билан сўзлашишни ёқтиради.

Тут дарахтига яқинлашиб, уни бағрига босди-да, сўз қотди.

— Қадрдон тут, неча ёшга кирдинг?

— Бир юз йигирма еттига, — дея жавоб берди тут.

— Ойша бибимнинг оталарини ҳам кўрганмидинг?

— Қурбон қўрбошиними. Менинг соямда неча йиллар пашшахона тутган.

— Уларнинг бойликлари кўпмиди?

— Ҳм...

— Майли, буни ўзим ҳам биламан. Юз минглаб қўйлари, уч-тўрт минглаб йилқилари, қатор қўрғонлари, уй-жойлари бўлган... Йигирманчи йиллари ҳукумат ўзларини ўлдириб, қўрғонларини ёқиб, бор мулк-мулкани олиб қўйган.

— Ҳм...

— Бўлмаса, ўзинг ҳақингда сўрайман. Одамларнинг қайси дардига даъво бўласан.

— Мевамдан шинни қилинса, кўп маза. Иситма тушираман, кишига дармон бағишлаб, қон кўпайтираман. Ичак фаолиятини мустаҳкамлаш, безгакни даволаш ҳам ҳунарим.

— Ташаккур, — деди Зайнаб.

У шиннини яхши кўради. Шу боис ҳозир олтин рангда тобланиб, шаффоф, чўзилиб оқиб тушадиган шиннини кўз олдига келтириб, ютиниб қўйди.

Зайнаб пастга қараб югурди. Сачратқи олдига борди-да, унга энгашди.

— Вой, сачратқи ўтим, сени қайси хасталикда қўлласам экан?

Сачратқи ўт жавоб қилди:

— Кўнгил озганда, иситмага, ич кетиш касаллигида давоман.

Офтоб урган болаларни қайнатмамда чўмилтириш керак.

— Сени юлиб олсам майлими?

— Майли. Фақат илдизим қолсин, қайта ўсиб чиқаман.

— Яхши. Илдизингга тегмайман.

Зайнаб яна бир-икки қадам қўйди-да, анор шохини ушлаб, уни гапга солди.

— Оҳ анорим, қизил анор! Сен нимага шифосан?

Шу пайт Дилбар янгасининг овози эшитилди:

— Ким у боғда гапираётган? Зайнаб сенмисан?

— Ҳа, менман, Дилбар янга.

— Яна касалинг қўзғадими? Сен қизни дўхтирга кўрсатиш керак.

Қоронгуда ажина-пажина чалиб кетган.

Бир йили туман касалхонаси мудирини Эргаш Қодиров Ойша биби ва Зайнабни чақиртирган эди.

Ойша бибининг ўзи келди.

— Ойша биби, ўзингиз табибсиз. Эшитдим, неварангиз баъзи дардманларга шифо айтибди. Лекин бу медицинага тўғри келмайдиган, аллақандай руҳлар билан тиллашишми-ей? Ёки тут, қизил помидор, бодринг, анор билан гаплашдим дейиш, олий маълумотли дўхтирлар устидан мазах қилишмасми? Сачратқи, номозшомгуллар тили бор эканми, ким кўрибди уларни, ер юзидаги неча миллиард аҳолидан фақат неварангиз гаплашадими? Ишониш қийин. Балки. Унинг мияси... — деди касалхона бош шифокори.

— Неварам алдамайди.

— Сиз ҳам ўз сўзингизда туриб олсангиз, неварангизни шаҳар руҳий касаллар шифохонасига жўнатишга мажбур бўламан.

— Астафидуллоҳ! Яхшиликка ёмонликми? Сени ёшлигингда қизамиқдан ким даволаганди? Ё эсингга солиб қўяйми? — деди Ойша биби.

— Сиз, Ойша биби. Укамни девордан йиқилиб қўли синганида жойига солиб, тахтакашлагансиз. Синглим Моҳирани иситмалаб ётганида, дўхтирлар келгунича бир ўлимдан асраб қолгансиз. Ойимларни...

— Бўлди. Менга миннат ошини едирма. Ундан кўра жавоб бер. Кўзи очиқ инсон наинки набобат, балки самоват билан ҳам тиллаша олишига ишонмайсанми? Дардини берган Аллоҳ, шифосини ҳам беради.

— Биз оддий дўхтирмиз. Ана Тошкентга, Москвага олиб боринг. Набирангизни кўрсатинг. Балки нодир истеъдоди бордир. Фақат бошига бало орттириб олмаса бўлгани. Улар менга ўхшаб суриштириб ўтирмайди, жиннихонага жойлайди қўяди.

— Текширтириш керакмас. Сен яхшиси уни анавуларни рўйхатидан чиқар. Шу сенинг ёрдаминг бўлсин.

— Чиқара олмайман. Бошим билан жавоб бераман. Ёрдамим шуки, унинг диагнозини соддароқ қилиб «эси кирди-чиқди — шизофреник» деб ёзиб қўяман.

— Шунга ҳам раҳмат, — дея ўрнидан қўзғалди биби. — Онангга салом айт. Келсин, гурунглашамиз.

— Хайр, Ойша биби. Неварангизга тайинланг, ортиқ гуллар билан гаплашмасин.

— Яхши...

Ойша бибининг ҳовлиси. Кираверишда чап тарафдаги олди очиқ айвонда Ойша биби ёнида Шафоат, Рухсора келинларини олиб жун титиб ўтиришибди. Зайнаб кўчадан югуриб кирди.

Ойша биби унинг аҳволини кўриб, ваҳимасини босиб сўради.

— Нима бўлди тасаддуғим?

— Мактабдагилар, мени жинни деб калака қилиптилар.

— Ошкорами?

— Келбатимдан қўрқиб, ортимдан пичир-пичир қилишяпти.

— Ҳа, пошша қизим. Файриинсоний қувватларингга уларни файирлиги келган, аламингни бошқа йўсинда кўрсат, лол қолишсин.

— Қандай қилиб?

— Табиблик қувватингни айтаман-да.

— Маъқул, бувижон.

— Яна бир гап, набобат, ҳайвонотга саволларингни унсиз берсанг бўлмайдами? Сулаймон пайгамбар шу тахлитда қушлар билан суҳбат қурган эканлар.

Шафоат овсинининг қулоғига шипшиди.

— Рухсора, нега индамайсииз, Зайнаб сизнинг қизингиз. Эртага чиндан эси телба-тескари бўлиб қолса-чи! Қайнонамдан қайириб олмайсиизми?

— Ойша бибига сўзим ўтмайди. Кейин Зайнаб мендан кўра бувисига тортган, унинг сўзидан чиқмайди.

Шафоат янга Зайнабнинг қобилиятига шубҳа билан қарарди. Қайтанга қўшниларгами ёки бошқаларгами қўшилиб, унинг эси кирди-чиқди деган гапни кўпиртириб юарди.

Зайнаб ўн уч ёшга етганда унинг табобатдаги имконлари билина бошлади.

Ойша биби ҳовлисида иш билан машғул. Уй аҳли жамулжам. Кичик янгани уч ойлик чақалоғи тинимсиз йиғлаяпти.

Зайнаб уни кўтариб, қўлини бошига қўйди.

— Чақалоқни бошини босим безовта қилаяпти. Шунга тинимсиз йиғлаяпти, — деди.

Шафоат ва кичик янга Дилбар кулишди.

Кичик янга унинг гапига ишонмай, мазах қилди.

— Ҳа, энди шуниси қолувди?! — деди киноя билан.

Шафоат янга уни гиж-гижлади.

— Чақалоқда босим нима қилади? Шунча бола боқиб энди, эшитишим.

Бир чеккада буларни гапига қулоқ тутиб турган Ойша биби эса:

— Бош чаноғининг босими бўлиши мумкин, дўхтирга олиб боринглар, — деб буюрди.

Ойша бибининг гапини икки қилиб бўлмайди. Кичик янга чақалоқни кўтариб, шифокорга учраб келди. Зайнабнинг ташҳиси тасдиқланди.

Бир куни тунда Зайнаб боғ оралаб юаркан, ўзига ўзи гапира кетди.

— Бибижон айтгандек, ўсимликлар билан бир фикр алмашиб кўрсаммикин?

У бориб шафтоли шохини ушлади ва уни ичида саволга тутди.

— Шафтолижон, сенинг қандай хосиятинг бор?

Шу пайт Зайнабнинг миясига жавоб қўйилиб келади. У ҳозирги компьютер ёзувига ўхшаган ёзувни ўқиди.

— Меваси иштаҳа очади ва ични юмшатади. Қуритилмаган гул ёки барг шираси гижжани туширади.

Зайнаб қувнаб кетди.

— Аё, фалак, уддаладим! Сенга ҳамду санолар бўлсин.

Зайнаб энди қоқи ўтга энгашди ва унга тикилиб қаради. Миясига у тўғрисида маълумот кела бошлади.

«Қоқи ўт қонни тозалашда, буйрак касаллигида қўлланилади. Ўт ҳайдовчи, иштаҳа очади. Гули фойдали, қуримаган барглари ёки кузда илдизини ювиб, қуритилиб, майдалаб чой ўрнида ичса, босим мувозанатини сақлайди».

Зайнаб росмана хурсанд бўлди ва бақриб юборди.

— Салом сенга руҳлар дунёси.

Зайнаб ёшига нисбатан дуркун қиз. Баланд бўйли, тик қомат. Мактабда кўпчиликни ўзига маҳлиё қилган. Унча-мунча ўсмирлар унга тикилиб ўтишади.

Бир куни мактабда танаффус тугаб, қўнғироқ чалинди-да, ҳамма дарсга кирди. Зайнаб эса ошхонада бироз ушланиб қолди. У чиқиб келаётганда коридорда юқори синф ўқувчиси Холиёр уни гапга солади.

— Зайнаб, сен бошқачасан?! Менга ёқасан.

— Вой, нималар деяпсиз?

Зайнаб уялганидан, дув этиб қизариб, ерга қараб қолди. Пайтдан фойдаланган йигит шартта унинг юзидан ўпиб олди. Зайнаб йиғлаб юборди ва уйига чопди.

Қиз йиғлаганча ҳовлига кирди-ю, айвонда ўтирган бувисининг бўйнига осилди. Унинг қулоғига пичирлаб гапирди.

Ойша биби эса набирасининг гапини келинига етказди.

— Эшитдингми, Рухсора? Қизингни бир йигит ўпиб олибди.

— Майли, нима бўпти шунга? — деди аёл бепарволик билан.

— Майли дейди-я?

— Йўқса, нима қилай?

— Буни шундоқ қолдириб бўларканми! Тўлан, отни олиб чиқ. Ўзим таъзирини бериб келаман. Кел, Бибихон, сен ҳам отга мин.

Ойша биби отига Зайнабни мингаштириб, мактабга жўнади.

Ойша биби тўғри директор хонасига йўл олди. Ёнида Зайнаб. Директор уларнинг вазоҳатини кўриб, бир пиёла чой узатди. Узоқ ҳол-аҳвол сўради.

— Яхши-яхши. Ўзинг тузукмисан? — деди биби директорга.

— Раҳмат, бир нави.

— Бир навимас. Мактабингда ҳар хил воқеалар бўлаётганмиш?

— Йўғ-эй? Нима бўпти?

— Анави Холиёр неварамни юзидан ўпибди.

— Қаерда ўпди? Ахир бунинг иложи йўқ.
— Коридорда, ошхонадан чиқишимда, — деди қиз кўзини ердан олмай.

— Буниси қизиқ-ку. У ерда доим ўқувчи гавжум.

— Ошхонада ушланиб қолувдим. Қўнғироқ чалинганидан бироз ўтиб дарсга кираётгандим, шунга...

— Лекин неварангиз ўзи ҳам ошхонадан чиқмайди-да, — деди директор.

— Бу сенинг ишинг эмас. Нима чора кўрасан?

— Нима қил дейсиз, Ойша биби, у бола ўзи аҳмоқ, шўх, қулогига гап кирмайдиган.

— Сенинг биринчи вазифанг қизларни йигитларни тазйиқидан сақлаш, билдингми? — деди биби дона-дона гапириб. — Ўқитиш — иккинчи вазифа. У олчоқ йигит қани?

— Келганингизни эшיתיши биланоқ қочди.

— Шу паллада қўлимга тушса, юзини қийшиқ қилиб кўярдим! Зайнаб хавотирланиб сўрайди.

— Энди нима бўлади, туғиб қўймайманми?

Директор кулиб юборди.

— Тугмайсан. Бир ўнганга бола бўлса, ер юзида оёқ босгани жой қолмасди.

Директорнинг бу гапидан бибининг жаҳли чиқди.

— Шармсиз гапларни гапирма. Ибосиз қиз кимга керак? Бибихон, қизим, бунисидан ташвишланма. Барибир йигитлардан нари юрганинг яхши.

Орадан уч йиллар ўтди. Зайнаб Ойша бибининг истеъдодли шогирдига айланди.

Уларнинг ҳовлиси қўшнилари, қариндош-у бегоналар болаларини кўрсатгани келишарди. Беморларни эса ичкарида Зайнаб навбати билан қабул қиларди.

— Болангизни иссиғини тушириш учун бир литр қайнаган сувга мана бу ўт толқонини бир чой қошиқ солиб, устини ёпиб кўясиз. Совигач кунига бир пиёладан овқат беришдан йигирма минут олдин ичирасиз. Икки кунда кўрмагандек бўлиб кетади. Қимирламай ётсин. Роса терлайди. Кийимларини алмаштириб турасиз.

Бемор онаси: «Раҳмат», — деб, кўрпача остига пул қўйиб, боласини олиб чиқиб кетди.

Шу пайт маъмурият вакилларидан бири кирди.

— Бизда текин медицина бор. Сиз эса ҳужжатсиз табиблик қилаяпсиз. Бунинг учун ҳақ олаяпсиз, — деди қизга қаттиқ тикилиб.

Бу гапни эшитган Ойша биби гапга аралашди.

— Нима бўпти. Мен унинг олдидаман. Бизнинг етти пушти авлодимиз табиб ўтган. Пулга келсак, бу қўл ҳақи, йўқса оғирлиги тушади.

— Ойша биби! Сизни ҳурмат қиламиз, Сиздан халқ хурсанд. Аммо неварангиз ёш. Яна уни рўйхатда туради, деб эшитдик.

— Тешик қулоқ эшитаркан-да. Хўш, ёки бирор маслаҳат бермоқчимисиз.

— Неварангиз ё ўқисин, ёки ишласин. Йўқса, худо кўрсатмасин, бирорта одам унинг табибчилигидан арз қилиб борса, Зайнабни қамаб қўйишади. Ёш жонига жабр бўлмасин. Биз сизни огоҳлантиргани келдик.

— Яхши, унда ўқигани бўлсин.

Зайнаб билими етарли эди. У ўз кучи билан Бухоро педагогика институтига ўқишга кирди.

Кунларнинг бирида у курсдошлари ва ҳамхоналари Суюнгул ва Шарифа билан тушлик қилиб ўтирарди. Суюнгул тўсатдан сўраб қолди:

— Зайнаб, доимгидек иккита пирожни олдингизми?

— Танамга тўлиқ озуқа зарур. Менда энергия кўп сарф бўлади.

— Бу энергияларни табибликда намоён этмай, энди болаларни ўқитиш фойдали эмасми?

— Менга фарқи йўқ. Ахир астойдил меҳр билан дарс ўтилса, болалар билимга янада ташна бўлишади.

— Барибир, нега тиббиёт институтига кирмагансиз?

— Бухоро тиббиёт институти жуда кам талаба олади, Самарқанд ёки Тошкентдаги институтга эса узоқ деб юборишмаган. Ўзим ўқиётган факультет ҳам тиббиётга жуда яқин.

— Шундоқ ноёб қобилиятингиз энди болалар қий-чуви остида йўқолиб кетмасмикин?!

— Билмасам. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Бир кун хона эшиги тақиллади. Эшикни Суюнгул очди, орқасидан Шарифа ҳам чиқиб келди. Эшик олдида курсдошларидан Нуфуз турарди.

— Салом. Зайнаб қани? — деди йигит.

— Зайнаб йўқ. Унда нима ишингиз бор? — деб ўзини тушунмаганга олди Суюнгул.

— Чизмаларга буюртма олиб келгандим.

— Янами? Илтимос, Нуфуз бошқа келманг. Биз сизни Зайнабга ошиқ десак... — дея Шарифа орқадан гап отди. — Унга иш топиб бериб, бизни уйқудан қолдирыпсиз?

Нуфуз қизаринмай кулиб турарди.

— Аммо бу Зайнаб билан учрашувга баҳонадир, тўғрими Нуфуз? — деб гап қўшди Суюнгул.

— Шунақа бўлсачи! — деди Нуфуз.

— У ҳолда билиб қўй. Зайнабни йигитларга ҳуши йўқ.

Суюнгул эшикни ёпмоқчи бўлганди, Шарифа уни тўхтатди.

— Йигитлар билан юришга одамлари рухсат беришмайди, — деди.

Суюнгул эса ҳазилга буриб:

— Унинг ўрнига ана Шарифа бўш, уни гапга солсангиз бўлмайдими? — деб қолди.

— Ҳеч ҳам бўш эмасман. Иккита кавалерим бор, етади, — деб жавоб қилди Шарифа.

— Менинг ҳам иккичиларга кўзим учиб тургани йўқ, — деди Нуфуз ҳам.

— Ким икки-чи?

Шарифа Нуфузни қулаб кетди. Коридор бошига етганда Нуфуз Зайнабга урилишига сал қолди.

— Нима гап?

— Ўзим шундоқ, — деди Шарифа.

Сўнг йигитга муштини ўқталди.

— Сенга иккичини кўрсатиб қўяман.

— Яхши, қониқарлисан, бўлдим?

— Яна бошладингми? Ҳамма баҳоим аъло.

— Барибир-да, ҳар ҳолда, Зайнабдай бўлишинга анча бор.

Шу пайт Зайнаб суҳбатга қўшилди.

— Нима гап ўзи?

— Нуфуз сенга ошиқ экан. Ўшани айтгани келибди. Мен Зайнабни хаёлини бузма, деб уришдим, — деди Шарифа.

Шу пайт қасрдандир улар суҳбатига қўшилиш учун етиб келган Суюнгул:

— Мен эса Зайнаб осмонда юради, унинг ўрнига Шарифа бўш дегандим, Нуфуз кўнмаяпти, — деб ҳазиллашди.

— Мен ҳеч кимни, Нуфуз сени ҳам севмайман. Кейинчилик ҳам бу ҳис қалбимга меҳмон бўладими, йўқми номаълум. Қизлар тўғри айтишибди.

Зайнаб қайрилиб ташқарига юрди.

Бошқалар ортидан анграйиб қолишди.

Зайнаб ишлаб чарчаганида пастга тушиб, ён-атрофда айланади. Бугун ҳам у ётоқхонадан чиқиб, дарахтзорга йўл олди. Бироз айланиб, биринчи дарахт олдига келди-да, уни аста кучоқлаб, у тўғрисида гапира бошлади.

— Бу чинор дарахти экилганига етмиш уч йил бўлибди. Ундан пушти рангдаги нур таралапти. Атрофида кўпроқ соғлом, пок инсонлар паноҳ топишган экан.

Зайнаб бошқа дарахт яқинига келди.

— Бу дарахтнинг ёши янада улуғроқ. Аср ёшидан ҳам ошиб кетибди. Фуқаролар уруши, босмачилар аталмиш халқ озодлик ҳаракати лашкарларига паноҳ бўлган, шохига айбсиз одамлар осилган экан. Ундан оч зангори ранг — умид ва барқарорлик нурлари тарқаяпти.

Зайнаб нарироққа кетаркан ўзига-ўзи гапирди:

— Иложим қанча. Ҳаттоки сайрга чиқсам ҳам миямга атрофдаги маълумот куйилиб кела беради. Мазкур ҳолат бир зум ҳам мени тарк этмайди, холи қолсам бўлди, бошқа бир ажиб дунё ўз домига тортиб, суҳбатга чорлайди.

Зайнаб яна юриб, кўча деворига яқин, энг чеккадаги дарахтга яқинлашганда сесканди.

— Дарахт ёш, бироқ энг негатив энергияларни йиғибди. Бу дарахт панаси шармандали, номуссиз ишлар гувоҳи, маишат ва бузуқчиликларни кўрибди. Эсиз, яқинига борган одамни энди шу таҳлит ишларга ундайди. Ўзи ҳам танасидан тўқ сиёҳрангдаги хунук нурни чиқаряпти. Буларнинг барчаси мени гоҳида шунчалик чарчатадики!

Қиз бошини эгганча жуда толиққани боис ортга қайтди.

Зайнаб ойига бир марта — шанба, якшанба кунларини мўлжаллаб, қишлоққа бориб келарди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Одатда, катта йўлда автобусдан тушиб қолиб, уйига қақиримча пиёда кетарди. Ҳозир ҳам уйига олиб борувчи йўлдан секин кета бошлади. Тутзордан ўтса, қишлоққа кираверишда ҳовуз бор. Бу ҳовузнинг суви тоза. Катта чинор илдиэлари ҳовузда бўртиб чиққан. Қариялар ҳовузнинг ёнидаги чинор ва қора толлар сувни тозалайди, дейишади. Қора толнинг соясида турган гўшт неча кун бўлса ҳам айнамайди. Томири кони фойда. Қонни суюлтиради.

Ким Сайробга борган бўлса, у ерда ҳам ҳовуз суви шунчалик тиниқки, сузиб юрган балиқларгача кўринади. Чунки атрофида уч-тўртта одамнинг қулочи етмайдиган чинорлар, иккита қора тол ҳам бор.

Зайнаб ҳовузнинг бўйида ўттизгача теракни санади. Теракда лайлак инлари бор. Яна бошқа қушлар ҳам чиғиллаб туради. Ҳовузда қурвақа вақиллагани эшитилиб туради. Энг қизиги, ҳовузда сув илонлари кўп. Қурвақа бор жойда илон бўлмасинми? Оддий кичик-кичик сув илонлари. Биттасини бошида сочими, ёлими бор. Улар — Зайнабни сирдошлари. Шунинг учун Зайнаб ҳовузни босиб ўта олмайди. Улар билан сўрашиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашишади. Ҳар сафар қишлоқдаги янгиликларни унга илонлар етказишади.

Бу сафарги учрашув ҳам қизиқ бўлди. Зайнаб сумкаларини ҳовуз ёнига ташлаб, унга сув тўлдирадиган сувқулоққа энгашиб сув ичди. Шунда учта илон сузиб келди. Уларнинг бири олиб, бири қўйиб, гапга тушишди.

Зайнаб аввал уларга савол беради.

— Хўш, қишлоқда нима янгиликлар? Ким айтади?

Энг кўп гапирадиган илон тилга кирди:

— Икки кун олдин Эшонқул ота жон берди.

Илон калласини сувдан сал кўрсатиб, узун тилларини чиқариб гапирди. Овоз эшитилмади. Аммо хабар Зайнаб миясига келиб ёзила бошлади. Сўзсиз маълумот унинг бошига келиб ёзилиши унга оддий ҳолдек туюлади.

Гоҳо Зайнаб бу илон билан ўйнашиб қолади ҳам. Бунинг учун у икки қўли панжаларини сув юзига очиб туради. Сув илон қўлининг устида турли шаклда ҳаракат қилиб, панжаларига тегиниб ўтади. Айлана-айлана сузиб келиб, яна ўша қилиғини қайтаради. Худди панжаларини сийпалагандек бўлади.

Илонларнинг овозини эшитиб, Зайнаб суҳбатлашган дамлари ҳам бўлганди.

Бунга уч-тўрт йиллар бўлди.

Зайнабнинг уйи орқасидан ариқ оқиб ўтади. Унинг эни бир қулоч, чуқурлиги бир газдан ортиқ. Зайнаб бу ариқда чўмилишни хуш кўради. Бир кун у чўмилаётганида биқинига нимадир тегди. Зайнаб уни балиқ деб ўйлаганди, бироқ у оқ илон экан. Уни Зайнаб яна кўп марта уйида кўрди.

Ойша биби ҳовлиси ўн икки сотихча келарди.

Кираверишда ўнг тарафда молхона. Уйда камида тўртта сигир боқиларди. Туғилганлари бузоқчалар бу ҳисобдан мустасно. Кунига катта қозонда уч пақирдан ортиқ сут пишириларди, сўнг қатор кичикроқ челақларга солиниб, чангақларга юқорига осиб қўйиларди.

Ўша кунларда оқ илон бир челақ сутни ичиб қўйган, кейин эса бошқа нарсаларга умуман тегмаганди.

Уч газдан узун, қалинлиги билақдай келадиган бу оқ илон уйдагиларга кўринмасди ҳам. Фақат уни Зайнаб кўриб қоларди.

Молхона ёнидаги қўйхонада йигирма-ўттизта араби қўй, нарироқда эса элликка яқин товуқ боқиларди. Бу уйда Забиҳилланинг етти фарзандидан ташқари, амакиси Нигматилланинг тўрт боласи яшарди. Ойша биби бу ўғил-қизларини чиқиштирмас, дид-фаросати кам деб уришарди. Зайнабни эса яхши кўрар, чунки унинг зехни ва хотираси яхши, қолаверса, бибининг табиблигини қўлидан олганди.

Оқ илон гоҳо сариқ, гоҳо узунасига беқасамдек тусланиб қоларди.

Ўнг тарафда молхонага етмасдан сомонхона бўларди.

Ўша ерда илонни ногоҳон Забиҳилла адаси кўриб қолди. Дастурхон бошида овқатланиб ўтиришганда, у бу воқеани айтиб, «Мен уни ўлдираман», деди.

Кечаси эса Зайнаб бир ниманингдир шарпасидан уйғониб кетди.

Қараса, каравотининг ёнида кўзлари қип қизариб, ёнганча оқ илон турибди. У қизга қараб, пишиллаб гапирди. Овози акс-садо билан келгандек туюлди.

— Адангизга айтинг, бизни ўлдирмасин, — деди илтижоли оҳангда.

Зайнаб зўрға жавоб берибди.

— Яхши.

Эртаси Зайнаб бу гапларни эрталаб адасига айтишни унутиб, мактабга кетди. У мактабдан келса, отаси сомонхонани йиғиштираётган экан.

Зайнаб кечаси бўлиб ўтган суҳбатни отасига айтди.

— Ада, илонга тегмас экансиз. Унинг хотини ҳам бор экан.

— Қаердан биласан?

— Кечаси кўзлари ёниб, қошимга келди, ўлдирмаслигингизни мендан илтимос қилиб сўради.

Забиҳилла бу гапни қизидан эшитиб, қўрқиб кетди:

— Сен энди илонлар билан гаплашяпсанми?..

...Илонлар ўч олишади деган гапни биларди, ўшангами аҳдидан қайтиб, сомонхонани охиригача йиғиштиришни бас қилди. Аслида,

Зайнаб ўшанда урғочи илонни ҳам кўрганди. Унинг ҳажми бироз калта, аммо оппоқ рангда бир хил, у тусланмасди.

Яна бошқа кун иша эркак илон: «Умуман илон шўрва ичманг», деб таъкидлагани ҳамон унинг қулоғида жаранглаб қолганди.

Сўнг бу илонлар қаергадир кетиб қолишди. Кўриш қобилиятидан маҳрум илонлар фақат ҳид билиш билан яшайди.

Ҳовуздан сал ўтилганда чойхона бор.

Чойхона йўлга терс тушган, бу тарафида девор урилган.

Сафаркул ота кўпинча оқ Қашқа отини шу деворга қоқилган илгакларга боғлаб қўяди.

Зайнаб бу от билан ҳам доим суҳбатлашади. Отдан илонлардан кўра кўпроқ хабар олади. От ҳам қиз яқинига келмасидан кишнаб туради. Бугун у негадир нолиб гапирди.

Айтишича, кеча отанинг бир-иккита танишлари гап қилибди.

— Отинг қарибди, ҳали йўл-пўлда қолиб кетмасанг майлийди. Устига-устак, қадами ҳам майдалашибди. Яхшиси, уни қассобга топшир.

— Менга сот, қази қилдираман, қари отнинг гўштидан қилинган қази қувватли бўлади. Эт ўрнини пай босади. Сўриб мазза қиласан.

Лекин Сафаркул ота танишларининг таклифини рад этибди.

— Отим йиқилиб қолса ҳам сўйгани бермайман, — дебди қатъий.

Бироқ ота уйга келганида кампири миясини қоқиб қўлига берибди.

— Битта отга қанча ем, хашак керак. Сиз чолга от нега зарур ўзи? Борадиган жойингиз — чойхона, тўй-маърака. От ўртада даҳмаза. Сотинг, пулини ўғлимизнинг тўйига қўшамиз.

Оқ Қашқа эса уни бу ҳовлида ҳозир Сафаркул отадан бошқа ҳеч ким чиқиштирмаслигини бошини силкиб-силкиб билдирди.

— Ҳовлида, томорқага қарасам, руҳим эзилади. Илгаридек эркалаб чақиришлар йўқ. Эгамнинг овга кўзи ўтмайди, шу боис бекорчи бўлиб қолдик.

Зайнаб отнинг пешонасини силади.

— Яқинда ота яна овга борадиган бўлади. Мен ўзим даволаб қўяман. Сен эса қаддингни тик тутгин, хўпми?

От жавоб ўрнига мамнунлик билан баланд овозда кишнади.

Унинг овозини эшитган Сафаркул ота чойхонадан югуриб чиқди.

— Қизим, нима бўлди?

— Ассалому алайкум! Оқ Қашқа мен билан саломлашди.

— Ваазалайкум ассалом. Бу отгаям қийин бўлди. Кўзим хиралашиб қолганидан кейин иккаламиз ҳам уйга сиғмай қолдик.

— Қани, бир кўрайчи?

Зайнаб чолнинг кўзларини очиб, қабоқларни босиб кўрди.

Чол оғриқ сезиб, сесканди.

— Қаттиқ шамоллатгансиз. Инфекция кўз гавҳарини хиралаштириб қўйган. Уйга қайтишда бизникига киринг, ота, ўт дори бераман. Тўрт-беш кунда тузалиб кетасиз.

Зайнабнинг институтдаги ўқиши тугаб, педагог дипломини олиш арафасида, у қишлоққа келганда Ойша биби секин гапга солди.

— Бошқа невараларим майли, лекин сени бибижон, узоққа юбормайман. Қишлоқда қоласан.

— Яхши ўқиганим учун институтда олиб қолишмоқчи.

— Дарс беришгами? Ана ўзимизни қишлоқ мактаби бор. Қолаверса, Кўчабоғ қишлоғи деса чор атрофдан ташқари Вобкент ҳам танийди. Бунинг сабаби нима, биласанми?

— Сизнинг табиблик доврuginгиз туфайли.

— Ҳа, баракалла! Шундоқ экан, мендан кейин ишимни кимдир давом эттириши керак.

— Биби, сиз ўлмайсиз!

— Кажрафторлик қилма. Бу дунёга ҳаммамиз меҳмон. Яхшиси, хўп дегин.

— Сиз айтганча бўлсин.

— Энди дипломинг бор. Мактабда ишлайсан. Бўш пайтингда ёнимга кирасан. Ҳеч ким ҳеч нима дея олмайди. Сенга Оллоҳнинг марҳамати тушган. Қобилиятинг меникидан-да кўп. Шу сифатинг йўқолиб кетмасин деб ташвиш чекаман, аслида.

Зайнабнинг мактабда бошланғич синфларга дарс бериш фаолияти узоқ давом этмади. Чунки дарс бошланишидан ўн беш минут ўтмай болалар ухлаб қоларди.

Ҳатто бир сафар дарс сифатини текширгани келган комиссия вакили ҳам йигирма дақиқага уйқуга кетганди.

Ахийри директор уни ҳузурига чақиришга мажбур бўлди.

— Менга сизнинг дарс ўтишингиз маъқул. Билимингиз етарли. Аммо, ўқувчилар дарс олгани келган. Ота-оналари шу умидда мактабга беришган.

— Ариза ёзайми? — деди Зайнаб таҳликада.

— Ҳа, сизни бўшатишга мажбурман. Менга ўқитувчи керак, бир-икки нигоҳда болаларни, комиссияни ухлатиб қўядиган кўзбоғловчи эмас.

— Атайлаб қилаётганим йўқ-ку, — дея Зайнаб вазиятни тушунтирмақчи бўлди.

— Иложим қанча. Мана қанча ота-оналарнинг хатлари, шикоятлари. Улар болаларини бошқа синфга ўтгазишни сўраяпти.

— Тушунаман.

— Қаерга борасан, унда. Маданият вазирлигида танишим бор, сени Тошкентдаги циркка гипнозчиликка жойлаб қўйсинми?

Зайнаб шу суҳбатдан сўнг педагоглик фаолиятини бир четга суриб қўйди. Сўнг яна ўз уйида табиблик қила бошлади.

Ойша биби бир куни жиддий суҳбатга тортди.

— Кел, Зайнаб, яқинроқ ўтир-чи.

— Хўп.

— Ўқишни битирганингга бир йил бўлди, ёшинг йигирма учга чиқди-а, бибижон?

— Ҳа, шундоқ.

— Сени узатиш ташвиши ота-онангга тушаяпти. Менга кўп арз қилишди. Келган совчиларга йўқ деб жавоб бераркансан.

— Эрга тегишни ўйласам, юзимни уят босади.

— Уят, андиша бисёрлиги таҳсинга лойиқ. Аммо дунёда тоқ ўтмоқ ниятинг йўқдир?

— Билмасам, Биби. Менга йигит кишига қизиқиш ҳаваси балки берилмагандир.

— Ундай дема. Камми-кўпми бу ҳавас ҳар кимга берилур. Чунки ёлғизлик фақат Эгамга хос. Ва ҳеч бўлмаса фарзанд учун ҳам турмуш қуриш зарур. Ахир фарзанд умринг давомчисидир. Агар бўлажак набирам қўлингдаги ҳунарни эгарласа, етти пушти авлодимиз ҳунари — табибчилик ҳам узилмайди.

Ойша биби ва Зайнаб бир вақтда гапириб юборишди:

— Бас, шундай экан...

— Сўзимни илғамай тур. Лаб очмасдан уқиб олади-я?

— Одобсизлик қилдим.

— Бас, шундай экан, Хўжаамин қишлоғидан Нуфуз исмли йигитдан совчи келибди. Нима дейсан? Сен билан бирга ўқиган эканми?

— Менга чизмалар олиб келарди. Танийман.

— Совчилар билан гаплашдим. Ўзига тўқ, кўпни кўрган оила. Йигит билан ҳам кўришдим. Менга маъқул. Хўш, шунга нима дейсан? Учрашувга бир чиққин бўлмаса.

Зайнаб Ойша бибига секин тикилиб гапирди.

— Яхши, йигит шанба куни келаркан, янгалар ҳамроҳлигида туман марказига бориб келарканмиз. Тўғрими, бибижон?

— Қай ердан билдинг. Биров айтдим?

— Шунга яқинроқ. Одамларим аён қилишди.

— У ҳолда одамларингдан сўра, балки туман марказига бор-масданоқ, эрга тегарсан! Сен қолиб мен шошиб кетяпман. Бахтингни очилишини кўриб қолай.

— Йўқ, баҳонада айланиб келишим керак экан. Йўли шунақа, — деди Зайнаб қатъийлик билан.

Туман марказидаги хиёбонда Нуфуз ва Зайнаб музқаймоқ еб ўтиришди. Сўнг улар боғ айланишга туришди. Шунда Нуфуз гап бошлади.

— Сизни топганимдан хурсандмисиз?

— Ҳм...

— Эсингиздами, қандай қийин чизмаларни ҳам тезда қойиллатиб чизардингиз.

— Эсимда.

— Сиз асли инженер-технолог бўлишингиз керак эди. Ҳозир бирор завод ёки корхонага бош инженер ёки раҳбар бўлиб ишлаб юармидингиз.

— Инсон салоҳияти уммондек кенг. Ундан фойдаланилса бас.

— Дугоналарингиз билан борди-келди қилиб турасизми?

— Суюнгул ва Шарифами? — деди қиз йигитга саволомуз тикилиб. — Ҳа, албатта. Фақат улар бола-чақали бўлиб кетишган. Вақтлари кам. Бир-бир болаларини олиб, ётгани келишади. Уларнинг елкасида оила ташвиши бор.

— Мен ҳам шуни айтаман. Ҳар нарса дунёда жуфт яратилган.

— Ҳм...

Зайнаб юзлари уятдан қизариб ерга қарайди.

— «Ҳайвонот оламини» кўрсатувини кўрасизми? Энг бадбашара маймунлар ҳам бир-бирига меҳрибон-ки, пўстагини...

— Тозалаб ўтиради.

— Ҳа, ҳа. Шунга нима дейсиз, Зайнабхон?

— Пўстак тозалашгами?

— Йўғ-эй. Сиз ҳам ҳазил қилишни биларкансизми? Менга турмушга чиқасизми?

— Буни уйдагилар ҳал қилишади.

Тўйдан кейин ҳам Зайнабни одамлари тинч қўймасди. Ҳаттоки турмушга чиқаётганида унга бир йил муддат белгилаганлари қизиқ бўлди.

Кунларнинг бирида Нуфуз уйғониб кетади. Ёнига қараса, Зайнаб шипга қаттиқ тикилиб, чуқур хаёл суриб ётибди. Кўзлари ўйнайди.

— Зайнаб Сизга нима бўлди? Нега ухламаяпсиз? — деб сўради Нуфуз ташвишланиб.

— Суҳбат қураяпман.

— Ким билан?

— Руҳлар билан.

— Ё алҳазар. Ҳазиллашманг.

— Рост. Суҳбатини бўлиб, одамларимни қочириб юбордингиз? Энди ухласам бўлади.

Нуфуз бир нима дегунча Зайнаб уйқуга кетди...

Орадан бир йил ўтди. Бу орада Нуфуз турмуш ўртоғига хиёнат қилди. Зайнаб эса буни кечира олмай, ажрашди.

— Зайнаб, эрингдан ажраштириб юборганим учун мендан хафамасмисан? — деди Ойша биби набираси уйга қайтиб келганида.

— Қайтага озод қушдек енгил бўлдим, — деди Зайнаб бувисига маъносиз жилмайиб.

— Бир хиёнат қилган эркак, яна шу ишни қайтаради. Бошқалар кўтарса ҳам, сенинг руҳинг буни қабул қила олмасди.

— Тўғри, алдоқ ва риёдан ҳам қабиҳроқдир хиёнат.

— Ҳам шарпаларинг жаҳл устида ўша беномусга бирор бир зиён етказиб қўйишса, у дунёю бу дунёнг қуймасин, деб ўйладим.

— Барибир, у узоқ яшамайди. Бир балога йўлиқиши аниқ.

— Қўй, кўзингга у ортиқ кўринмасин. Бу тахминларингни бошқаларга айтиб юрма. Ё яхши кўрармидинг?

— Ўғлимнинг отаси бўлсаям, феъли тор, ҳаромдан ҳазар қилмайдиган одам, — деди қиз ғазаб билан. — Шундай одамни қандай яхши кўриш мумкин?!

— Ҳақ гапни гапирдинг, — дея биби неварасини гапини тасдиқлади. — Илло кенглик ва ҳалоллик иймоннинг устунидир.

Зайнаб эридан ажрагач, гап-сўзлардан нари деб Навоий шаҳрига кетди. У ерда кичик янғасининг ҳовлисида касалларни қабул қила бошлади. Зайнабнинг мижозлари учун алоҳида хона ажратилди.

Бир кун унинг олдига кўтир, баданида пуфакчалар ҳосил қилиб, қичиштирадиган юқумли тери касаллигига чалинган қизни олиб келишди.

Бу қиз туғилишидан пуфакли қизилчалар тошган эди-ки, шифокорларнинг дорилари ҳам кор қилмасди. Бечора ота-онанинг фиғони фалакка чиққан, мактабда қизнинг ёнига ҳеч ким келиб ўтиришни истамасди. Бундан бағри-дили эзилган қиз ҳам кўп азоб чекканди. Ёши энди саккиздан ошиб иккинчи синфга борарди.

Рухлари Зайнабга бу оиланинг уйига бориб, қизни даволашга одамлари маслаҳат солишди. Даволаш қирқ кунга чўзилди. Муолажалар қулоғига айтиб турилган имолар билан амалга оширилди. Бунда кўз нури қуввати тикилган жойга қўл панжалари олиб борилар ва уларни буриш ёки айлантириш бурчаклари ғойибдан ўзига эшитиладиган қилиб отказиларди. Зайнаб ҳар куни таҳорат олиб, бир соат давомида муолажа қилар, бу вақт ўтгач эса, кўзидаги нур қуввати шу зумлаёқ йўқолиб, қўл панжаларининг кучи ҳам барҳам топарди.

Зайнаб фақат озода, саришта кунларига муолажа қилиш рухсат этилганди.

Ниҳоят, қизалоқ умуман касалидан фориғ бўлди. Ота-онаси, қариндош-уруғлари беҳад қувонишди. Улар Зайнабга қандай миннатдорчилик билдиришни билишмасди. Таниш-билишлар кўзларидаги ҳайрат чексиз эди. Зайнабнинг оёғига ағдарилган каттакон ҳисор зотли қўчқор қўй худойига тарқатилди.

Бошқа бир куни унинг олдига янги бойлардан бири келди.

— Мумкинми? Сизга кириш осон эмас экан. Одам тирбанд.

— Бўлиб туради. Нима арзингиз бор? Эшитаман.

— Йўқ, мен Сизни эшитаман. Мен тўғримда бир маълумот беринг-чи? Қобилиятингизни кўрайлик. Йўқса одамлар бекорга мақтаётгандир.

— Яхши. Ҳеч бўлмас исмингиз ва ёшингизни айтарсиз?

— Дамир, ёшим олтмиш иккида, — деди бой Зайнабга синовчан тикилиб.

— Томирларни ҳам ушлаб кўришим керак.

Янги бой қўлини узатди. Зайнаб аввал чап, сўнг ўнг қўл томирларини ушлаб кўрди.

— Буйракда нўхатдек тош бор, — деди Зайнаб синчковлик билан. — Каттиқ сиқилгансиз, тушкунликка тушгансиз. Юракда сиқилиш, стресс оқибати. Қотиб қолган қонлар йиғилган, зулук қўйиш керак. Жигар ва ўт қопини эса ўтлар билан ювиш лозим.

— Бўлдими? — деди бой мижоз кўзлари ўйнаб.

— Йўқ, асосийсини ҳам айтаверайми?

Бой Зайнабга янада қаттиқроқ тикилди:

— Қани эштайлик-чи?

— Буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

— Сиздан эшитмоқчи эдим...

— Айтганим бўлсин, — дея ўрнидан бир қўзғалиб олди Зайнаб. — Мижозингиз сует.

— Қойил, — деди бой чуқур хўрсиниб. — Сиз буни даволай оласизми? Дўхтирларга боргим йўқ. Гап тарқалиб кетади. Шунга...

— Дўхтирларнинг кўпи даволай олмайди буни. Совуқлик баданга ёйилиб бўлган. Касалликни ўтказиб юборгансиз.

— Савдо билан шуғулланаман. Иш осонмас. Қишда совуқ ўлкаларда қолиб кетардик, — дея табибга умидвор боқди мижоз. — Даволаш қўлингиздан келадими?

— Ҳа, — деб тасдиқ маъносида бош ирғади Зайнаб. — Бир-икки ойда кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Бу гапдан бойнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Гапингиз рост бўлса, сизни, албатта рози қиламан...

Зайнабнинг ишлари юришиб, икки йил ичида уч хоналик квартира сотиб олди, анаву бой тузалган, Россияга кўчиб кетишдан аввал, катта пул қўшиб кетганди.

Қўй сўйиб, худойи қилди. Яқинларига билдирди. Ҳаммадан Ойша биби хурсанд бўлди.

— Зайнаб, янги уй муборак бўлсин, — деди биби набирасини кўргани келганида. — Ишинг юришиб, йўлинг очилибди.

— Раҳмат биби. Одамларнинг кўлига қарамадим. Топганларини кўнгилдан чиқариб ташлаб кетишди. Серҳиммат бойваччалари ҳам бор, бир халта қуртми, банкада сарёғми кўтариб келиб, одамни хижолат қилганлар ҳам бўлди. Олмасанг хафа бўлишади. Ҳар куни, дам олишсиз беморларни қабул қиламан, юзлаб одамлар келиб кетади. Мана, икки йилга бормай уй олдим. Ҳаммаси ҳалол меҳнатим самараси.

— Нега ҳалол бўлмасин! Одамларнинг рози-ризолигининг меваси бўлибди бу уй. Қутлуғ бўлсин. Бир хонасини меҳмонхона қилдингми?

— Қишлоқдан, яқин атрофдан танишлар келиб қолаяпти. Баъзи беморлар ётиб қолишади, ярим касалхона десангиз тўғри бўларди. Ҳукумат ҳам халқ табобатига эътибор қаратмоқда. Келажакда шифо маскани очсак ҳам бўлар.

— Бағрикенг инсонни иши юришади, болам, — деди биби насихатомуз. — Қийналмаяпсанми?

— Менга сезилмайди. Нодир сал зорланади.

— Сен касал билан оворасан. Бир ёқда уйинг тўла одам. Ўғлингни қишлоқ мактабига берамиз. Ўзимизда ҳам яхши ўқитувчилар кўп. У ёқда аданг ва ойинг ҳам тайинлашган эди.

— Уларга оғирлиги тушмасми?

— Хавотир олма, шунча бола-бақра ичида қайтага зерик-кишмайди, — деди биби, сўнг нимадир эсига тушиб, набирасига савол билан қаради. — Ҳа, пилладан дори қилибсанми?

— Ҳа, — деди Зайнаб ҳам. — Ўтлардан ташқари, пилладан суюқ дори тайёрлаб, ошқозон яраларига беряпман.

— Бор малҳамлар хотирангга ўрнашдими?

— Сизники каби ёд бўлиб кетди.

— Энди етилибсан, ўқитувчиликни соғинмаяпсанми?

— Қайдам. Қанча кўп одам кўрган сайин, уларга кераклигимдан бағри-дилим очилади.

— Ҳақиқий истеъдодинг шу экан, демак. Ҳа, яхши. Жарроҳлик билан боғлиқ касалларни ўз дўхтирига юборяпсанми?

— Жарроҳлик, саратон, операция билан боғлиқ, реанимацияга муҳтожларни шифохонага жўнатяпман.

— Кўзим тириклигида авлодимиздан яна бир ноёб табиб чиққанидан хурсандман. Бизнинг юрт Ибн Синодай улуг зотни дунёга келтирган. Қонингда бор. Илоё, қўлинг дард, бошинг ғам кўрмасин.

Озгина вақт ўтиб Зайнабнинг олдига маъмурият вакили келди ва жарима солди.

— Табибчиликка лицензиясиз хизмат кўрсатаётган экансизми?

— Лицензия ким беради? Суриштиришга, боришга ҳам вақтим бўлмабди.

— Баҳона қилмай қўя қолинг. Билиш, даромаддан солиқ тўлаш зарур эди. Энди жаримага солинасиз.

— Майли, қанча бўлса ҳам тўлайман. Фақат ишимни давом эттирсам бўлгани.

— Бироқ, энди кеч. Жарима барибир ундирилади. Тадбир-корлигингизни эса тўхтатишга тўғри келади.

— Ундай қилманглар! Беморларим қайга боришади?

— Вақтинча ёпамиз. Хужжатларни олгач, табиблигингизни давом эттирасиз? Қонун, қоида ҳаммага бир.

— Ҳм...

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли дори-дармонлар билан ишлаш ташкилотига Зайнаб кириб келди. Уни ташкилот раҳбари қарши олди.

— Юринг, сизни каттанинг ўзлари кутяптилар.

Бошлиқ уни Вазир олдига киритиб юборди.

Вазир у билан қуюқ сўрашиб ўтиришга таклиф этди.

— Келинг, келинг қўлга тушмас табиба.

— Ассалому алайкум! Мени йўқлатган экансиз.

— Газеталарга чиқиб кетибсиз! Сиздан даво топган минглаб одамлардан уч-тўрт йилдан бери хат келиб ётибди. Шуни биласизми? Охирги пайт қаердасиз ўзингиз? Уйингизга хат, телеграмма бердик, олдингизми?

— Ашгабадда, одамларга тиббий хизматда эдим. Ишга мункиб кетибман. Ўзи бир нарсага шўнғисам, ажратиб олиш қийин. Қаранга, тўрт йилдан бери четдаман.

— Шундоқми? Энди жонажон юртимизга тажрибаларингиз ортиб қайтгандирсиз?

— Кўзларим пишиб, малакаларим ошди.

— Жуда яхши-да. Айтингчи, беморлар ёзган хатларида Сиз хаттоки оғир касалликларни, эртага ўлади деб реанимациядан қайтарилган кексага қайта умр бахшида этибсиз? Ростми?

— Рост, саксон иккига кирган амаки, менинг муолажамдан кейин яна уч йилча яшадилар.

— Тери касалликларига туркана дорилардан фойдаланиб тузатибсиз? Дориларни ўзингиз тайёрлаганмисиз? Шу ҳам ҳақиқатми?

— Ҳақиқат. Дори яшаш қўлимдан келади.

— Айнан шу масалада, Биз Фанлар Академиясининг ўсимликлар кимёси институтига Сизнинг қобилиятингизни синаб кўриш учун юбормоқчимиз. Академия Президенти Жўраев ҳам қўллаб-қувватлаганлар. Маъқулми?

— Маъқул.

— Масъул бошлиқларни чақириб қўйгандим. Мажлисимиз бор. Шунинг учун ҳозирча Сиз билан хайрлашамиз. Маслаҳатим, тўғри Фанлар Академиясига, Жўраев олдига борсангиз. Режаларни улар билан бафуржа келишиб оласиз.

— Яхши. Лекин Фанлар Академияси қаерда? Мен Тошкентни яхши билмайман. Бу Вазирликни ҳам зўрға топдим.

Вазир анграйиб қолди...

Зайнаб вазирликдан чиқиб, Ўзбекистон Фанлар Академиясига борди. Шахсан академия Президенти Жўраев кутиб олди.

— Халқдан чиққан топилма, Зайнаб Ашрапова деган ихтирочи-доришunos, табиба Сизми. Қани келинг, келинг тортинманг.

— Ҳа, мен Зайнабман.

— Сиз тўғрингизда эшитганман, ўқидим, малҳамларингизни лаборатория шароитида синовдан ўтказиш зарурати бор. Унинг фойдали ёки зарарли томонларини аниқлаш лозим.

— Майли.

— Янги дори ишлаб чиқариш, илмий изланишдек гап. Мен ҳозир.

Жўраев телефон орқали ким биландир уланди.

— Ҳалим Ибодович! Мен Тўхтамурод Жўраевман.

— Ассалому алайкум! Эшитаман.

— Ваалайкум Ассалом! Эртага соат ўнга жамоанинг барчасини йиғсангиз. Зайнаб Ашрапова тўғрисида ўқигансиз?

— Ҳа, матбуотда чиққан мақолани айтаяпсизми? Лекин унинг доришunosлигини текшириб кўриш зарур.

— Жуда тўғри. Эртага шу шов-шув бўлаётган аёлни таништираман. Ўзларингиз унинг ноёб истеъдодини ва қўллаётган дориларини аниқлаб берасизлар.

— Чиндан истеъдодми ёки дўттибозликми?

— Бу ўзларингизга савол. Эртага барча нуфузли олимлар йиғилсин. Хайр.

Эртаси Фанлар Академияси Ўсимликлар кимёси институтининг илмий кенгаш ўтказиладиган зали олимлар, тадқиқотчилар билан лиқ тўлди. Президумдан жой олган Жўраев Тўхтамурод ака сўзлади.

— Ҳурматли устозлар, олимлар. Сизларга ноёб истеъдодга эга, халқдан чиққан табиб аёлни таништираман. Унинг кўп касалликларга малҳамлар яратаётганини эшитгандирсизлар.

Жўраев биринчи қаторда ўтирган Зайнаб Ашраповани кўрсатиб, бошини силкиб имлади. Йиғилиш қаҳрамони ўрнидан турди. Зайнаб қишлоқ шароити кўринишида кийинган, кўкраклари бурмали помбархит, мовий рангли, гулли енги ҳам узун, лозим, бошида рўмоли чамбарак ўралган эди.

— Марҳамат танишинглар, бирга ишланглар. Қолган гапларни Ҳалим Ибодович айтар. Менга рухсат.

Жўраевни Ҳалим Ибодович кузатиб қўйиб, раислик ўрнига келиб ўтирди-да, йиғилишни давом эттирди.

Зайнабга мурожаат қилди.

— Ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз. Икки оғиз.

— Табибчилик бувимдан ўтган. Ўтлардан фойдаланиш, улардан малҳам, дори тайёрлашни ёшлигимдан биламан.

Фан номзоди Умар Собировнинг унинг кийиниши, туришига қараб энсаси қотиб, писанда қилиб савол беради.

— Бу ноёб истеъдод эгаси қандай маълумотга эга? Қайси институтни битирган?

— Ўзим Бухоро педагогика институтини битирганман. Касбим ўқитувчи.

— Энди мактаб ўқитувчилари ҳам болаларни ўқитиш ва тарбия беришни ташлаб қўйиб, ихтирочи бўлиб қолибди-да?

Бутун зал бўйича кулги ёйилди.

Ҳалим Ибодович столга чертиб, кулгини тўхтатди.

— Кулманглар, ўртоқлар. Сал жиддийроқ бўлинглар. Яна қандай саволлар бор? Мавзуга яқинроқ бўлсин.

Залда турли шифобахш ўтлардан намуналар мавжуд. Ўшаларни кўрсатиб профессор Олимов савол беради.

— Манаву ўтни биласизми?

— Бўймадарон.

— Сифатлари?

— Қон тўхтатувчи ҳамда иштаҳани очувчи, бош оғриғини қолдиради.

— Мана буниси-чи?

— Қирқбўғин.

— Сифатлари?

Профессор Гельман уларнинг суҳбатини бўлди.

— Ўтлардан фойдаланиш бўйича китобларимиз қанча. Кейин ҳеч қерда ўқимаган эски шаҳарда ўт сотиб ўтирганлар ҳам бу ўтларни яхши билади. Ҳозир глобалроқ масалалар турибди. Шулар ҳақида ўйлашимиз, керак бўлса бу қизимизга шу йўналишда вазифа топшириш лозим.

— Марҳамат. Қадрли профессор нима демоқчисиз?

Гельман ўзини йўқотмай муаммони қистирди.

— У ҳолда, мана қанд касаллиги, саратон давосиз. Балки шу касалликларга бирор дори таклиф этарлар бу ёш ихтирочимиз.

Академик Ҳабибов профессор сўзини маъқуллаган ҳолда шубҳа билдирди.

— Булар дунё муаммоси бўлиб келаяпти. Мушкул масала.

— Осилсанг баланд дорга осил, дейди халқимиз. Сиз, Зайнаб, нима дейсиз бу ҳақда? — деб сўради профессор.

— Менга фарқи йўқ. Истасангиз, қанд касаллигига дори тайёрлаб келаман.

Умар мазахлаб овозини кўтарди.

— Ана сизларга номутахассис одамнинг жавоби? Оғзининг четидан ваъда чиқиб кетаверар экан-да? Ҳалим Ибодович, мен бу авантюрада қатнашмайман.

Умар, Гельман ва яна бир нечта олимлар ўрнидан туриб кетмоқчи бўлишди.

Ҳалим Ибодович улардан қайтиб ўтиришини сўради.

— Ўтир Умар. Бу аёлга ҳозирча ишонишга мажбурмиз. Дориларини яратсин, текшириб кўринглар, кейин сўзларингизни айтасизлар.

Академик Ҳабибов сўради.

— Қизим, қанча муддат дори яратишга кетади? Ва қандай шароит бизлардан лозим?

— Йигирма кунча вақт беринглар. Менга уйим шароити етарли.

Улар яна мазахлагандай кулишди:

— Йигирма кун, уй шароити. Фирт лўттибознинг гапига ўхшайди. Фақат турқи-тароватини айтмаса, уни мен кўчадаги фол очадиганларга ўхшатайман.

Бу гаплардан жаҳли чиққан Зайнаб, Умарга қаттиқ тикилди. Умар мулойимлашиб, тили калимага келмай, кўзи юмилиб, турган жойида қотиб қолди.

Ҳамма бир-бирига ҳайрон боқди, аммо елка сиқиб индамадилар.

Ҳалим Ибодович йиғилишни якунлаб гапирди:

— Яхши, Зайнаб Ашрапова дориларини олиб келсин. Гельман ва Умарга текширтириш ва синаш учун берамиз. Маъқулми?

У Гельманга қаради.

Гельман мурасосоз олим. Ҳозир у Ҳалим Ибодовичга тикилиб сўзидан чиқмаслигини яна бир тасдиқлади.

— Нима десангиз шу. Синчиклаб текширамыз. Сичқонларда синаймиз.

Зайнабга ихтиролар кўпинча тушига киради. У ҳозир шундай катта даргоҳда олимларга сўз бериб қўйди. Бунга унинг асоси бормиди? Ҳа.

У пилла қуртининг урғочиси ва эркаги билан ҳам болалигидан гаплашиб келади.

Бу саккиз оёқли қуртлар ўзларидан инсон организмида мавжуд гормонлар чиқаради. Аминокислоталарга бой. Шунинг учун уларни Зайнаб қўлига олса, улар панжалар аро юрган сайин, одамга хуш келадиган тегиниш юз беради. Мисол учун бошқа қуртларда аминокислоталар миқдори кам, йўқ ҳисобда. Улар қўл узра юрса одам сесканиб кетади.

Пилла қурти эса бошқа.

Эркак қуртининг овозини у худди эркак кишидан келадиган, урғочи қурт ўрнига майин аёл киши товушини эшитгандек бўлади.

Суҳбатлари ҳам ғаройиб мавзуларда кечади.

Энг қизиғи, бу суҳбатларнинг кўпини у эслаб қололмайди.

Ҳозир у пилладан дорилар ихтиро этишни режалаштирганди.

Унга бу ихтиролар тушида аён бўлди-да, бор кимёвий-технологик жараён кўз ўнгига жонланди.

Умар ва Саидносир лабораторияда иш билан банд. Холида кириб келади.

— Умар ака, сизни Володя чақиряпти.

— Яхши.

Умар шошиб чиқиб кетди.

Саидносир Холидани гапга солди:

— Холида! Тушликка табакага борамизми?

— Йўқ! Ана Раисани олиб боринг.

— Рашк қилаяпсизми?

— Нимангизни рашк қиламан. Бир марта адашиб сиз билан бориб қолганим. Мен аслида Умар акани яхши кўраман.

— У эса беш йилдан бери сизга қиё боқмайди.

— Нега энди. Мен билан кўнглимга қараб, жуда маданий гаплашадилар. Бирор марта дилимни оғритадиган сўз айтмаганлар.

— Шу билан бирга кўнглини ҳам очмаган.

— Сизда бирпасда пайдо бўлиб, тез сўладиган ишқдан кўра, шу ҳолича Умар ака суюмли.

— Фақат у сиз қолиб, ихтирочи Зайнаб Ашраповага қизиқиб юрибди.

— Нима-а? Анаву алмисоқдан қолган кийимли аёлми? Умар ака ҳали уйланмаганлар, у эса эрдан чиққан экан-ку?

— Муҳаббат ёш танламайди. Севсанг, эчкини ҳам севиб қоласан деган гап бор-ку?

Шу пайт Умар қўлида иккита баклашка билан кириб келади. Баклашкадаги оқ рангли суюқликни кўрсатиб, Саидносир сўрайди:

— Булар нима?

— Зайнабхоннинг ихтиролари?

Холида жаҳли чиқиб: «Мени ҳеч Холидахон деб чақирмас-дингиз?» — дейди.

— Холида? Сизга нима бўлди. Аччиқландингизми? Ҳа, Саидносир, сени Ҳалим Ибодович котибаси қидириб юрибди.

Саидносир чиқиши билан Холида узиб олди:

— Зайнабхонни ихтиролари денг.

— Холида, кесатаяпсизми? Лабларингиз ҳам пир-пир учяпти. Сизга бирор нарса бўлаяптими? Одамни хавотирга солманг? Айтинг?

— Сезмаяпсизми мендаги ўзгаришларни? Мен бировни севиб қолганман.

— Наҳотки? Жуда зўр-ку? Ким экан у бахтли одам.

— Айтишим шартми?

— Ҳа, албатта.

— У сиз!

— Йўғ-эй! Лекин, Холида, биз фақат дўстмиз. Ишонинг, сизни жуда ҳурмат қиламан...

Холида хонадан ўқдек отилди.

Бир ойлар ўтиб, Ўсимликлар кимёси институтининг директори хонасига Ҳалим Ибодович, академик Ҳабибов, профессор Олимов, Умар ва Володя тўпланишди.

Ҳалим Ибодович гап бошлади.

— Шу гаплар ростми? Умар, синчиклаб текширдингми?

— Оддий баклашкаларда дориларини ташлаб кетганди. Қабул қилмагандим. Академик Ҳабибов олиб қол деб қистадилар. Истамайгина синов ишларини бошладим. Куён, оқ сичқон, денгиз каламушида текширдим. Қуртдан ёки гижжадан пайдо бўладиган қанд касаллигини қуритди. Натижаси яхши. Зайнабни чақиртириш керак.

— Зайнабними? Таклиф этганман. Ҳозир келиб қолар. Балки шу ишга грант олиб, тадқиқотни давом эттириш зарурдир. Ахир қоида бўйича шифохоналарда ҳам қўллаб кўриш керак-ку?

Академик Ҳабибов қўллаб-қувватлаб гапирди.

— Бундай ишга республика фан-техника қўмитаси, албатта грант беради. Чунки янги дори яратиш ўзи муаммо. Яратилгач ўн йил давомида лаборатория ва шифохона синовидан яхши баҳо олсагина, янги дори яратилди, дейилади.

— Яхши бўлди. Грант олсак, сиздек заҳматкаш олимларга жиндек бўлса ҳам даромад қўшиларди.

— Ҳа, Умар, Володя! Мана тайёр грант! Педагог, деб калака қилувдинглар.

— Қирқ йилдан бери ишлайман. Бунақасини энди кўришим. Мен ўзим шокдаман. Қишлоқдан келиб, тўғри Олимпни эгаллади. Зайнаб келсин, биламан қандай узор сўрашни.

Шу пайт Зайнаб кириб келди.

Ҳамма бараварига гапирди:

— Ихтиролар муборак бўлсин, табриклаймиз.

Володя ва Умар чўккалаб сўзлади.

— Шубҳа қилганимиз учун бир қошиқ қонимиздан кечинг, малика.

Ҳамма кулиб юборди. Бу сирли заминда яна қанчадан-қанча истеъдодлар ўз «ёғига қоврилиб» ётибди. Зайнабнинг хаёлидан шу фикрлар ўтди.

Бир куни директор хонасига Арпавой Сулибаевич Қаршиев кирди. Директор унга бепарвогина қараб:

— Келинг, хизмат, — деди.

— Мен норозилик билдиргани келдим. Қишлоқда тандирда ўт ёқиб юрган аёлни намуноча кўтар-кўтар қилишяпти.

— Яна эски гапми? Сиз бориб улар олган натижалар билан танишдингизми? Ҳаммаси ижобий-ку!

— Ишонмайман. У аёллик сеҳри ва жодусидан фойдаланиб бу ҳужжатларга қўл қўйдириб олган.

— Ишботингиз борми?

— Қанақа исбот? Шундоқ ҳам кўриниб турибди. Эрдан ажралган аёл. Келишган. Истараси иссиқ. Ҳар қандай эркакни йўлдан уришга қодир. Аввал узун кўйлак кийиб юарди, энди калтасига ўтибди. Эртага елкасини очиб келади...

— Бас қилинг, Арпа Сулиевич! Ундан кўра илмий ишларингизни охирига етказсангиз-чи! Неча йилдан бери чўзиб келасиз?

— Бувам деҳқон ўтганлар. Катта қир-адирлари бўлган экан. Арпа-сули кўп экарканлар. Даламни бувим сули ўримида туғиб қўйган эканлар. Ўшанга Сулиной қўйишган. Кейин бу ерлар адамга ўтган, ойим арпа ўриш ёрдамига чиққанларида далада мени туғиб қўйибдилар. Ўшанга менга Арпавой деб исм беришган. Шунинг учунми, қонимда борми, ўзим ҳам Ўсимликлар химияси институтига келиб қолганман. Ўттиз йил умрим ўтди. Бекорга арпа, сули деб камситманг, ўртоқ директор.

— Яхши, узор. Арпавой Сулибаевич! Фақат Сизга маслаҳат, истеъдодли одамлар йўлига ғов бўлманг!

— Истеъдод? Олий таълим соҳасида билими йўқ одамда ҳам бўларканми?

— Зайнаб ҳали ёш. Керак бўлса махсус мутахассислик институтини битиради. Лекин сиз халқдан чиққан академик Мичурин, Ризамат оталарни эшитмаганмисиз? Ажабмас, Зайнаб ҳам шундоқ обрўларга эришса.

— Мен ўз фикримда қоламан. Ҳужжатсиз билимни билим демайман.

Қаршиев чиқиб кетгунча директор унинг ортидан қараб қоларкан: «Янгиликка қарши одамлар доим топилиб қолар экан-да», деб ўйлади.

Кунлар шундай ўтаверди.

Володя Шабриннинг тажриба хонаси доим олимлар йиғиладиган, фикр алмашадиган, беғараз суҳбатлар қурадиган жой бўлиб қолди.

Бир куни ҳовлиқиб Умар кириб келди ва улар орасида қуйидаги сўзлашув юз берди.

— Қайси шамоллар учирди кекса бўйдоқнинг хонасига ёш бўйдоқни, — деб сўради Шабрин.

— Мени Зайнаб билан яқиндан таништириб қўйинг. У Сизни жуда ҳурмат қилар экан, — деб жавоб қилди Умар.

— Зайнабми, антиқа аёл-ку? Нима, сен ҳам, ярим институт ходимларидек, уни яхши кўриб қолдингми?

— Жуда ҳам. Ўша биринчи бор пайдо бўлгандаги туси, ҳолати, тушларимга киради.

— Айниқса, сени гипноз қилиб, сўзингни кесгандами. Балки ўшанда у сени ишқ домига мубтало қилгандир.

— Балки. Бағри-дилим ўртаниб кетяпти.

— Намунча, ёнгин тушдимми? Сен яхшиси унинг дориларини бирор институтда синовдан ўтказиб бер?

— Ҳа, ҳа, албатта.

Шу пайт Зайнаб келиб қолди, унинг юриши худди учгандек товушсиз эди. У узун кўйлак, бошида рўмоли, ўша-ўша ҳамма ёғи ёпиқ кийимда эди.

— Салом. Менсиз қандай ўтирибсизлар дейилармиди?

— Орзиқиб, кутиб. Ҳаттоки Сизга янги дўст, ишларингизга ҳамроҳ топиб қўйдим.

— Ростданми? Хурсандман.

— Умар Эндикринология институтидан тақриз олиб беради. Ўзи билимли инсон, фан номзоди, олим, бўйдоқ, ошиқ.

Зайнаб кулди
— Ошиқ, кимга?
— Сизга.

— Володя, Умарни хижолат қилманг. Суйган одамнинг ўз тили ва дили бўлади. Тўғрими?

Зайнаб Умарга қарайди.

— Рост, Володя ҳақ гапни айтди. Тушларимга кирасиз? Сизни яхши кўраман.

— Агар биринчи навбатда ишқни назарда тутиб кўмаклашмоқчи бўлсангиз, керакмас.

— Йўқ, ёрдам беғараз.

— Ундай бўлса, раҳмат.

Зайнаб Умарга қўл узатди ва йигитнинг чуқур кўзларида самимий қарашни кашф этди: «Бундайларга бир умр суяниб яшаш мумкин, аммо одамларим турмушга чиқишимга йўл беришмайди-да!» — деб ўйлади.

Орадан уч йил ўтди. Володя Шабрин тажрибахонаси эшигини Зайнаб очди.

Зайнаб шу йиллар давомида Тошкент фармацевтика институтига ўқишга кириб, иккинчи мутахассисликка эга бўлди. Бир ёқда яратган дориларини жойларда текшириб, ижобий тақризлар ҳам олаётган эди.

Шабрин Зайнабга саволга тутди.

— Эртага катта йиғилиш. Зайнаб, дориларингни тасдиқлашади. Тақризлар старлими?

— Етарли, шекилли, — деб Зайнаб дадил жавоб қилди.

— Қаерлардан олинди?

— Врачлар малакасини ошириш олийгоҳидан, Умарнинг оталари раҳбарлик қилаётган институтдан, Биринчи Давлат тиббиёт академиясидан ва яна уч-тўртта жойдан бор.

— Жуда зўр-ку! Натижалар ижобийдир.

— Ҳа, албатта.

— Умарни фойдаси тегибди-да!

— Ҳа, албатта. Улар менга елкадош, асосий суянчиг. Умар акага ўрганиб қолдим.

— Бўлмаса эрга тегиб қўя қолинг.

— Володя, сизнинг гапни пўсткаласини айтишингиз менга ёқди.

— Жуда яхши, у ҳолда чўзиб нима қиласиз?

— Одамларим рухсат беришса, балки рози бўлардим. Бундай ҳалол, беозор эркалар кам...

Шу вақт Умар хурсанд кирди.

— Зайнаб. Табрикланг. Яна иккита ижобий тақриз. Бири «Ноглюбин», иккинчи «Куватин» учун.

Зайнаб югуриб бориб Умарни бўйнига осилди. Умар ҳайрон, оғзи очилиб қолди.

Шундоқ тез яна ажрашди Зайнаб. Хижолатдан у қизариб кетганди. Умар ҳам лол ва гунг аҳволга тушди.

Иккаловини бу аҳволдан Володя қутқарди:

— Келгуси режалар Россияга чиқишми? Зайнаб? Қийин бўлмасмикин?

— Дўстларим бор? Умар ака бор! Ҳар қандай тўсиқни четлаб, ёриб чиқамиз. Тўғрими?

Умар индамай бош силкиди.

Зайнаб охиргги пайтлар Россияга ҳам қўп борарди. У ўзи яратган «БАД»ларини у ерларга экспортга чиқариб, республикамизга валюта олиб келишга ҳисса қўшмоқчи, ўзи очган фирманинг молиявий аҳволини кўтармоқчи эди.

Бир гал Тошкентдан Москвага учган самолётда унинг олдиндан кўра билиш қобилияти асқотди.

Самолёт Тошкент аэропотидан кўтарилганига икки соатлар бўлган эди. Олдинги қаторлардан бирида ёш рус жувон Оля қўлида ниҳоятда чиройли, қувноқ бир ярим ёшлардаги боласи Сашани олиб кетаяпти. Ёнида эри Михаилнинг укаси Дмитрий.

Оля энди йигирма олтига кирган.

Эри Михаилнинг Москвада бизнеси бор. Қайнотаси ва қайноналари аввалдан у ерда яшашади. Булар меҳмонга келишяпти. Олдинги қатор ўриндиқ орқасида йиғма столча очилган, унинг устида турли мазалликлар бор. Бола оғзига нимадир олиб оғзига солганини на Оля, на Дмитрий сезишмади.

Бола аввалига ўқчиб йўталгандек бўлди, кейин овози чиқмай ўзидан кета бошлади.

Оля қичқариб юборди. Стюардесса югуриб келди. Ҳодисани эшитиб, югуриб микрофондан эълон қилди.

— Ичингизда шифокорлар бўлса, биринчи салон учинчи қаторга келишингизни сўраймиз. Бир ярим ёшлик боланинг умри хавф остида.

Динара Байвасовна тажрибали кардиолог шифокорлардан.

У болани аҳволини кўриб, пульсини ушлаб кўрди. Юрак уриши тушиб кетаяпти. Нафас олиши оғир. Оғзини очиб кўриб, нима воқеа бўлганини сўради. На Оля дод деганча нима бўлганини билмас, на Дмитрий кўзи юмилиб мудрагани учун, эътиборсиз қолганини очиқ айтди.

Шифокор сунъий нафас бериш керакмикин ёки юрагини массаж қилишними ўйлаб, боши қотиб қолганди. Бир-икки йўловчилар туриб олганидан қаторлар орасидан ўтиш қийин эди.

Зайнабга шу дамда маълумот етиб келди.

— Озгина сониядан кейин, уч қатор олдинда ўтирган кўзлари кўк бола ўлади.

Унинг томоғига конфет (лединцы, барбарис сифат сўралиган конфет) бориб тикилган. Ҳаво йўлини ёпиб қўйган ҳисоб.

Оёғидаги ечиб қўйган этигини ҳам киймай, Зайнаб ўртада турганларни туртганча, «ҳамма чеккага», — дея бола қошига югурганди.

Бир-икки йўловчиларни қисибми, сурибми ўтди-да, онаси қўлида кўкаришга бошлаган Сашанинг оғзига кўрсаткич бармоғини тикаётганда, шифокор унинг йўлини тўсмоқчи бўлди, у чап қўли билан уни туртиб, ағдариб юборди.

Она нима қилишини билмай унга анграйиб ўғирилгунча, Саша томоғига ёпишган конфетни суғуриб олди. Бола пуф этиб, чуқур нафас чиқарди. Шу ондаёқ унга тириклик қайтиб, гингшиб йиглаб юборди.

Онаси, шифокор ва бошқалар Зайнабни маъбудага қарагандек ҳайратда қараб қолишди.

— Қайдан пайдо бўлдингиз? Унинг фалокати кўзингизга кўриндими?

— Сиз ким, башоратчимисиз?

Унга бошқа яна ўнлаб саволлар беришди.

Дмитрий жойини бўшатиб ўрнидан турди.

Зайнаб менга сезилди, ҳайронман деб қўя қолди.

Пастга тушишганда, Домодедовода уларни Михаил кутиб олди. Оля бўлиб ўтган нохуш воқеани айтди шекилли, эри Зайнабга ташаккурини билдириб, Полянкага бирга олиб кетди. Меҳмонга таклиф этиб, кунини белгилашни Зайнабдан сўради.

Улар бир кунни тайин қилишди. Энди Зайнаб кўпинча Москвага борса, Олялар оиласи уйига бориб, ҳеч бўлмаса у ёқ-бу ёқдан гаплашиши расмга айланди. Улар яқин дўстга айланишди.

Санкт-Петербургда салмоқли маъмурлар хонасидан бирининг қабулхонасига Зайнабнинг қадамлари ҳам етиб борганди.

У кириб келди.

Нина Петровна у билан яхшилаб сўрашиб, сўзлади.

— Зайнаб, Сиз тўғрингизда катта бир одам телефон қилди. Дўхтирлар тузата олмаган дарддан халос этиб, унинг оиласи барқарорлигини сақлаб қолибсизми?

— Бўрттириб юборишибди.

— Камтаринлик қилманг. «Ноглюбин» ва «Куватин» «БАД»-ларига спортсменлар қизиқишяпти. Лицензия олишингизга биз қаршилиқ қилмаймиз.

— Раҳмат.

— Сиз балки улардан ташқари бошқа нарсалар ҳам ихтиро этсангиз бўлар?

— Мисол учун.

— Аёлларга кремлар. Бошланишига юз кремлари.

— Бўлади. Истасангиз сизга яқинда келтириб бераман.

— Шунчалик тезми?

— Бир ҳафта, ўн кунда.

— Яхши бўларди. Юзим доим кўзгуда, яъни халқ назарида, пресса, ташкилотлар, учрашувлар. Кетма-кет расмга олишади. Совуқданми, шамолданми қуриб буришаётгандек. Терига мос кремни топишим қийин.

— Хорижий фирмаларникичи?

— Ярми тоза, ярми қалбаки.

— Сиздек маъмурни алдашга ботина олишмас.

— Ҳо-ҳо-ҳо. Лақиллатишганда қандоқ? Ҳеч кимга арз қилмаслигимни, бу ишдан ор қилишимни билишади.

— Юзингизда зоҳир олийжаноблигингиз.

— Энди Сиз мақтаб юбордингиз. Кейинги сафар Сизни дачамга таклиф этаман. Ўшанда бафуржа гаплашамиз. Сиз менга қадимий табиблик билимлардан айтиб берасиз. Хайр.

— Кўришгунча.

Нина Петровна дачасида йигирма кунлар ўтиб кўришишди.

— Зайнаб, сиз нима, сеҳргармисиз? Шарқ табobatiда Авиценнага етадигани бўлмаган, ундан сизга ўтмаганми? Сиз ҳам Бухоро яқинида туғилган экансизми?

— Бўлса бордир. Афшона қишлоғи бизга қирқ чақиримча келади. Кремдан фойдаландингизми? Ё синашга ўзгаларга бердингизми?

— Шунга айтаяпман-да. Юзимга сурсам бирам ёқди. Бирам ёқди. Бир марта сурганим кун бўйи юзимни ялтиратиб, асосийси тириштирамай ушлайди. Бу кремни дунёга чиқариб Зайнаб-5 деб «Шанел»дек ном чиқарсангиз бўлмайдами?

— Катта китлар ютиб юборар. Асоссиз айблар тўқиб, кремни эмбрионлигида бўғиб қўйишади.

— Тўғри. Лекин сиз ўйлаб кўринг. Мен эса бир йил-ярим йил фойдаланиб кўрай. Натижасини биламиз. Ўшанда балки ўзимиз китга айланармиз, агар мени ёнингизга олсангиз.

— Мен розиман. Сиздек ишончли инсон билан шерик бўлиш менга шараф.

— Яхши гапирдингиз. Раҳмат. У ҳолда яқин кунларда «БАД»ларга лицензия олиш устида иш бошлаймиз. Ҳаммаси мен айтгандек бўлади. Ишонаверинг.

Негадир бу гаплардан кейин Зайнаб хурсанд бўлиш ўрнига бўшашиб кетди.

Бу ҳолатга тушиши бежиз эмас эди...

Келгуси ҳаётида Зайнабнинг хориждаги ишлари барибир ўхшамади. На биоқўшимчалар чиқаришга, на юз упалар чиқаришга маъмурий органлар рухсат беришмади. Сабабини бир қучоқ қоғозларга битилган инкор хатлари эмас, Зайнаб билади, аммо одамлари ҳам ортиқча уринмасликни тайин қилган. У бу дунёда бериладиган бор омад ва иқтидорини намоён қилиб бўлган экан, шекилли, шундай яшашга кўнди.

Ҳа, яна одамларидан уни турмуш қуришига изн тегмади. Умарга Холида эга чиқди. Шунақа гаплар...



МУНДАРИЖА

<i>Инженер ёзувчи</i>	3
ҲИКОЯЛАР	
Чўрткесар	6
Имон шифоси	11
Ҳазрати Уккоша булоғи	18
Мардикор боланинг кечмишлари	23
Фирибгар тузоғига тушган баёв	26
Мурсаю мадора	32
Муомала	36
Қирчиллама саксон ёш	39
ҚИССА	
Ғойибдан мадал	50



84.5(Ў)6 Обидов, Абдужаббор.

О 14 Чўрткесар [Матн] / А.Обидов. - Тошкент: Istiqlol, 2019. - 84 б.

ISBN 978-9943-5723-9-3

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Адабий-бадиий нашр

АБДУЖАББОР ОБИДОВ

ЧЎРТКЕСАР

(Қисса ва ҳикоялар)

Тошкент — «ISTIQLOL» — 2019

Муҳаррир

Рассом

Мусаҳҳиҳ

Саҳифаловчи

Жаббор Раззоқов

Ровшан Маликов

Феруза Рустам қизи

Суннат Пўлатов

Лицензия рақами АІ № 217. 03.08.2012 й. Босишга 2019 йил 1 ноябрда рухсат этилди. Бичими 60×84^{1/16}. Офсет қоғози. Times Tad гарнитурасида. Шартли босма табоғи 5,25 б.т. Адали 1000 нусха. Буюртма № 26.


«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ, Тошкент ш., 100011, Навоий кўчаси, 30-уй. Тел: 244-94-36. Эл. почта: istiqlol-nashr@mail.ru.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Тошкент ш., 100011, Навоий кўчаси, 30-уй.

14.000 c.



Боғбондан парвариш кўргандан боғда
Атиргул доимо кўлда, ардоқда.
Ўзича ўсган гул чечакларни кўр
Қадрини топмайди ҳеч бир димоқда.



ISBN 978-9943-5723-9-3



9 789943 572393